

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.А.ҚОДИРОВ

ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИ



БУХОРО – 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.А.ҚОДИРОВ

ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИ

(Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий географиянинг
шаклланиши ва ривожланиши)

БУХОРО – 2021

Аннотация

Уибу ўқув қўлланма 5140600-География бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжассалланган булиб унда География тарихи (тандов) ўқув фанининг обьекти ва предмети, мақсад ва вазифалари, Ўзбекистонда иқтисодий – ижтимоий география фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи ва уни даврлаштириши, уибу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг хусусиятлари, иқтисодий - ижтимоий географик тадқиқотларнинг ҳудудий маркиби, фан ривожланишидаги асосий муаммолар, ўрта мактаб ва олий ўқув юртларида иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўқитилишидаги муаммолар, илмий мактаблар ва марказлар ривожланишидаги устивор йўналишилар каби масалалар ёритиб берилган.

Ўқув қўлланмадан олий ўқув юртлари география таълим йўналиши талабаларидан ташқари уибу соҳа бўйича таҳсил олаётган магистрлар ҳамда ўрта ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва фан тарихига қизиқувчилар ҳам фойдаланишилари мумкин.

Аннотация

Учебное пасобие рассчитан для студентов бакалавриата 5140600-География и включает собой обьект и предмет, цели и задачи учебной дисциплины История географии (дисциплина по выбору), историю становления и развития экономической и социальной географии в Узбекистане и ее периодизацию, особенности научных исследований в этой области, региональная структура социально - экономико - географических исследований, основные проблемы развития науки, проблемы преподавания экономической и социальной географии в средних школах и в высших учебных заведениях, приоритеты в развитии научных школ и центров.

Учебное пасобие может быть использован не только студентами-географами высших учебных заведений, но и магистрами, преподавателями средних и средне специальных учебных заведений, а также теми, кто интересуется историей науки.

Annotation

The educational pasobie is designed for undergraduate students 5140600-Geography and includes an object and subject, goals and objectives of the academic discipline History of geography (optional discipline), the history of the formation and development of economic and social geography in Uzbekistan and its periodization, features of scientific research in this area, regional structure of socio - economic - geographical research, the main problems of the development of science, problems of teaching economic and social geography in secondary schools and higher educational institutions, priorities in the development of scientific schools and centers.

The educational pasobie can be used not only by students-geographers of higher educational institutions, but also by masters, graduate students, teachers of secondary and secondary specialized educational institutions, as well as by those who are interested in the history of science.

Масъул мухаррир:

М.И.Назаров география фанлари номзоди, ЎзМУ доценти

Тақризчилар:

Н.Қ.Комилова география фанлари доктори, ЎзМУ профессори

А.М.Мавлонов география фанлари номзоди, БухДУ доценти

КИРИШ

Жаҳон миқёсида кечеётган янги шароитдаги туб ўзгаришлар барча соҳалар қатори илм-фан соҳаларининг ривожланишига ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат география фанининг икки муҳим тармоғидан бири бўлган иқтисодий - ижтимоий география фанининг ривожланишида ҳам ўз аксини топмоқда. Чунки, ушбу фан бевосита ҳудудий иқтисодий-ижтимоий муносабатларни, аниқроқ қилиб айтганда ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жиҳатларини таҳлил ва ташхис этади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида иқтисодий - ижтимоий география ўзининг туб моҳиятига эришади. Сабаби бундай шароит ҳамма вакт чуқур иқтисодий фикрлашни, самарадорликни тақозо этади ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш ҳам худди шундай мақсадни кўзлайди. Ўз навбатида, мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий география фанининг география фанлари тизимида шаклланиш ва ривожланиш жараёни ҳам ўзига хос назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Фан тарихи илмий билимларнинг ўзига хос соҳаси бўлиб у жамият тараққиётининг маълум даврдаги ҳаётини, унинг асосий ютуқ ва камчиликларини ўзида акс эттиради. Илмий билимлар спиралсимон ривожланиш хусусиятига эга бўлиб унинг ҳар бир ҳалқаси йифилган далиллар, уларни умумлаштириш ва айни даврга хос бўлган жиҳатларни ўзида намоён қилиши билан тавсифланади. Илмий билимлар ошган сари фанлараро алоқалар (таъсир) ҳам кучайиб боради.

Юқоридаги жиҳатлар география фани тарихига ҳам тегишлидир. Бу фан ер юзининг ҳудудий кашф қилиниши (саёҳатлар ва кашфиётлар тарихини) географик ғояларининг ривожланиши ҳамда бу борада амалга оширилган тадқиқотлар билан боғлик ҳолда ўрганади. Яъни география тарихи фани ўзининг шаклланиш тарихини ҳозирги ривожи нуқтаи назардан таҳлил ва ташхис этади. География тарихи жуда мураккаб бўлиб, тадқиқотчилардан чуқур географик билим ва истеъододни (эрудиция) талаб қиласи. Шу боис бу борада буюк географлар Д.Н.Анучин, Л.С.Берг, В.А.Обручев, О.Пашель, К.Риттер, П.П.Семёнов кабилар ўзларининг ушбу соҳага оид асарларида айниқса батафсил ёзган.

Фан тарихини ўрганишнинг зарурати тўғрисида В.И.Вернадский шундай деб ёзган эди: “Илм - фан тарихи ва унинг ўтмиши ҳар бир илмий авлод томонидан танқидий равишда тузилиши керак. Илмий тадқиқотчиларнинг ҳар бир авлоди фан тарихида ўз даврининг илмий тенденцияларини акс эттиришга интилади ва топади. Олдинга ўтиб, фан нафақат янгилик яратади, балки муқаррар равишда эски, тажрибалидир”. Шу олим ўзининг бошқа бир асарида бу фикрни яна ҳам аниқроқ тақоррлади: “Илмий ғоялар тарихини ҳеч қачон ниҳоят ёзиш мумкин эмас, чунки у инсоният ўтмишидаги илмий билимларнинг ҳозирги ҳолатини доимо акс эттиради. Ҳар бир авлод уни қайта ёзади”. В.В.Полинов илм-фан тарихини ўрганишнинг мутлақ зарурлиги ҳақида ёзиб, бу нафақат босиб ўтган йўлни ёритади, балки кейинги тадқиқотлар йўналишини ҳам аниқлашни осонлаштиради деб таъкидлаб ўтган эди.

Ҳозирги вақтда республикамиз олимлари, ўқитувчилари олдида халқимизнинг ўтмиш илмий меросини ўрганиш ва бу соҳада қўлга киритилган жуда кўп илмий ютуқларнинг натижаларини халқимизга, айниқса ёшларга етказишида жуда муҳим ва шарафли вазифалар турибди. География дарсларида тарихий маълумотлар, қомусий алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш география дарсларини инсонпарварлаштиришга ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Ушбу ўқув қўлланма 5140600-География бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган булиб унда География тарихи (танлов) ўқув фанининг обьекти ва предмети, мақсад ва вазифалари, Ўзбекистонда иқтисодий – ижтимоий география фанининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ва уни даврлаштириш, ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг хусусиятлари, иқтисодий – ижтимоий географик тадқиқотларнинг ҳудудий таркиби, фан ривожланишидаги асосий муаммолар, ўрта мактаб ва олий ўқув юртларида иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўқитилишидаги муаммолар, илмий мактаблар ва марказлар ривожланишидаги устивор йўналишлар каби масалалар ёритиб берилган.

Мазкур ўкув қўлланмани тайёрлашда ўзларининг беминнат маслаҳатларини берганликлари учун масъул муҳаррир, география фанлари номзоди, ЎзМУ доценти М.И.Назаровга, тақризчилар география фанлари доктори, ЎзМУ профессори Н.Қ.Комилова ва география фанлари номзоди, БухДУ доценти А.М.Мавлоновларга алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

1 - МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИ НАЗАРИЯСИНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ РЕЖА:

1. Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география фани тадқиқот обьекти ва предмети эволюцияси.
2. Иқтисодий ва ижтимоий география фани таркибий тузилиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари.
3. Ўзбекистонда иқтисодий – ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш.

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий ва ижтимоий география, социал география, эволюция, инсон географияси, обьект, предмет, дифференциация, интеграция, давр, даврлаштириш, тарихий босқич.

1.1. Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география фани тадқиқот обьекти ва предмети эволюцияси. Жамият ривожланиши билан уни ўрганувчи фанларнинг тадқиқот обьекти ҳам мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Бу табиий ва ўз - ўзидан қонуний ҳолдир. Бу борада география фани тарихига мурожаат қилиш муҳим методологик ва назарий аҳамиятга эга. Фан тарихи шуни кўрсатадики, асрлар давомида география табиат, жамият, унинг маданияти ва хўжалик фаолияти ҳақидаги йиғма билимлар соҳаси сифатида ривожланиб келган. Янги хусусий фактлар тўпланиши билан табиат-жамият тизимининг алоҳида таркибий қисмларини ўрганувчи фанларни босқичма-босқич ажратиш юз берди. Фаннинг дифференциацияси обьектив жараёндир, лекин у мислсиз хулосалар ва илмий синтезни назарий тушуниш билан бирга олиб борилгандагина асослаб берилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўрганиш обьекти авваллари маълум бир мамлакат ёки районнинг хўжалиги ва аҳолиси, ишлаб чиқариш кучларининг жойланишидан иборат бўлган бўлса, кейинчалик у хўжалик ва ахолининг ҳудудий таркиби ёки тизими, ҳудудий иқтисодий - ижтимоий мажмуалар (комплекслар) шаклини олди. Шунга мувофиқ ушбу фаннинг вазифаси ҳам ўзгариб борди. Чунончи, илгари асосий эътибор қаерда нима борлигини ўрганишга қаратилган бўлса, ҳозирги кунда эса нима учун

у ёки бу воқелик айнан шу жойда вужудга келганинг илмий асосда изоҳлаб ва баҳолаб берилиши талаб қилинади. Бундай қонуниятларни чуқур англаш фаннинг амалий (конструктив) аҳамиятини янада оширади. Чунки, у энди турли йириклиқдаги ҳудудий иқтисодий - ижтимоий тизимларнинг таҳлилидан уларнинг ташхисига, ундан эса башорат ва бошқариш даражасига кўтарилимоқда. Демак, жамият тараққиёти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланишидаги жараёнлар иқтисодий ва ижтимоий география объектнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунга мос равишда бу фаннинг тадқиқот предмети ва вазифалари ҳам такомиллашиб боради. Айни пайтда бундай эволюцион жараёнлар фан номини замон талабига мувофиқлашувига олиб келди. Бинобарин, анъанаий иқтисодий география аста - секин иқтисодий ва социал географияга, у эса ўз навбатида мураккаброк ва мужассамроқ шаклга - ижтимоий географияга айланмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур фаннинг муайян бир барқарор, барчани қаноатлантирувчи таърифи ҳозиргача мавжуд эмас. Бунга сабаб география фаннинг кенг қамровлиги, обьекти, предмети ва номининг давр мобайнида ўзгариб туриши бўлиши мумкин. Шу билан бирга иқтисодий география таърифларининг кўпчилигига ишлаб чиқариш кучлари, уларнинг жойлашиш хусусиятлари таъкидланади. Булар ушбу фаннинг ўзак тушунчасига, айланиб қолган. Албатта, бу бежиз эмас, зеро иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий географиянинг мазмун-моҳиятини эса уларнинг жойлашув хусусиятлари белгилаб беради. Қолаверса, ривожланиш фақат аниқ бир жойда, маконда амалга ошади, шу боис жойланиш ривожланишининг ҳудудий инъикосидир.

Масалага бундай ёндашув иқтисодий географиянинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ. Маълумки, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш муаммолари даставвал Европада, хусусан Германияда немис олимлари И.Тюнен, А.Вебер, А.Лёш, В.Кристаллер ва бошқалар томонидан амалиётда кўриб чиқилган. Бироқ улар ўзларининг жойлаштириш (штандорт) ғояларининг натижасини иқтисодий география деб таърифлашмаган. Аксинча, бу масалалар кўпроқ ҳудудий иқтисод ёки геоиқтисод доирасида, иқтисодиёт фаннинг бир қисми сифатида

қаралган. Фикримизча, ҳозирги кунда ҳам фаннинг таърифида ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви иборасини қолдириш керак, зоро ҳар қандай жойлаштириш муайян бир ҳудудда амалга оширилади. Аммо фаннинг бугунги предмети учун бу кифоя қилмайди. Сабаб у энди иқтисодийгина эмас, балки иқтисодий ва социал - ижтимоий география мақомини олмоқда. Шу важдан, бундай таъриф фаннинг номи билан мазмуни, шакли ва моҳиятини мувоғиқлаштиrolмайди.

Тўғри, ишлаб чиқариш кучлари энг аввало унинг субъекти, эгаси - аҳолини ҳам ўз ичига олади. Лекин бу ерда аҳоли асосан ишчи кучи мазмунида, яъни иқтисодий категория шаклида назарда тутилади. Инсон, унинг ижтимоий ҳаёти, социал муносабатлари эса бу ибора қамровидан четда қолади. Бусиз фан илгаригидек иқтисодий, ишлаб чиқариш географияси бўлиб қолаверади. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда иқтисодий ва социал география таърифини тахминан шундай бериш мумкин: “Иқтисодий ва социал гегография мустақил фан сифатида турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзининг ҳудудий жиҳатларини ўрганади”. Қисқача қилиб эса ижтимоий географияни жамият ҳаёти ва фаолиятини ҳудудий ташкил этиш тўғрисидаги фан деб таърифлаш тўғри бўлади. Шубҳасиз, келтирилган таъриф ҳам мутлоқ аниқликка даъвогар эмас. Аммо, шу билан бирга аминмизки, у иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларни ўз доирасига олган ҳолда фаннинг туб моҳиятини ўзида акс эттиради ва уни тўла ифодалаб беради.

Мазкур таъриф қўпол бўлмаслиги ва кенгайиб кетмаслиги учун унга мажмуалар ёки комплекслар (тизимлар) ғояси киритилмади. Аслида эса иқтисодий ва социал география ўзи ўрганаётган воқеликни муайян ҳудудда ва фақат алоҳида - алоҳида эмас, балки ўзаро алокадорликда, яъни маълум бир ҳудудий тизимлар доирасида қўради. Шу боис юқоридаги берилган таърифни янада мукаммаллаштируса бўлади, яъни: иқтисодий ва социал география ишлаб чиқариш кучларини турли мамлакат ёки районларда ривожланиш ва жойланиш

хусусиятлари ҳамда инсон фаолияти ва яшаш тарзини худудий ижтимоий - иқтисодий тизимлар доирасида ўрганади, деб ифодалаш мумкин.

Ушбу сатрлар остида иқтисодий ва социал географияни ижтимоий география деб аташга мойиллигимиз сезилиб турибди. Бу, биринчидан, фаннинг ўзини ички ривожланиш қонуниятлари, ундаги дифференциация ва интеграция жараёнлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ушбу фан номини ривожланган мамлакатлардаги шаклига мувофиқлаштириш билан асосланади. Дарвоҷе, кўпгина хорижий мамлакатларда фанимиз айнан шундай: ижтимоий, гуманитар ёки инсон географияси сифатида расман қабул қилинган.

Бундан ташқари, яна бир масалага эътибор бериш лозим. Маълумки, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат билан инсон (жамият) ўртасидаги муносабат ва алоқадорликни ўрганишдан иборатдир. Аҳамияти тез ортиб бораётган синтетик муаммолардан бири жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири ҳақидаги таълимотдир. Бу муаммо узоқ ривожланиш ва тадқиқот тарихига эга, аммо фақат XX асрда кўплаб фанлар учун, хусусан, география учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги тобора аниқ бўлиб бормоқда. Бу иккиликнинг бири - табиатни ўрганувчи фанлар туркумини табиий география деб юритилиши ҳеч кимда шубҳа қолдирмайди. Аммо унинг иккинчи бўлаги, яъни инсон ёки жамият масалаларини тадқиқ этувчи фанни бир сўз билан қандай ифодалаш мумкинлиги мунозарали. Аниқки, бу ерда иқтисод сўзи ҳеч ҳам тўғри келмайди ва у табиатга муқобил тура олмайди. Иқтисод ва ҳаёт, иқтисод ва сиёsat бўлиши мумкин, бироқ табиат ва иқтисод бирлиги, жуфтлиги асло мос эмас. Бинобарин, ана шу мантиқий мулоҳаза нуқтаи назаридан ҳам нотабиий географик фанлар мажмуини инсон, жамият географияси ёки янада тўғрироғи ижтимоий география деб юритишга асос бўлса керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий ва социал географияни ижтимоий география шаклида ифодалаш собиқ Иттифоқда ҳам кўпчилик олимлар, хусусан Ю.Г.Саушкин, В.М.Гоҳман, С.Я.Ныммық, М.Д.Шаригин ва бошқалар томондан анча йиллар муқаддам ишлатилган эди.

Ҳар қандай фан ўзининг тадқиқот обьекти ва предмети, методи ва методологияси (усули ва услубиёти), асосий тушунча ва қонуниятлари ҳамда тамойилларига эга. Шу нуқтаи назардан география фанининг ўрганиш обьекти ва предмети, энг муҳим тамойили ҳудуд ҳисобланади. Ҳудудга географик ёндошув эса ҳамма вақт комплекс характерда бўлади. Айни вақтда ҳудуд қатор географик ўзак тушунчалар-ҳудудий меҳнат тақсимоти, район, ҳудудий тизим ва ҳудудий мажмуа кабиларнинг асосида ётади. Бинобарин, ҳудуднинг «эгаси», қандай кўринишда бўлмасин, албатта ва фақат географиядир.

Юқоридаги моҳиятан географик маънога эга бўлган ҳудуд (фалсафий маънода - макон) нафақат ушбу фан учун, балки баъзи турдош фанлар учун ҳам муҳимдир. Масалан, тарихан иқтисодий география негизида вужудга келган ва у билан яқиндан алоқада бўлган минтақавий иқтисодиёт ҳам бевосита ҳудуд ёки минтақа билан иш тутади. Аммо шу ўринда унумаслик лозимки, ҳар қандай ҳудуд ҳам минтақа бўла олмайди, масалан, университет жойлашган ҳудуд асло минтақа эмас. Демак, минтақа (уни тўғридан - тўғри анъанавий географик, аниқроғи табиий географик минтақалар, табиий, иқлим, тупроқ зоналари билан чалкаштириш нотўғри) ҳам ҳудуд, бироқ у каттароқ кўламдаги ҳудудни англатади.

Жамият ривожланишининг қонуниятларини кўпчилик фанлар ўрганади. Унинг ҳудудий ташкил этилиши масалаларини тадқиқ этишда замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг аҳамияти катта. Авваламбор, бевосита моддий ишлаб чикириш тармоқлари ёки хўжаликлар географияларининг ривожланиши билан таркиб топган иқтисодий география, ўтган асрнинг 80 йилларига келиб ҳозирдаги иқтисодий ва ижтимоий географияга айланди, яъни унинг ижтимоий (социал) каноти тезрок ривожланди. Мазкур фан ривожланишининг ички мантиғидаги бундай қонуний жараёнларнинг марказида инсон ва унинг ҳаёти билан боғлиқ барча мураккабликларнинг ҳудудий қирраларини ўрганиш масалалари ётади.

Иқтисодий ва ижтимоий география, география фанлари тизимидағи аҳоли ва у билан алоқадор барча ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳудудий

қонуниятларини тадқиқ этувчи, янги ва тез ривожланаётган тармоғидир. Унинг шаклланиши ва ривожланиши бир томондан география фанларининг ўз ички ривожланиши мантиқи ва иккинчи томондан эса унга бўлган “ижтимоий буортма” билан чамбарчас боғланган.

Ҳозирги даврда ижтимоий географияни мустақил фан тармоғи сифатида тўла шаклланган деб бўлмайди. Унинг шаклланиш жараёнлари давом этмоқда. Айниқса, ижтимоий географиянинг тадқиқот обьекти, тузилиши, фанлар тизимида тутган ўрни масалаларига янада ойдинлик киритиш зарур.

Ижтимоий географик тадқиқотларнинг диққат марказида (яъни маҳражида) доимо инсон омили ётади. Шунинг учун ҳам ижтимоий география шаклланишининг илк асоси бевосита аҳоли географияси билан боғланган. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси, рекреация, тиббиёт, маданият, таълим ва фан географияси кабиларнинг ривожланиши билан ижтимоий география янада кенг қулоч ёзди. Шунинг билан бирга унинг жиноятчилик, хулқ - атвор ва турмуш тарзи географияси каби йўналишлари ўз тадқиқотчиларини кутмокда.

Ҳозирги замон фанлари тизимида бевосита аҳоли ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганишда замонавий иқтисодий ва социал география алохида ўрин тутади. Айниқса, унинг социал география қаноти жамият ёки аҳоли ижтимоий ривожланишининг ҳудудий қирралари, қонуниятларини ўрганиш билан муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги ўн йилликлар тажрибаси шуни кўрсатадики, анъанавий иқтисодий ва социал география фанининг тадқиқот обьекти ва предмети доираси анча кенгайди, мукаммаллашди. Авваллари илмий тадқиқотларнинг негизида кўпроқ ишлаб чиқариш кучлари ва уларни ривожлантириш масалалари ётган булса, бугунги кунга келиб, аҳолининг ўзини ёки инсоннинг ижтимоий эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларини ҳар томонлама ўрганишга, айниқса, аҳолининг ижтимоий, маданий-маънавий турмуш тарзини ҳудудий ташкил этиш қонуниятларини тадқиқ этишга эътибор кучайди ва шу аснода ижтимоий географиянинг фан тармоғи сифатида

шаклланиш жараёнлари тезлашди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда бир қатор ижтимоий фанлар, биринчи навбатда иқтисодий фанлардаги “ижтимоийлашув” жараёни том маънода иқтисодий географияга ҳам хос. Бинобарин, аҳоли географияси, аҳоли манзилгоҳлари географиясининг ривожланиши билан иқтисодий географиянинг социал қаноти шакллана бошлади.

Иқтисодий географиянинг ривожланиши ва унинг муҳим қисми бўлган социал географияга (бу ерда у тор маънода) эътиборнинг кучайиши айрим олимлар томонидан ҳатто Баранский - Колсовский илмий мактабининг асосий кўрсатмаларидан қайтиш сифатида ҳам тушунилди. Бирок, иқтисодий географиянинг ижтимоийлашувини унинг тармоқларини ривожланишида деб эмас, балки ўзаро уйғунликда, бир-бирини тўлдиришда, бойитишда деб тушунмоқ мақсадга мувофикдир.

Ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ Н.Н.Баранский “социал география” ни яратиш масаласини кўндаланг қилиб кўйган эди ва кейинроқ уни муҳим бўлимларининг асосий масалаларини (аҳоли географияси, хўжалик географияси, шаҳарлар географияси ва б.) ўрганди. Ўша даврлардаёқ Н.Н.Баранский таъкидлаган эдики, иқтисодчи географ нафақат аҳолининг таркиби, жойлашуви, аҳоли манзилгоҳларнинг тавсифини, балки унинг фикр ўйларини, урф-одатлари ва маданиятини ҳам билиши керак.

Ижтимоий география, география фанлари тизимидағи янги шаклланиб келаётган йўналишлардан биридир. Унинг тадқиқот обьекти ва предмети тўла шаклланмаган ва бу борада олимлар ўртасида ҳозиргача баҳс мунозаралар мавжуд.

Турли даврларда бевосита аҳоли, яъни унинг яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш, соғликни сақлаш ва бошқа ижтимоий, маданий-маънавий ҳаёт фаолияти билан боғлиқ масалалар хорижда ва шунингдек, собиқ иттифоқ иқтисодий географияси доирасида ҳам ўрганиб келинган. Шунинг учун ҳам Ю.Г.Саушкин ижтимоий географияни иқтисодий географиядан ажратиш, иқтисодий ва социал

географияни ривожланишига зид эканлигини, реал борлиқни англашга тўла жавоб бермаслигини, яъни инсонни ижтимоий ҳаёти мураккабликлари билан иқтисодий географиядан “сугуриб” ташлаб бўлмаслигини ҳам уқтиради (Вопросы географии, №115, стр 19).

Ҳозирги кунда ижтимоий географиянинг тор ва кенг маънодаги талқини мавжуд. Жумладан профессор А.С.Солиевнинг таъкидлашича, тор маънодаги ижтимоий география (яъни, социал география) - бу бевосита инсон ҳаёти билан боғлиқ масалаларининг худудий жиҳатларини, унинг ўзи яшаб турган муҳити билан муносабатини ўрганувчи фандир. Кенг маънодаги ижтимоий география эса ўз ичига тор маънодаги социал география ва инсоннинг ижтимоий ҳаёт тарзи, маданий, маънавий, руҳий ривожланиш масалаларининг худудий қирраларини ҳам қамраб олади.

Ҳозирги вақтда кўпчилик муаллифлар томонидан “социал география” терминини бир вақтнинг ўзида тор ва кенг маънода тушунишнинг зарурати туғилди. Бу Мерестъенинг фанларни интеграциялашуви концепцияси бўйича, ижтимоий география (кенг маънодаги социал) социал географиянинг синонимидир. Социал география - барча ижтимоий обьектлар ва улар ўртасидаги социал ва географик муносабатларини қамраб олган ижтимоий географик тизимларни ўрганади.

Жамият томонидан яратилган ва ўзининг инфраструктура (ижтимоий, ишлаб чикариш) шароитларига эга бўлган ҳолда муайян ижтимоий вазифани бажариш юклатилган хўжалик тармоқлари ёки соҳалари, обьектлари мавжудки, уларнинг инфраструктура тизимларини шаклланиши ва ривожланишининг худудий масалаларини тадқиқ этиш, бизнингча, тор маънодаги ижтимоий (социал) географиянинг тадқиқот доирасига киради. Кенг маънодаги ижтимоий география социал географияни ҳамда жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини, гурухларини, кишиларнинг ижтимоий, маданий-маънавий ҳаёт тарзини ривожланишининг худудий масалаларини қамраб олади.

Фалсафий моҳиятига кўра, агарда инсон ва унинг турмуш шароитлари, меҳнат қилиши, билим ва дам олиши, соғлигини тиклаши, фикр - ўйлари, урфодатлари билан боғлиқ ёки бир сўз билан айтганда кенг маънодаги ижтимоий воқеа - ҳодисалар макон ва замонда мавжуд экан, ўз навбатида уларни вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг худудий қонуниятларини ўрганиш заруриятининг туғилиши табиий ва ушбу масала фанлар мантиқига кўра, аввало география фанининг тадқиқот обьекти доирасига киради, аниқроғи у билан ижтимоий географиянинг шуғулланиши мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ижтимоий география (кенг маънода) - география фанлари ва ижтимоий фанлар ўртасидаги интеграция жараёнларида вужудга келаётган география фанлари тизимидан иборат. Ҳозирги даврда ушбу тизимда фанларнинг уйғунлашуви (синтези) рўй бермоқда ва ижтимоий географиянинг умумий назарияси тез шаклланмокда. Демак, ижтимоий география шаклланиш босқичини бошдан кечирмоқда ва шунинг учун ҳам унинг мустақиллиги ва бир бутунлиги истиқболдан далолат беради.

Ижтимоий географиянинг мустақиллиги биринчи навбатда, мазкур фан назариясини вужудга келтирилиши билан ва иккинчидан, унинг атрофида интеграциялашган турли фанларнинг шаклланиши билан таъминланади.

Собиқ Иттифоқ давридан бошлаб ижтимоий география уч асосий йўналишда ривожланмокда. Биринчиси, бу ушбу фаннинг ҳозирга қадар шаклланган йўналишларининг (аҳоли географияси, геодемография, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси ва ижтимоий инфраструктура) ривожланишини давом этиши. Иккинчиси янги шаклланётган йўналишларни ўз ичига олади. Буларга тез ривожланаётган рекреация географияси, турмуш тарзи географияси, маданият географияси ва бошқалар мансуб. Учинчиси, секинлик билан бўлсада, ижтимоий географиянинг умумий назариясини пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Ижтимоий географиянинг ҳозирги даврдаги муҳим вазифаларига қуйидагилар киритиш мумкин:

- ижтимоий география тармоқларини ривожлантириш, яъни аҳоли географияси ва жойлашуви, хизмат кўрсатиш соҳалари, истеъмол, рекреация ва бошқалар;
- йирик масштабли яъни кичик ҳудудларни ўрганишга бағишиланган социал географик тадқиқотларни олиб бориш;
- география ва географик тадқиқотларнинг хорижий мамлакатларда мавжуд тажрибалари ҳамда ривожланишини ўрганиш;
- географиянинг барча йўналишларига тегишли бўлган ўзига хос вазифаси, яъни илмий тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга тадбиғини кучайтириш.

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши фаннинг география фанлари тизимида тўла шаклланишига хизмат қиласди.

1.2. Иқтисодий ва ижтимоий география фани таркибий тузилиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари. Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география ёки кенг маънодаги ижтимоий география жамият ҳаётининг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланишининг турли жиҳатларини ўрганувчи комплекс географик фан сифатида ҳозирги замон фанлар тизимида ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим илмий - амалий аҳамият касб этади. Жамият тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар фақат вақт (давр) давомида кечмайди, улар айни пайтда муайян жойда, яъни маконда ҳам содир бўлади. Ижтимоий ривожланишнинг ана шундай ҳудудий жиҳатлари география фанининг тадқиқот доирасига киради. Бироқ, жамият ривожи билан уни ўрганувчи фанларнинг тадқиқот обьекти ҳам мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Бу табиий ва ўз-ўзича қонуний ҳолдир.

Маълумки, ҳар қандай фан тадқиқот обьектига ва ўзининг предметига эга бўлиши керак. Бу ерда обьект серқирра борлиқ, ҳодиса ва воқеалар бўлиб, у биргина фан учун эмас, балки кўп фанлар бирикмасига хизмат қиласди. Фото ёки киноаппарат, видеокамера обьективи барча борлиқни қамраб олади ва унда бизни қизиқтирмайдиган нарсалар ҳам ўз аксини топиши мумкин. Ваҳоланки, ҳар бир фан ҳодиса ёки воқеаларни ўзининг хусусияти ва моҳиятидан келиб чиқиб фақат

бир томонини ўрганади. Ана шу “бир томони”, ёки жиҳати ҳар қайси фаннинг предмети ҳисобланади ва у аниқ нарса ёки воқеа ҳодисани ўрганишни билдиради.

Демак, объект кенг қамровли тушунча, предмет эса нисбатан тор ва аниқ маънода бўлиб, у шу обьектнинг қайси қисмини ўрганишни англатади. Бу борада қатор мисоллар келтириш мумкин. Масалан, аҳоли, айни пайтда иқтисодчилар, демографлар, этнографлар, социологлар, географлар, тиббиётчилар, ҳукуқшунослар ва бошқа фан вакилларини қизиқтиради. Аммо ҳар қайси фан “ўз бурчагидан” ёки бошқача қилиб айтганда, ўз мақсад ва вазифаси доирасида аҳолини ўрганади. Жумладан, иқтисодчилар учун аҳоли бу асосий ишлаб чиқариш кучи, меҳнат қилувчи субъект сифатида кўрилади; этнографларни аҳолининг қизиқтирувчи томони унинг миллий урф-одати, кийиниши, анъаналариридир, демограф эса, аҳолининг такрор барпо этилиши, унинг табиий ва миграцион харакати (туғилиш, ўлим, кўчиб юриш), никоҳ, ажralиш ва бошқа томонларини илмий асосда таҳлил қиласида ва х.к.

Замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг обьекти авваллари маълум бир мамлакат ёки районнинг хўжалиги ва аҳолиси, ишлаб чиқариш кучларининг жойланишидан иборат бўлган бўлса, кейинчалик у хўжалик ва аҳолининг худудий таркиби ёки тизими, худудий ижтимоий - иқтисодий мажмуалар (комплекслар) шаклини олди. Шунга мувофиқ, ушбу фаннинг вазифаси ҳам ўзгариб борди: илгари асосий эътибор қаерда нима борлигини ўрганишга қаратилган бўлса, ҳозирги кунда эса нима учун у ёки бу воқелик айнан шу жойда вужудга келганлигини илмий асосда изоҳлаб ва баҳолаб берилиши талаб этилади. Бундай қонуниятларни чуқур англаш фаннинг амалий аҳамиятини янада оширади. Чунки, у энди турли йириклидаги худудий ижтимоий-иктисодий тизимларнинг таҳлилидан уларнинг ташхисига, ундан эса прогноз ва бошқариш даражасига кўтарилимоқда.

Умуман олганда, “иктисодий география” тушунчасини дастлаб улут рус олими М.В.Ломоносов XVIII асрнинг 60-йилларида ишлатган. Лекин фан сифатида

кейинчалик бошқалар томонидан яратилган¹. Иқтисодий география фани таърифини биринчилар қаторида немис олими Алфред Вебер 1909 йилда берган. Унинг фикрича, бу фан “худудларнинг иқтисодий хусусиятлари, функцияси”ни ўрганади.

ХХ асрнинг 70-йилларида анъанавий иқтисодий география иқтисодий ва ижтимоий (социал) географияга айланди. Кейинчалик бу фаннинг турли қирраларини акс эттирувчи инсон, гуманитар, социал, ижтимоий география каби номлар пайдо бўлди. Ҳозирда Россия ва айрим МДҲ мамлакатларида у “Иқтисодий, социал, сиёсий ва рекреация географияси” деб расман юритилади. Бу номга маданий география, туризм ва бошқа нотабиий географик йўналишлар ҳам киришга даъвогар бўлиб туришибди. Шу сабабдан, фикримизча, фан номини бундай мураккаблаштирмасдан уни бир сўз билан “Ижтимоий география” деб белгилаш маъқулроқ бўлса керак. Бироқ, бу ерда “ижтимоий” сўзи социал сўзи билан маънодош эмас, аксинча у кенгроқ тушунча ҳисобланади.

Айтиш жоизки, мазкур фаннинг муайян бир барқарор, барчани қаноатлантурувчи таърифи йўқ. Бунинг сабаби — география фанининг кенг қамровлиги, обьект ва номининг даврлар мобайнида ўзгариб туришидир. Шу билан бирга, иқтисодий география таърифларининг кўпчилигига ишлаб чиқариш кучлари, уларнинг жойлашиш хусусиятлари таъкидланади. Булар ушбу фаннинг ўзак тушунчасига, аксиомасига айланиб қолган. Албатта, бу бежиз эмас, чунки иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий географиянинг моҳиятини эса уларнинг жойлашув хусусиятлари белгилаб беради. Қолаверса, ривожланиш фақат аниқ бир жойда, маконда амалга ошади, шу боис, жойланиш ривожланишнинг худудий инъикосидир.

Масалага бундай ёндашув, назаримизда, иқтисодий географиянинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ. Маълумки, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш муаммолари даставвал Европада, хусусан Германияда немис

¹ Хорижда “Иқтисодий география” тушунчасини, Ю.Г.Саушкин фикрича, биринчи бор 1882 йилда Ф.Ратцелнинг шогирди немис олими В. Готц томонидан қўлланилган.

олимлари И. Тюнен, А. Вебер, А. Лёш, В. Кристаллер ва бошқалар томонидан қўриб чиқилган. Аммо, улар ўзларининг жойлаштириш (штандорт) ғояларининг натижасини «иқтисодий география» деб таърифлашмаган. Аксинча, бу масалалар кўпроқ ҳудудий иқтисод ёки геоиқтисод доирасида, иқтисодиёт фанининг бир қисми сифатида қаралган.

Ўйлаймизки, ҳозирги кунда ҳам фанинг таърифида «ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви» иборасини қолдириш мумкин, зоро ҳар қандай жойлаштириш муайян бир ҳудудда амалга оширилади. Бироқ фанимизнинг бугунги предмети учун бу кифоя қилмайди; у энди иқтисодийгина эмас, балки иқтисодий ва социал, ижтимоий география мақомини олмоқда. Шу сабабдан бундай тор таъриф фанинг номи билан мазмунини, сурати билан сийратини, шакл ва моҳиятини мувофиқлаштиrolмайди.

Тўғри, “ишлаб чиқариш кучлари” энг аввало унинг субъекти, эгаси бўлган аҳолини ҳам ўз ичига олади. Лекин бу ерда аҳоли асосан ишчи кучи мазмунида, яъни иқтисодий категория шаклида назарда тутилади. Инсон, унинг ижтимоий ҳаёти, социал муносабатлари эса бу ибора қамровидан четда қолади. Бусиз фан илгаригидек иқтисодий, яъни ишлаб чиқариш географияси бўлиб қолаверади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқкан ҳолда, иқтисодий ва ижтимоий география таърифини тахминан шундай бериш мумкин. Иқтисодий ва ижтимоий география мустақил фан сифатида турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзининг ҳудудий жиҳатларини ўрганади (проф.А.Солиев). Қисқача қилиб эса, ижтимоий географияни жамият ҳаёти ва фаолиятини ҳудудий ташкил этиш тўғрисидаги фан, деб таърифлаш тўғри бўлади. Шубҳасиз, келтирилган таъриф ҳам мутлоқ аниқликка даъвогар бўлмасада, у иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларни ўз доирасига олган ҳолда, фанинг туб моҳиятини ўзида акс эттиради ва уни тўла ифодалаб беради.

Берилган таърифнинг эга ва кесими, аниқловчиси ва тўлдирувчиси, яъни биринчи ва иккинчи даражали бўлаклари мавжуд. Чунончи, агар ушбу ифодадан гапнинг эгаси - “турли мамлакат ёки район”, “худуд” тушунчалари олиб ташланса, у ҳолда географияга ўрин қолмайди. Бинобарин, айнан ана шу иборалар ушбу таърифнинг географияга тааллуклилигидан далолат беради. Худди шундай “хусусият” (кесим) сўзи ҳам география учун ўта муҳимдир, чунки фаннинг асосий ва пировард мақсади ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, инсон ҳаёт тарзининг турли районлардаги ўзига хос ва бетакрор хусусиятини очиб беришдан иборатdir (тарихда ҳам худди шундай — жамият тараққиётидаги турли даврлар хусусияти аниқланмаса, ушбу фан ўз моҳиятини йўқотади). Зоро, ҳамма жойда бор нарса географияда мутлақо бўлмаслиги керак. Агар ҳамма жой бир хил рангда текис, бир хил даражада бўлганда географиянинг ҳам, қолаверса, жамият ривожланишининг ҳам ўзи бўлмас эди.

Юқоридаги фан таърифининг кенгайиб кетмаслиги учун унга мажмуалар ёки комплекслар (тизимлар) гояси киритилмади. Аслида эса иқтисодий ва ижтимоий география ўзи ўрганаётган воқеаликни муайян худудда ва фақат алоҳида - алоҳида эмас, балки ўзаро алоқадорликда, яъни маълум бир ҳудудий мажмуа ва тизимлар доирасида кўради.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий география ва умуман география фанининг тадқиқот обьекти эволюцион тарзда ўзгариб, кенгайиб кичик масштабли кўринишни эгаллаб борган. Бундай жараён қисман Буюк географик кашфиётлар билан ҳам боғлиқ бўлган ва у дунёни, катта-катта худудларни билиш, улар билан танишишга қаратилган. Эндиgi шароитда, Ер юзида барча жойлар очилиб, ўзлаштирилиб бўлингандан сўнг, кичик худудларни йирик масштабли тадқиқот асосида ўрганиш ва тўпланган билимлар илмий жиҳатдан умумлаштирилиши, турли ҳудудий қонуниятлар аниқланиши зарур бўлиб қолди. Бундай методологик ёндашув чуқур ва аниқ илмий хулосаларга олиб келади. Масалан, деярли бутун Фарбий Европага teng келувчи Фарбий Сибир ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси эмас, балки нисбатан кичик майдонларда бундай ҳудудий мажмуаларнинг


шакланиши ва ривожланиш хусусиятлари, қонуниятларини тадқиқ қилиш муҳимроқ ва амалийроқ бўлиб қолди. Умуман олганда эса, каттада кичикни, кичикда каттани кўра билиш, кўп ва турли масштабли географик тадқиқотларнинг асосий тамойилларидан, талабларидан бири ҳисобланади. Шу боис, юқорида берилган таърифни янада мукаммалаштирган холда, яъни: “иктисодий ва социал география ишлаб чиқариш кучларини турли мамлакат ёки районларда ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзини ҳудудий ижтимоий - иктисодий тизимлар (мажмуалар) доирасида ўрганади”, деб ифодалаш мумкин.

Бундан ташқари, яна бир масалага эътибор бериш зарур. Маълумки, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат билан инсон (жамият) ўртасидаги муносабат ва алоқадорликни ўрганишдан иборатдир. Бу иккиликнинг бири - табиатни ўрганувчи фанлар туркумини “табиий география” деб юритилиши ҳеч кимда шубҳа қолдирмайди. Аммо унинг иккинчи бўлаги, яъни инсон ёки жамият масалаларини тадқиқ этувчи фанни бир сўз билан қандай ифодалаш мумкин? Бу ерда «иктисод» сўзи ҳеч мос келмайди ва у табиатга “муқобил” тура олмайди. Иктисод ва ҳаёт, иктисод ва сиёsat бўлиши мумкин, бироқ табиат ва иктисод бирлиги, жуфтлиги асло қовушмайди. Бинобарин, ана шу мантиқий мулоҳаза нуқтаи назаридан ҳам нотабиий географик фанлар мажмуини инсон, жамият географияси ёки янада тўғрироғи ижтимоий география деб юритиш мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда кўпчилик олимлар иктисодий ва социал географияни ижтимоий география деб аташ лозимлигини таъкидлаб келмоқда. Бу биринчидан, фаннинг ўзини ички ривожланиш қонуниятлари, ундаги дифференциация ва интеграция жараёнлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ушбу фан номини ривожланган мамлакатлардаги шаклига мувофиқлаштириш билан асосланади. Дарвоқе, кўпгина хорижий мамлакатларда мазкур фан айнан шундай: ижтимоий, гуманитар ёки инсон географияси сифатида расман қабул қилинган.

Ҳозирги даврда иқтисодий ва ижтимоий география ўз ичига учта йирик блокка мансуб фан тармоқларини қамраб олади. Булар, **биринчи блок** – иқтисодий, ёки ишлаб чиқариш географияси (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, табиий ресурслар ва ташқи иқтисодий алоқалар географияси ва б.); **иккинчи блок**–социал-иқтисодий география (аҳоли, аҳоли пунктлари, меҳнат ресурслари, миграция, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси ва б.); **учинчи блок**–социал география (тиббиёт, рекреация ва туризм, таълим тизими, жиноятчилик, дин, хулқ-атъвор, турмуш тарзи, ва б.). (2-расм).

Шу билан бирга, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг сиёсий географик фанлар блоки ҳам мавжуд бўлиб у ҳарбий география, лимология, геоконфликтология, электорал география, маъмурий-худудий тузилишлар географияси, этносиёсий география ва бошқаларни ўз ичига олади.



1-расм. Иқтисодий ва ижтимоий география фанларининг таркибий тузилиши

Бундан ташқари, яна бир масалага эътибор бериш зарур. Маълумки, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат билан инсон (жамият) ўртасидаги муносабат ва алоқадорликни ўрганишдан иборатdir. Бу иккиликтининг бири -

табиатни ўрганувчи фанлар туркумини “табии география” деб юритилиши ҳеч кимда шубха қолдирмайды. Аммо унинг иккинчи бўлаги, яъни инсон ёки жамият масалаларини тадқиқ этувчи фанни бир сўз билан қандай ифодалаш мумкин? Бу ерда «иктисод» сўзи ҳеч мос келмайди ва у табиатга “муқобил” тура олмайди. Иктисод ва ҳаёт, иктинос ва сиёсат бўлиши мумкин, бироқ табиат ва иктинос бирлиги, жуфтлиги асло қовушмайди. Бинобарин, ана шу мантиқий мулоҳаза нуқтаи назаридан ҳам нотабии географик фанлар мажмuinи инсон, жамият географияси ёки янада тўғрироғи ижтимоий география деб юритиш мақсадга мувоғик.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иктиносий ва социал географияни ижтимоий география шаклида ифодалаш собиқ иттифоқда ҳам қўпчилик олимлар хусусан Ю.Г.Саушкин, В.М.Гоҳман, С.Я.Ниммық, М.Д.Шаригын ва бошқалар томонидан анча йиллар муқаддам ишлатилган эди.

Барча фанларда бўлганидек, география, шу жумладан, ижтимоий географияда ҳам дифференциация (турланиш) жараёни кетмоқда. Шу боис, мамлакатимизда жаҳоннинг илғор давлатларидағи бой тажрибалар, янги илмий йўналишлар ҳам жорий этилса, бўлажак ёш мутахассислар замон талаби даражасида тайёрланган бўлар эди.

География фанининг яна бир ажойиб ва бетакрор жиҳати унинг интеграция салоҳиятиning кучлилиги, синтез қилиш кудратидир. Қамрови кенг бўлган география жуда кўп фанлар билан “қўшничилик” қиласи ва туташ мавқега эга. Улар жумласига тарих, биология, геология, социология, демография, иктиносидиёт, экология, психология, хуқуқшунослик, шаҳарсозлик, тиббиёт ва бошқалар киради. Демак, география ушбу фанлар билан алоқада ва бу унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бошқача қилиб айтганда, географлар учун турли фанлар қиррасида янги-янги тадқиқот йўналишлари ва ютукларга эришиш имконияти мавжуд. Чунки география фани барча фанлар тизимида қулай “географик ўринга эга, у марказда (махражда) ва шунинг учун қолган қўпчилик фанлар аксарият

холларда географияга тўқнашади, ўзаро алоқадорликда янги тадқиқот ҳамда йўналишларга пойдевор яратади.

1.3. Ўзбекистонда иқтисодий – ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш. Ер юзидағи ҳар бир ҳудуд ўз тараққиёт тарихига эга. Ушбу ҳудудларда фан соҳаларининг қай даражада ривожланганлиги улар тараққиётини белгиловчи омиллардан биридир. Фан тарихини ўрганиш унинг босиб ўтган тараққиёт йўлини таҳлил қилиш катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Маълумки география фанининг ривожланиши ҳам бошқа фанлар сингари жамият ривожланиши ҳамоҳанг тарзда кечган. Шунинг учун ушбу фанга оид билимларнинг ривожланиш тарихини ўрганишда, биз фанда қабул қилинган даврлаштиришни асос қилиб олишимиз лозим.

Маълум географик воқелик нафақат маконда, балки замонда ҳам ўзгариши табиий ҳол. Қотиб қолган ёки ривожланмайдиган географик воқелик табиатда мавжуд эмас ва биз уни ривожланиш жараёнида ўрганишимиз, тадқиқ этишимиз лозим. Фан тарихини қиёсий - тарихий усулда ўрганиш унинг тараққиётига тўғри баҳо бериш ва келажакка назар ташлаш, яъни олдиндан айтиш (прогноз қилиш) имконини беради. Бу ўз навбатида фаннинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қилувчи илмий назарияларни яратишга олиб келди.

Машхур рус олими В.В.Полинов илм-фан тарихини ўрганишнинг мутлақ зарурлиги хақида ёзиб, бундай тадқиқотлар нафақат фаннинг босиб ўтган йўлни ёритади, балки кейинги тадқиқотлар йўналишини ҳам аниқлашни осонлаштиради деб айтган эди.

Фан соҳаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштиришда унинг қамров миқёси ҳам инобатга олинмоғи лозим. Бу жиҳатдан локал (маълум бир мамлакат доирасида), регионал (минтақа) ва глобал (дунё) миқёсдаги даврлаштириш амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари даврлаштириш тамойиллари ишлаб чиқилиши лозим. Профессор А.Н.Ниғматов географик қарашларнинг глобал (дунё) миқёсдаги ривожланиш ва шаклланиш даврлари

схемасини ишлаб чиқишда ушбу масалага европацентризмча ёндашувдан қочиш, мавжуд бўлган мафкура эмас, балки фанга оид қарашлар тизимининг бирламчилигини инобатга олиш ва масалага хронологик эмас, балки, географик илм ва таълимга янгича қарашлар асосида ёндашиш тамойилларини асос қилиб олган.

Республикамиз ҳудудида иқтисодий географик қарашларнинг шаклланиши узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Аммо буни иқтисодий географиянинг фан сифатида шаклланишидан фарқлаш лозим. Чунки ҳар қандай фан шу соҳадаги энг мукаммал қарашларнинг йигиндисидан, мажмуидан иборатдир. Узоқ тарихий тараққиёт давомида барча фанлар каби география ҳам ўзининг бетакрор ва мураккаб шаклланиш ҳамда ривожланиш йўлни босиб ўтган.

Турли даврларда фанлар ривожланишида шиддат билан олдинга силжишлар ва шу билан бирга тараққиётдан орқага қолиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Ушбу ҳолатлар бевосита Ўзбекистон географияси тарихига ҳам дахлдордир. Масалан Европадаги Буюк географик кашфиётлар ушбу ҳудудда фан ва маданият ривожига ижобий таъсир кўрсатгани ҳолда бизнинг мамлакатимиз ҳудуди орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини кескин тушиб кетишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида ҳам жамият ва ҳам фан тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Натижада жаҳон умумий тараққиётидан орқага қолиш ва мавжуд бўлган алоқаларнинг узилиши фанлар тараққиётининг орқага кетишига ҳам олиб келди.

Фан тарихи масалалари ўрганилаётганда юқоридаги каби ҳолатлар синчиклаб ўрганилади, таҳлил этилади ҳамда маълум бир фан соҳасининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштиришда ҳисобга олинади.

География фани тарихини даврлаштиришда бу борада мавжуд тажрибаларга таяниб қуидаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- Ўрганилаётган даврнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда ҳудуддаги сиёсий вазиятга баҳо бериш;
- Фан соҳаси бўйича аниқ маълумотларнинг тўпланиш хусусиятлари ва уларнинг ушбу фан шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамиятига баҳо бериш;

- Ўрганилаётган фан соҳаси бўйича ушбу ҳудуддан ташқарида шаклланган ғоялар, фикрлар ва тушунчаларнинг кириб келиши ҳамда уларга муносабат масалаларини таҳлил этиш;
- Ўрганилаётган ҳудудда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ҳамда уларнинг натижаси, шунингдек ислоҳотларни амалга ошириш бўйича фан олдига қўйилган вазифаларни таҳлил қилиш;
- Ўрганилаётган ҳудудда фан соҳасида эришилган ютуқларни назарий, илмий ва услубий жиҳатдан таҳлил қилиш;

Ҳозирги кунда география фанининг тараққиёт тарихини даврлаштириш бўйича бир неча вариантдаги ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар асосан географиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш тарихини умумий ҳолда акс эттиради. Бундай ёндашувларни биз яқин ўтмишнинг машҳур географ олимлари И.П.Герасимов, Л.П.Шубаев, Ю.Г.Саушкин, А.А. Григорьев, Н.А.Гвоздецкий, А.Г.Исаченко, В.П.Максаковский, В.А.Шальнев, М.М.Голубчик ва С.П.Евдокимов кабиларнинг ишларида кўришимиз мумкин.

Биз республикамизда иқтисодий – ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш схемасини ишлаб чиқиша Ўрта Осиё ва республикамизда географик тадқиқотлар тарихи бўйича фаолият олиб борган олимлар, хусусан Ҳ.Ҳасанов, А.Азатьян, Р.Югай, Р.Раҳимбеков, З.Донцова, А.Очилов, У.Обидов, А.Нигматов каби ўзбек олимларининг фикрларига таяндик. Иқтисодий – ижтимоий география фани шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳамда унинг айrim даврлари бўйича маълумотларни З.Акрамов, О.Отамирзаев, А.Солиев, Ш.Азимов, М.Назаров, З.Тожиева, В.Федорко, Ш.Қурбонов, Ф.Ражабов каби олимларнинг айrim ишларида кўриш мумкин.

География фанлари доктори, профессор А.С.Солиев иқтисодий – ижтимоий география фанининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини Ўзбекистон нуқтаи назардан келиб чиқсан қолда З асосий даврга: шўролар ҳокимияти ўрнатилгунча бўлган давр, шўро даври ва мустақиллик йиллари даврларига ажратган. География фанлари доктори, профессор З.Тожиева ва доцент М.Назаровлар эса ижтимоий

(социал) географиянинг ривожланишида шартли уч босқични ажратиб кўрсатишган. Булар биринчи босқич – ўтган яъни XX асрнинг 50-йилларгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврга хос хусусиятлардан бири ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг айримлари иқтисодий ва этногеографик тадқиқотлар доирасида ўрганилди. Иккинчи босқич - бу қисқа давр, яъни XX асрнинг 50-70 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда аҳоли географияси тез ривожланди ва шу билан бирга, географик тадқиқотларда социология категориялари ва тушунчалари кенг қўлланила бошланди. Учинчи босқич - кейинги бир неча ўн йилларни ўз ичига олади ва ижтимоий география айнан шу даврда расман тасдикланди. Ушбу босқичда бевосита ижтимоий географияга хос тадқиқотларнинг қўламини етарли деб бўлмасада, аввалгиларига нисбатан эътиборга молик ишлар бажарилди. Бу даврда бажарилган ижтимоий географик тадқиқотлар соҳавий ҳамда минтақавий жиҳатлари билан ажралиб туради.

Юқорида қайд этиб ўтилган олимлар ва уларнинг ишларида кўрсатилган фикрларга таянган ҳолда республикамизда иқтисодий – ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини қуйидаги уч давр ҳамда саккиз босқичга ажратдик:

1-давр XX асрнинг 20-йилларигача бўлган Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда географик тасаввурларнинг шаклланиши ҳамда иқтисодий географияга оид янги тушунчаларнинг кириб келиш даври. Бу давр қуйидаги икки босқични ўз ичига олади:

1-bosqich: XIX асрнинг 60-йилларигача бўлган яъни Ўрта Осиёда умумаҳамиятга эга бўлган мумтоз географик тасаввурлар шаклланган босқич;

2-bosqich: Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан босиб олинишининг бошланишидан шўро ҳокимиятининг ўрнатилишигача бўлган иқтисодий географияга оид янги тушунчаларнинг кириб келиш босқичи;

2-давр XX асрнинг 20-йилларидан то XX аср 90-йилларигача бўлган собиқ иттифоқ даври. Бу давр ўз навбатида қуйидаги тўрт босқични ўз ичига олади:

1-босқич: XX асрнинг 20-40 йиллари. Шўро ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мамлакат халқ хўжалигини шакллантириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий географик тадқиқотлар босқичи;

2-босқич: II жаҳон уруши (1941-1945) йиллари. Иқтисодий географ кадрларни тайёрлаш ва соф иқтисодий географик тадқиқотларнинг бошланиш босқичи;

3-босқич: 1946-1975 йиллар. Ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш ва жойлаштириш билан боғлиқ иқтисодий географик тадқиқотлар босқичи;

4-босқич: 1976-1990 йиллар. Иқтисодий географиянинг иқтисодий ва социал география мақомини олиши муносабати билан социал географик тадқиқотларга эътиборнинг кучайиш босқичи;

3-давр Мустақиллик даври. Бу давр ҳам ўз навбатида қуйидаги икки босқични ўз ичига олади:

1-босқич: Мустақилликнинг дастлабки йиллари (1991-2016). Республикализнинг сиёсий мустақилликка эришиши ва бозор иқтисодиётига муносабатларига ўтиш ҳамда мулкчилик шаклларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда тадқиқотларнинг янги босқичга ўтиши;

2-босқич: Ҳозирги (2016-ҳозирги кунгача) Мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилиши муносабати билан иқтисодий географик тадқиқотларни ушбу стратегияни амалга оширишга йўналтириш ва таълим ҳамда фан соҳаларининг гуманитарлашуви босқичи.

Хулоса қилиб айтганда биз таклиф этаётган Ўзбекистонда иқтисодий – ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш схемаси тавсиявий аҳамиятга эга. Ушбу схемада айрим камчиликлар ҳам бўлиши эҳтимолдан хол эмас. Ажратилган даврлардан эса мутлоқ чегара қўйиш мақсад қилинмаган.

Мавзу бўйича хулосалар

Мазкур мавзуда ўрганилган ва тахлил этилган масалалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Фанларда диференциация ва интеграция жараёнлари давом этаётган экан уларнинг тадқиқот обьекти ва предмети ҳам ўзгариб такомиллашиб бораверади.

2. Ҳозирги кунда географияни ягона фундаментал фан сифатида эътироф этиш мумкин, унинг назарий ўзаги бу ўзаро таъсирни уйғунлаштириш мақсадида жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсир асослари тўғрисидаги таълимотdir.

3. XX асрда географик билимларни мустаҳкамлашда муҳим муваффақиятлар билан бир қаторда географик обьект ва ҳодисаларни батафсил ўрганишга қаратилган географик тадқиқотларни фарқлаш тез суръатлар билан давом этди. Айрим муаллифлар, айниқса, ўқитиш муҳитидан келиб чиқиб, хариталаш мумкин бўлган фазовий параметрларга эга бўлган ҳар қандай ҳодиса ва обьектлар географияга тегишли деган фикрга амал қиласидилар. Географик тадқиқот обьектларини бундай тушуниш география предметининг ўз чегараларидан чиқиб тарқалиб кетишига олиб келади. Натижада, географик синтез янада мураккаб ва муаммоли бўлади.

4. XX асрнинг биринчи ярми фанда кўплаб назарий янгиликлар яратилганлиги билан ажralиб туради. Бу даврда географик тадқиқотларнинг асосий вазифаси табиатни ўзгартирувчи парадигмани амалга ошириш билан боғлиқ эди. Асрнинг иккинчи ярмида эса тескари таъсир яъни табиатга таъсирнинг вайронкор хатти-ҳаракат сифатидаги хавфи тобора тан олинмоқда. Бу фанда экологик ва геоэкологик тушунчалар ривожланиши учун кучли туртки бўлди ва табиат – жамият тизимининг барқарор ривожланиш йўллари минтақавий ва жаҳон миқёсида изланмоқда.

5. География фанининг келажакдаги тараққиёти учун унинг шаклланиш ва ривожланиши тарихий тажрибасини диққат билан ўрганиш муҳимдир. Локал (худудий), регионал (минтақавий) ва глобал (дунёвий) даражадаги мураккаб муаммоларни ўрганишда, табиий ва ижтимоий-иқтисодий тизимларни ўрганиш ва уларни бошқаришда классик ёндашувлар ва энг янги тадқиқот воситаларидан фойдаланишга асосланган география фани ва географик таълимни

фундаменталлаштириш лозим. География фани сайёрамиздаги аҳолининг хулқатвор қоидаларини ишлаб чиқишида етакчи мавқега эга бўлиши керак.

Савол ва топшириқлар

1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ҳозирги замон обьекти ва ўрганиш предметига баҳо беринг.
2. Иқтисодий ва ижтимоий география фани қандай таркибий тузилишга эга?
3. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ривожланишидаги асосий йўналишлар қайсилар?
4. Иқтисодий ва ижтимоий география фани ривожланишининг классик ғояларига баҳо беринг.

2 - МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг шаклланиши.
2. Республикада иқтисодий ва ижтимоий география соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг асосий хусусиятлари.
3. Иқтисодий географик тадқиқотларнинг ҳудудий таркиби.

Таянч сўз ва иборалар: методи, методология, тамойил (принцип), районлаштириш, экспедицион тадқиқотлар, агрогеографик тадқиқотлар, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, фаннинг фундаментал ва фронтал ривожланиши, конструктив география.

2.1.Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг шаклланиши

Маълумки у ёки бу фаннинг вужудга келиши учун ижтимоий талаб ёки эҳтиёж бўлиши керак. Бундан олдин эса шу фанга тегишли турли ахборий маълумотлар, обьектив борлиқдан олинган, тўпланган дастлабки билимлар ва тахминлар шаклланади, сўнгра турли воқеликлар орасидаги сабаб-оқибат муносабатлари ҳамда маълум шароитда такрорланиб турадиган қонуният алоқадорликларни

асослаш имконияти туғилади. Демак, объектив борлиқни кузатиш, мушоҳада қилиш тез-тез учрайдиган воқеаларни таҳлил қилиш негизида муайан фанга доир билимлар мажмуаси вужудга келади, улар аста-секин илмга ва фанга айланади.

Ҳар қандай фан ҳақиқий фан мақомига эга бўлиши, шаклланиши учун ўзининг обьекти, предмети, методи ва методологияси (усули ва услубиёти), асосий тушунча, категория ва қонуниятлари, мактаб, марказ ва йўналишларига салмоқли илмий асарлар, тадқиқиотларга эга бўлиши ва унинг бошқа фан вакиллари томонидан эътироф этилиши талаб этилади. Шунингдек, мазкур фаннинг ўқув предмети сифатида ўқитилиши, маҳсус факультет, кафедра ёки лабораторияларнинг ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Иқтисодий - ижтимоий география фани ҳам юқоридаги шарт - шароитлар, обьектив заруриятлар асосида вужудга келган ва ривожланиб борган.

Республикамиз ҳудудида иқтисодий географик қарашларнинг шаклланиши узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Аммо буни иқтисодий географиянинг фан сифатида шаклланишидан фарқлаш лозим. Чунки ҳар қандай фан шу соҳадаги энг мукаммал қарашларнинг йиғиндисидан, мажмуидан иборатдир. Буюк ватандошларимиз Хоразмий, Фаробий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Бобур кабиларнинг асарларида юртимиз ва дунёнинг бир қанча мамлакат ҳамда ҳудудлари табиати, аҳолиси ва хўжалиги тўғрисидаги иқтисодий географик аҳамият касб этувчи маълумотларни учратиш мумкин. Аммо бу ва бошқа олимлар географик меросларининг иқтисодий географик жиҳатлари яхши ўрганилмаган. Шу билан бирга кўпгина иқтисодий географик маълумотлар Хитой ва Араб сайёҳларининг китобларида ҳам мавжуд. Улар асосан юртимиздаги савдо, ҳунармандчилик ва айниқса бозорлар ва шаҳарларга катта эътибор беришган. Айтиш лозимки, айнан ана шу шаҳар ва бозорлар тафсилоти орқали ўлкамизнинг ўша даврдаги иқтисодий тарихий географиясини билиб олишимиз мумкин.

Ўрта Осиё ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган республикамиз ҳудуди XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Чор Россиясининг манфаатлари нуқтаи назардан ҳудудий жиҳатдан кенг қамровли тадқиқ этила бошланди. Бу давр тадқиқотлари умумгеографик хусусиятлари билан ажралиб турар эди. Айниқса геологик,

геоморфологик, метеорологик, гляциологик, геоботаник ва зоогеографик жиҳатдан олиб борилган тадқиқотлар натижасида улкан илмий ҳамда амалий аҳамиятга молик маълумотлар тўпланган. Ушбу тадқиқотлардан кўзланган мақсад ўлка худудининг табиий географик шароити ҳамда ресурсларидан хўжаликни ҳудудий ташкил этишда фойдаланиш эканлигини назарда тутадиган бўлсак, иқтисодий географик тадқиқотлар бўйича илк қадамларнинг қўйилиши айнан шу даврга бориб тақалади.

XX аср бошларига келиб мамлакатимиз худудининг ер-сув, иқлим ва ўсимлик ресурсларини ўрганишга катта эътибор берилди. Бундан кўзланган мақсад Чор Россиясининг чекка ўлкаси бўлган Ўрта Осиё ва республикамизнинг асосий хўжалик тармоғи бўлмиш пахтачиликни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигининг хомашё етказиб барувчи бошқа тармоқларини шакллантиришдан иборат эди. Ана шу эҳтиёж туфайли географик тадқиқотларнинг мазмун - моҳияти ва ундан кўзланган мақсад ҳам ўзгариб борган. Натижада маҳсус ихтисослашган илмий дастур асосида анча мукаммал ва тизимли тадқиқотлар олиб борила бошланган. Айрим географик районларни чуқур миқдорий таҳлил қилиш, уларни карталаштириш, ҳамда иқтисодий салоҳиятини аниқлаш бош масалага айланган. Ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги нуқтаи – назардан имкониятларини аниқлаш ва баҳолашга катта эътибор қаратилган. Бу борада қишлоқ хўжалиги тажриба станциялари (Тошкент, Мирзачўл, Андижон, Зарафшон, Фарғона), Россия ер тузиш ва деҳқончилик бошқармаси қошидаги “Ерлар ҳолатини яхшилаш бўлими”, Гидрометрик бўлинма, Туркистон Ҳарбий топография бўлими, Россия География жамиятининг Туркистон бўлими олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу муассасаларда фаолият олиб борган олимларнинг илмий фаолияти халқ хўжалигининг долзарб вазифалари – ер тузиш, обикор деҳқончилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш, ер ости бойликларини излаб топиш, ер - сув ресурсларини баҳолаш ҳамда карталаштириш каби масалалар билан боғлиқ бўлган. 1906 – 1918 йилларда нашр қилинган “Туркистон қишлоқ хўжалиги” журналида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган тадқиқот натижалари ёритиб борилган. Бундай маълумотлар ўз навбатида республикамиз

худудиди XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб олиб борилган иқтисодий географик тадқиқотлар учун манба вазифасини ўтаган.

Бундан ташқари XX бошларида Ўрта Осиёда вужудга келган жадидлик харакати намояндалари ўзларининг "Янги усул" мактаблари учун нашр эттирган географик адабиётларида иқтисодий география ва унинг айрим тормоқлари тўғрисида фикр юритган бўлсаларда бу маълумотлар умумийлиги ҳамда ўша давр Ўрта Осиёси аҳолисининг билим савияси нуқтаи-назаридан ёзилганлиги билан фарқланади. Бу борада Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Фотих Каримий кабиларнинг фаолияти алоҳида диққатга сазовордир. Хусусан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Янги усул" мактаблари учун нашр эттирган "Туркистон харитаси", "Мунтахаби жуғрофияи имроний" (Аҳоли географиясига кириш"), "Мухтасари жуғрофияи Русий" ("Русиянинг қисқача географияси"), "Жуғрофияи риёзий" ("Математик география"), "Жуғрофияи тарихий" ("Тарихий география") "Жуғрофияи сиёсий" ("Сиёсий география") каби асарлари ўша даврдаги географик қарашларни ўзида акс эттирганлиги ҳамда иқтисодий географияга оид билим куртакларини шакллантиргани билан ажralиб туради.

Ўзбекистонда иқтисодий география фанининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш жараёнига баҳо беришда собиқ иттифоқ даврини ҳам эътиборга олмоқ зарур. Бу даврда мазкур фан, асосан немис мактаблари таъсирида, аввал Россияда аникрофи Петербургда ривожланиб борган. Унда соф иқтисодий ва хусусан тармоқ ҳамда статистик рақамларга кўп аҳамият берилганлиги сабабли иқтисодий географияда “тармоқ-статистика” йўналиши устувор бўлган. Шунинг учун бўлса керак XX асрнинг 20-йилларида иқтисодий география иқтисодиёт фанлари тизимиға киритилган.

Албатта, фанни факат рақамлар билан тўлдириш ва географияни факат тармоқлар таҳлили билан тушунтириш мақсадга мувофиқ эмас. Бинобарин, асосий ихтисослиги иқтисодчи бўлган олимлар Бернштейн-Коган ва Н.Н.Баранскийлар иқтисодий географияда ҳудудий жиҳатларга кўпроқ аҳамият беришининг тарафдорлари бўлиб чиқишган ва натижада улар иқтисодий географияни районлар

йўналишини кучайтиришган. Демак, иқтисодий географияда районлар таърифи ва тавсифига катта урғу берилган. Эҳтимол бу ҳолат кейинчалик иқтисодий географияни иқтисодиёт фанлари тизимидан география фанлари гурӯхига киритилишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда мажмуали иқтисодий географик тадқиқотлар олиб бориш XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. Бу давр бир қанча ўзига хос хусусиятлари билан ўтган даврлардан айниқса XX асрнинг дастлабки 20 йилидан фарқланади. Ўрта Осиёда мавжуд бўлган икки феодал давлат (Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги) ҳамда чоризм ҳокимиятининг ағдариб ташланиши, унинг ўрнида шўро ҳокимиятининг вужудга келиши, дастлаб Туркистон муҳтор жумхурияти ва Бухоро ҳамда Хоразм ҳалқ республикалари, сўнгроқ ҳозирда мавжуд республикаларнинг вужудга келишига "асос бўлувчи" миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши кабилар шулар жумласидандир. Бу даврнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё фани тараққиётида пойdevor вазифасини ўтаган Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) га асос солинди (1918). Ана шу илм даргоҳида фаолият олиб борган олимларнинг ишларида Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиёнинг иқтисодиётига оид тадқиқот натижаларини кўриш мумкин. Бу даврдаги иқтисодий географик тадқиқотлар кўпроқ Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг умумий таърифига бағишлиланганлиги билан ажralиб туради. Бу йўналишдаги тадқиқотларда энг аввало Г.Н. Черданцев ва В.М. Четиркинларнинг хизмати катта бўлганини эътироф этиш лозим. Чунончи, Г.Н. Черданцевнинг 1922 йилда ёзган Ўрта Осиё ҳақидаги монографиясида, 1928 йилда нашр этган Ўрта Осиё республикаларига бағишлиланган китобида, В.М. Четиркин ва Ю.И. Пословскийларнинг 1926 йилда ёзган Ўзбекистон ҳалқ хўжалигининг аҳволи ва ривожланиши борасидаги асарида Ўрта Осиё ва Ўзбекистон иқтисодий географияси ҳамда иқтисодий географик районлаштирилишига оид маълумотлар келтирилган. 1944-1948 йилларда иқтисодий география кафедрасининг мудири сифатида фаолият олиб борган В.М.Четиркин турли вилоятлар табиати табиий шароити ҳамда табиий ресурсларини хўжалик нуктаи - назаридан ўрганишга ва ёш географ олимларни тайёрлашга катта эътибор берган.

Маълумки, Ўрта Осиё собиқ иттифоқнинг йирик қишлоқ хўжалик райони эди. Шунинг учун ҳам иқтисодий географик тадқиқотларнинг диққат марказида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш ёки худудий ташкил этиш ва иқтисодий географик районлаштириш масалалари ётарди. Қишлоқ хўжалигини иқтисодий географик районлаштиришда мажмуалилик ҳамда табиий шароит нуқтаи - назаридан таърифлаш муҳим ўрин тутар эди. Шунингдек бу тадқиқотлар аниқ амалий мақсадларга қаратилганлиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштиришнинг илмий асоси сифатида ишлаб чиқилганлиги билан муҳим аҳамият касб этар эди.

XX аср 30 йилларида олиб борилган иқтисодий географик тадқиқотлар асосан мамлакат ҳудудидаги табиий бойликларни ўрганиш ҳамда ишлаб-чиқариш кучларини жойлаштириш масалаларига бағишлиланган. Ушбу даврда яъни 1933 йилда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш мавзуида республикамизда дастлабки илмий амалий анжуман ўтказилди.

Республикамизда иқтисодий географиянинг шаклланишидаги кейинги босқич 1940 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМу)да иқтисодий география кафедрасининг очилиши ҳамда 1943 йилда ушбу йўналиш бўйича аспирантуранинг очилиши билан бошланди. 1941-йили Тошкентга собиқ иттифоқнинг Европа қисмида босиб олинган худудларидан эвакуация қилинган ўқитувчи ва илмий ходимларнинг катта гурӯҳи етиб келади. Бу даврда иқтисодий география кафедрасининг таркиби профессорлар М.Г.Кадек (1941-1944-йилларда кафедрага мудирлик қилган), С.Д. Муравейский, доцентлар А.Н. Ракитников, М.Г. Рейсер, А.А. Коноваловлар келиб қўшилди. Айнан мана шу қисқа ва муҳим бўлган даврда университетда иқтисодий географиянинг ривожланиши учун мустаҳкам пойdevor яратилди. Шу тариқа республиканизнинг тўнғич олий таълим даргоҳида дастлабки иқтисодий география илмий мактаби шаклланна бошлади.

Иқтисодий география иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда мамлакат хўжалигини қайта тиклаш ишларида катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган. Бу борада XX - асрнинг 20-нчи йилларида собиқ иттифоқда ташкил этилган КЕПС

(Комитет по использованию природных ресурсов) ва унинг асосида ташкил этилган СОПС (Совет по изучению производительных сил) нинг вужудга келиши ниҳоятда муҳим бўлган. Ушбу илмий-тадқиқот ташкилотлари мамлакатнинг турли худудларида табиий ресурслардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича концепция ва схемаларни яратганки, моҳияттан бу ишлар иқтисодий география фани доирасида олиб борилган.

XX - асрнинг 50-йилларида олиб борилган тадқиқотлар сирасига Фарғона, Қашқадарё, Сурхон-Шеробод ва Зарафшон водийси худудларига уюштирилган экспедицияларни киритиш мумкин. Бу даврда Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий география фани тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлар Р.С.Лобач, З.М.Акромов, Р.А.Ходиев, Т.Тожимов, Т.Раимов, Э.Тошибеков кабилар етишиб чиқдилар. Улар ичида З.М.Акрамовнинг чўл, тог ва тоголди районларни ўзлаштириш, иқтисодий районлаштириш каби муаммолар устида олиб борган изланишлари алоҳида диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Фанлар академияси хузуридаги СОПС ҳамда бошқа илмий-тадқиқот институтлари ва 1940 йилда Тошкент Давлат университети - ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида очилган иқтисодий география кафедраси олимлари билан ҳамкорликда йирик худудий - иқтисодий тадқиқотларни бажарган. Масалан, Фарғона водийсининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш, Ангрен - Олмалиқ, Бухоро - Навоий, Қашқадарё, Мирзачўл, Қўйи Амударё худудий ишлаб чиқариш мажмуалари тўғрисидаги ишлар шулар жумласидандир. Мазкур тадқиқотларни амалга оширишда С.К.Зиёдуллаев, В.И.Четиркин, Г.Н.Черданцев, К.Н.Бедринцев, К.И.Лапкин, В.И.Попов, З.М.Акромов, Ш.Н.Зокиров, И.И.Искандеров каби иқтисодчи ва географ олимларнинг хизматлари катта бўлган.

XX - асрнинг етмишинчи йилларида иқтисодий география собиқ иттифоқда расман иқтисодий ва социал география номини олди. Табиийки, унинг илгариги таърифи, ишлаб чиқариш географияси эканлиги шароитига тўғри келмай қолди. Шунинг учун анъанавий иқтисодий географиянинг таърифи ижтимоий, ноишлаб

чиқариш соҳалари, аҳолининг турмуш шароити ва тарзининг ҳудудий жиҳатлари билан бойитилди.

Ана шу даврда кейинчалик республикамизда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ривожланишига катта ва самарали ҳисса қўшган Т.Раимов, Г.Асанов, Т.Эгамбердиев, С.Сайдкаримов, О.Б.Отамирзаев, А.С.Солиев, А.Н.Рўзиев, Х.С.Салимов, А.А.Қаюмов О.Абдуллаев, М.Янгибоев, Т. Маллабоев, Т. Жданов, Е.Умаров, И.Сафаров, М.Бўриева, М.Юсупов, Р.Тиллаев, Ш.Имомов, Н.Султонов, А.Содиков кабилар етишиб чиқдилар.

Мустақиллик даврида иқтисодий ва ижтимоий география янги сиёсий ва иқтисодий шароитда ривожланиб келмоқда. Энг аввало таъкидлаш лозимки, мазкур фаннинг асосий ғоя ва тушунчалари ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва бошқалар илмий аҳамиятини ҳозир ҳам сақлаб қолган, уларга фақат режали иқтисодиёт тамойиларидан ҳоли ҳолда яъни бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашиш лозим.

Иқтисодий география фанининг мустақиллик давридаги ривожланиши мамлакатимизнинг сиёсий мустақилликка эришуви ва унинг иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтиши билан белгиланади. Шунингдек, бу фаннинг янги вазифалари ҳам вужудга келди. Улар жумласига Ўзбекистоннинг ёқилғи энергетика, дон, йўл (транспорт) мустақиллигига эришиши, қишлоқ жойларнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни давлат томонидан тартибга солиб бориш, минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёsat, экологик муаммоларнинг иқтисодий географик жиҳатлари ва бошқа долзарб масалаларни ўрганиш киради.

Республика олимлари иқтисодий географияда сиёсий, ижтимоий, тарихий, экологик йўналишларни янада ривожлантиришга жиддий аҳамият бермоқдалар. Буларнинг натижасида ноананавий мавзулар, чунончи, аҳолига хизмат кўрсатиш, фан ва илмий тадқиқотлар, тиббиёт географияси, жиноятчилик, рекреация ва туризм географияси бўйича ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда иқтисодий география фронтал ривожланиб, бошқа, жаҳоннинг илғор мамлакатларида бўлганидек, аста-секин кенг маънодаги ижтимоий географияга айланди. Шу билан бирга унинг таркибий қисми ҳисобланган иқтисодий география мустақил мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ худудий муаммоларни тадқиқ қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб бормоқда.

Кенг қамровли иқтисодий географик тадқиқотлар Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Қорақалпок, Термиз Андижон Қарши Урганч университетларида олиб борилмоқда. Ушбу фаннинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси География жамиятининг хизмати ҳам бекиёсdir. Айни вақтда мамлакатимизнинг етук олимлари, илмий мактаб ва маказлари хорижий давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Украина, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари) билан ҳам алоқада тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Юқорида кўриб чиқилган фан тарихидан маълум бўлишича, иқтисодий ва ижтимоий география фани республикамида катта йўлни босиб ўтган, бироқ унинг назарий ва амалий салоҳияти кенг қамровда ривожланиши айнан мустақиллик даврига тўғри келганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Чунончи профессор А.С.Солиев ушбу давр учун хос бўлган қўйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатади:

1. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг амалий (конструктив) аҳамияти кучайди. Гарчи академик И.Герасимов географиянинг конструктив босқичга ўтганлигини 20-асрнинг 70-йилларида эътироф этган бўлсада, бу жараён ҳалигача давом этаётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, бу фан вакиллари мустақил мамлакатимизнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда, демографик жараёнларни баҳолаш, бошқариш ва башорат қилишда, миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни худудий ташкил қилиш масалаларида салмоқли ишларни бажаришмоқда.

2. Иқтисодий географиянинг фронтал ривожланиши унинг интеграцион салоҳиятидан тўлароқ фойдаланишга кенг имкониятлар яратди, фаннинг янада социаллашуви, сиёсий, экологик, тарихий йўналишларга катта аҳамият берилди. Буларнинг натижасида ушбу даврга келиб иқтисодий ва социал география ижтимоий география мақомини олди.
3. Ижтимоий географик тадқиқотларни замон талаблари, яъни мамлакатимизнинг сиёсий мустақиллиги шароитидан келиб чиқиб ҳамда бозор иқтисодиёти муносабатларига мос ҳолда олиб боришда Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Наманган, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Андіжон, Қарши, Урганч, Қорақалпоқ Давлат университетлари олимлари, Ўзбекистон География жамияти ходимларининг хизматлари катта ва салмоқлидир.
4. Шу билан бирга мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтиш ижтимоий географиянинг назарий (фундаментал) муаммоларини янада чуқурроқ ва аниқроқ ўрганишни тақозо этмоқда. Хусусан, бу даврда ишлаб чиқаришни жойлаштиришни тартибга солиш ва бошқариш, ижтимоий ва демографик жараёнлар, турли минтақаларда меҳнат бозорини шакллантириш ва фаоллаштириш, геоэкологик муаммолар ечимининг иқтисодий географик жиҳатларини илмий асослаб бериш мухим аҳамиятга эга.
5. Табиий шароит ва ресурслардан мамлакат миллий иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида оқилона фойдаланиш, экологик муаммолар ва уларнинг ечимига бағишлиб республикамизда қатор илмий ва илмий-амалий анжуманлар ўтказилди, ижтимоий географиянинг турли муаммоларига доир давлат, яъни ўзбек тилида монография, ўқув қўулланма ва дарсликлар, атлас ва хариталар нашр эттирилди.
6. Ижтимоий географиянинг бошқа фанлар билан алоқаси кучайди, ушбу фан туркумига кирувчи соҳалар ўқув юртларининг қатор факультетларида жорий этилди, умумтаълим мактабларида иқтисодий география фани билан бир вақтда иқтисодий билим асосларини ўрганиш йўлга қўйилди.
7. Ўзбекистон олимлари ва илмий мактабларининг Ўрта Осиё республикалари ҳамда МДҲ давлатлари доирасидаги мавқе-обрўйи,

улар билан амалий алоқалар кучаймоқда. Ушбу йўналишда етишиб чиққан миллий кадрлар республикамизнинг турли нуфузли ташкилотларида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Бу эса ижтимоий (иқтисодий ва ижтимоий) географиянинг юксак салоҳияти, интеграцион имкониятларидан дарак беради.

Шу билан бирга иқтисодий география фани олдида турган вазифалар ҳам кўп. Улар энг аввало мазкур фаннинг янги шароитдаги назарий масалаларини ўрганиш, унинг ижтимоий нуфузини кўтариш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий томонларини чуқур тадқиқ қилиш ва бу боради илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, умумтаълим ва олий ўқув юртлари учун замонавий ўқув қўлланма, дарслик ва атласларни тайёрлашдан иборат.

Хозирги ўзгарувчан ҳаётда иқтисодий географиянинг аҳамияти янада ошиб бормоқда. У ҳаракатдаги дунёни, халқаро, миллий ва минтақавий иқтисодиётни турли миқёсда ўрганади, юксак географик маданият ва географик фикрлашни шаклланишига улкан хизмат қилади.

2.2. Республикада иқтисодий ва ижтимоий география соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг асосий хусусиятлари. География фанининг бир бутунлиги ва айни вақтда, унинг икки қаноти – табиий ҳамда иқтисодий (аникроғи – ижтимоий) географиянинг мавжудлиги ушбу фаннинг фронтал ривожланишини таъминлаб беради. Модомики, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат ва жамият ўртасидаги ҳудудий муносабатлар экан, табиатни табиий география, жамиятни эса иқтисодий эмас, кенг кўламли ижтимоий география ўрганади.

Таъкидлаш жоизки, дастлабки табиий географик билимлар ижтимоий географиядан кўра олдинроқ вужудга келган, чунки табиат жамият шаклланишидан аввалроқ ҳам мавжуд эди. Ижтимоий – иқтисодий география фанининг вужудга келиши эса ижтимоий, сўнгра ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва шу асосда савдо-сотик, ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлган. Эҳтимол, табиий географиянинг юқоридаги генетик хусусияти унда дифференциация жараёнининг олдинроқ юзага келишига олиб келган. Чунончи,

геология ва табиий география қиррасида геоморфология, физика билан табиий география ўртасида иқлимшунослик, метеорология каби фанлар ривожланиб борган. Кейинчалик табиий географиянинг эволюцион тараққиётида ландшафтшунослик катта аҳамият касб этган ва у ушбу фаннинг марказидан жой олган. Зоро ландшафт барча табиий географик жараёнларни, уларнинг натижаларини ўзида мужассамлаштиради.

Иқтисодий география фанининг, бизнингча, уч тарихий манбаси бор. Уларнинг энг биринчиси, албатта, табиий география ҳисобланади. Сабаби, иқтисодий географиянинг (у кейинчалик ижтимоийга айланган) дастлабки йўналиши – қишлоқ хўжалиги ёки, ҳозирги замон тили билан айтганда, агрогеография, хусусан дехқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқиши ва, айниқса, суғорма дехқончиликнинг ривожланиши бевосита табиий географик омиллар, яъни жойнинг тупроғи, ҳарорати, намлик кўрсаткичлари таъсирида вужудга келган. Худди шундай, табиий географик омиллар асосида ўрмон хўжалиги, балиқчилик, тоғ-кон саноати сингари иқтисодиёт йўналишлари ривожланган.

Ҳозирги иқтисодий - ижтимоий география фанининг қолган икки генетик манбаи сифатида немис статистикаси ва немис штандорт назариялари хизмат қилган. Статистика, яъни дастлабки ҳолатдаги унинг мазмуни – давлатшунослик негизида сиёсий ва унинг яна бир йўналиши –ҳарбий география ҳам шаклланган. Штандорт назарияси (И.Тюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, А.Лёш ва бошқа олимлар тоялари) эса бевосита ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, унинг омиллари ва қонуниятларини ўрганувчи турдош фанлар: иқтисодий география ҳамда анча кейин “майдонга чиққан” минтақавий иқтисодиётнинг вужудга келишида назарий асос ҳисобланган.

Шу ўринда эслатиш лозимки, иқтисодий географиянинг фанлар тизимидағи ўрни, унинг айни пайтда ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанлар тизимиға мансублиги бу фаннинг тарихий ривожланиб боришида ўзига хос хусусиятлар касб этган. Масалан, иқтисодий география дастлаб статистика, иқтисодиёт таркибиға кирган

ва фақат XX асрнинг 30 – йилларида у статистика – тармоқ йўналишидан районлар йўналишига ўтган (унинг асосчилари - Н.Н.Баранский, С.В.Бернштейн-Когон). Ушбу йўналишнинг ҳаддан ташқари тез ривож топиши, кичик-кичик ҳудудлар, турли миқёсдаги иқтисодий районлар тавсифланишига ҳам устувор аҳамият берилиши, айни вактда, иқтисодиёт тармоқларига эътиборни анча сусайтириди. Ваҳоланки, ҳар қандай иқтисодий географик тадқиқот тармоқ ва ҳудудий (район) ёндашувларининг ўзаро уйғунлашуви, “тармоқ – ҳудуд – тармоқ - ҳудуд” тизимида олиб борилишини тақозо этади ва бу ҳақиқат мазкур фаннинг методологик талабларидан биридир. Тармоқ йўналишининг географлар томонидан бутунлай унутилиши ёки унга эътиборнинг кучсизланиши “ҳудуд - тармоққа” ургу берилишининг ортида методологик бўшлиқ, вакуум ҳосил бўлишига олиб келган ва бу “эгасиз” қолган жойда қисман ҳудудий фикрловчи иқтисодчилар ёки иқтисодий фикрлаши устунроқ бўлган географлар томонидан гибрид фан – минтақавий иқтисодиёт вужудга келган. Бу фанларнинг вужудга келиши катта баҳс – мунозараларга сабаб бўлган ва оқибатда ўзаро келишувга келинган: ёки бошқача қилиб айтганда, минтақавий иқтисодиёт – географийлашган иқтисодиёт, иқтисодий география – иқтисодийлашган география сифатида эътироф этилган.

Сирасини айтганда, минтақавий иқтисодиётнинг назарий асоси иқтисодий география ҳисобланади. Қолаверса, XX – асрнинг 60 – йилларида “Минтақавий фанлар уюшмасининг” асосчиси Пенсильвания университети география факультетининг декани У.Айзард (Изард) бўлган. 1970 – йилларда собиқ Иттифоқ Давлат режалаштириш қўмитасининг раиси, дастлабки “Минтақавий иқтисодиёт” монографиясининг муаллифи Н.Н.Некрасов эса таниқли иқтисодий географ Н.Н.Колосовскийнинг аспиранти бўлган.

Иқтисодий географиянинг минтақавий иқтисодиёт билан ўзаро “талашуви” унинг тарихий илдизи ва доимий яқин сафдоши бўлган табиий географиядан бироз узоклаштириди. Баъзи етакчи иқтисодий географлар иқтисодчилар орасида “географ”, ўзларининг география жамоасида эса “иқтисодчи” бўлиб қолишиди.

Аслида бундай эмас, иқтисодий география илм – фан маконида ўзига муносиб, мустақил ижтимоий мавқеи, нуфузига эга.

Иқтисодий географик тадқиқотларнинг деярли барчаси у ёки бу даражада, албатта, табиий география маълумотларига таянади, уларга иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан баҳо берилади. Ҳар қандай географ ўз тадқиқотида бевосита ёки билвосита табиий географик омилларга мурожаат қиласи. Бу унинг энг муҳим касбий сифати бўлиб, айни вақтда илмий детерминистик дунёқарашга ҳам мос келади. Профессор З.М.Акрамов ва у яратган агрогеографик тадқиқотлар йўналишининг вакиллари Р.Ходиев, Т.Эгамбердиев, С.Сайдкаримов, М.Юсупов, А.Рўзиев, Е.Умаров, А.Содиқов, Қ.Алланов, М.Махмудова ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида табиий географик омиллар, хусусан агроиқлиний ресурслар бевосита иштирок этган.

Ўзбекистонда бажарилаётган иқтисодий географик тадқиқотларнинг аксариятида жойларнинг табиий географик хусусиятлари ҳисобга олинади. Бинобарин, иқтисодий географияга бу борада эътиroz билдириш ноўриндир. Жумладан, Т.Жумаевнинг тоғ ҳудудлари географияси, Ю. Аҳмадалиевнинг ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича олиб бораётган тадқиқотлари, Ш.Жумахоновнинг дарё-сой ҳавзаларида аҳоли жойлашув тизимининг шаклланиши, З.Тожиеванинг ҳудудларнинг демографик сифими ҳақидаги изланишлари, Н.Комилова ва М.Хамроевларнинг тиббий география, З.Райимжоновнинг “ресурс шаҳарлар”, Т.Шотўраев ва Ш.Азимовларнинг сув омборлари, Х.Турсуновнинг урбоэкология, Б.Зиёмухамедовнинг рекреация, М.Усмоновнинг туризм географияси, А.Сатторовнинг Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг жойлашуви, А.Мавлоновнинг чўл ҳудудлари шаҳарлари, П.Қурбоновнинг Жанубий Ўзбекистон минтақасида урбанизация жараёни, А.Баратовнинг ирригация тизимларидан фойдаланишга оид илмий ишлари табиий географик омиллар билан сингдирилган. Бундай мисоллар қаторини яна кенгайтириш мумкин. Умумий хулоса шундан иборатки, иқтисодий географик тадқиқотлар табиий географияга “садик” ҳолда иш тутадилар. Аммо, акс вазият

ҳам шундайми? Табиий географик тадқиқотлар ҳам иқтисодий географик хулоса ва тавсияларга олиб келадими, уларга “чиқадими”? Фикримизча, ҳар доим ҳам бундай мувозанат, муносабат (паритет), афсуски, унча қузатилмайди.

Таъкидлаш жоизки, Л.Бабушкин, Ф.Мўминов, Т.Мухторов, А.Абдуллаев, А.Абулқосимов, П.Баратов, Ш.Зокиров, А.Маматов, А.Рахматуллаев, А.Соатов, Б.Камолов, Ф.Ҳикматов, И.Назаров, А.Низомов, Р.Усмонова каби табиий географлар ва гидрологларнинг илмий ишлари иқтисодий географик мазмунга ҳам касб этади. Айниқса, А.Рафиқовнинг мелиоратив географияси, Ҳ.Ваҳобовнинг муҳандислик географияси, А.Абулқосимов ва унинг издошларини антропоген ландшафтлар ҳақидаги тадқиқотлари иқтисодий географияга анча яқин туради. Инсон ва ишлаб чиқариш таъсирида табиий муҳитнинг ўзгариши, ёмонлашуви ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари геоэкологик йўналишнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ижтимоий-иқтисодий мақсадларни, натижаларни кўзда тутиш барча табиий географик изланишларда ҳам мавжуд эмас. Ҳар ҳолда жойнинг ер усти тузилиши ёки иқлими, тупроғи, гидрографияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўз-ўзича эмас, пировард натижада ахоли ва унинг яшаш шароити, хўжалик тармоқларининг жойланиш ёки жойлаш-тириш имкониятлари нуқтаи назаридан тавсиф, тадқиқ ва таҳлил қилиниши мақсаддага мувофиқ. Географ учун мамлакатимиз иқлимининг континенталлиги ёки унинг геосиёсий ўрни, денгиз ва океанлардан узоқда жойлашуви, ер усти тузилишини шунчаки билиш муҳим эмас, энг муҳими бундай иқлимий ва бошқа географик шароитнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий оқибатлари, уларнинг мамлакатимиз ривожига таъсирини чуқур англашдир.

Хозирда табиий ва иқтисодий (ижтимоий) географик тадқиқотларнинг ўзаро мужассамлашуви муҳим фундаментал аҳамиятга эгадир. Бундай жиҳатлар ўтмишда В.М.Четиркин, ҳозирда эса В.Федорконинг илмий ишларида кўриш мумкин. Хусусан, унинг табиий - хўжалик районлаштириш тўғрисидаги илмий ишлари табиий ҳамда иқтисодий - ижтимоий географик ёндашувнинг ўзаро уйғунлашуви асосида олиб борилмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки,

бугунги фанларнинг дифференциациялашуви ва интеграциялашуви шароитида тадқиқотчининг қайси бир йўналишни кўпроқ билиши, унга ихтисослашуви талаб этилади.

Сўнгги йилларда географик синтез, бу фаннинг синтез қудрати ҳақида кўп гапирилади. Аммо ҳар қандай синез тизим-таркиб ва гносологик нуқтаи назардан анализ, яъни таҳлилсиз бўлмайди; бир бутунликни билиш учун аввал уни алоҳида қисмларга ажратиб ўрганиш ва шу асосда умумий хулоса чиқариш, қонуниятларни аниқлаш зарур. А.Гумбольдтнинг тўлиқ географик фикрлаши ҳам айнан шундай методологик ёндашувдан келиб чиқади. Бинобарин, география фанини унинг табиий ва ижтимоий қисмларисиз талқин ва ташфиқ қилиш ҳақиқатга зиддир. Географияни ҳам барча фанлар қаторида кўриш, ижтимоий нуфузини кўтариш учун уни чексиз рақам ва фактлардан қутқариш, номенклатур йўналишдан воз keчиш керак. Афсуски, географияда фактлар кўп, ғоялар эса оз; нимагадир ўқувчилар мактабда И.Ньютон, Пифагор ёки Ч.Дарвин, К.Линней, Фарадей каби олимлар яратган қонуниятлар, ихтиrolарни билишади-ю, географияда фақат “энг-энг” кўрсаткичларни (энг узун дарё, энг катта орол, энг чуқур жой, энг баланд чўққи, энг кўп автомашиналар ёки ишлаб чиқарадиган давлат ва ҳ.к. ва б.) қуруқ ёдлаб олишга мажбур қилинади.

Географик синтез ички ва ташқи, кўп қатламли бўлади. Биринчиси ушбу фаннинг ички тузилмаси, уларнинг ўзаро интеграциясида, иккинчиси, бошка фанлар билан алоқасида намоён бўлади. Бу иккиликда, бизнингча, энг аввало, фанимизнинг мустаҳкам ва мустақил бўлиши учун унинг ички, горизонтал ва вертикал алоқалари ривожланган бўлмоғи зарур. Бу хусусда ҳам икки босқич бор: биринчиси – табиий ва ижтимоий географик фанлар таркибидаги алоҳида фан ёки йўналишларнинг ўзаро интеграцияси бўлса, иккинчиси – табиий ва ижтимоий географиянинг ўзаро муносабати назарда тутилади. Табиий географияда ички дифференциация жараёнлари, фанларнинг турланиши аввалроқ бошланган ва ҳозирги кунда бироз сусайган. Иқтисодий географияда эса бундай жараён кечроқ бошланиб, бугунги кунда жадал давом этмоқда.

Анънавий иқтисодий география аҳоли ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси орқали иқтисодий ва социал географияга, сўнгра унинг ижтимоий географияга айланишига тиббиёт, жиноятчилик, таълим, маданият географияси каби йўналишларнинг вужудга келиши мисол бўла олади. Бунга иқтисодий географиянинг ижтимоийлашуви, ижтимоий соҳаларнинг мураккаблиги ва кўп қирралиги сабаб бўлмоқда.

Географик синтезнинг юқори ёки иккинчи даражаси унинг ташқи, фанлараро алоқаларига асосланади. Бу борада айтиш жоизки, фанимизнинг “географик ўрни” ҳам ўзига хос, қулай. Модомики, қачон ва қаерда худуд тўғрисида сўз борар экан, унинг эгаси албатта география бўлганидек, бу фан жуда кўп бошқа фанлар билан алоқа қиласи, фақат уларнинг худудий жиҳатлари бўлса, бас. Бинобарин, қатор фанларнинг ўз эгаси бор ва, шу билан бирга, уларнинг умумий мужассамловчи бир эгаси бор, у ҳам бўлса география. Бу фан, фалсафий дунёқарашиб нуқтаи назаридан, кўпчилик фанларнинг (биология, тупроқшунослик, тиббиёт, иқтисодиёт, сиёсат, демография, психология, социология ва б.) “умумий маҳражи” ҳисобланади. Сабаби, ҳар қандай ҳодиса ёки воқелик маълум бир вақтда (даврда, замонда) ва муайян бир жой – маконда, яъни худуда содир бўлади. Шунинг учун ҳам биологияга турдош ўсимликлар ва ҳайвонлар географияси ёки геоботаника ва зоогеография каби шунга ўхшаш бошқа фанлардан “қўшалоқ” йўналишлар вужудга келган. Геоморфология, метеорология ва иқлимшунослик, геоэкология, геосиёсат, минтақавий иқтисодиёт, нозогеография, геопсихология, геокриминология, урф-одат географияси (“поведенческая география”), топонимика сингари фан ёки илмий йўналишлар ҳам мавжуд ва уларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда.

2.3. Иқтисодий географик тадқиқотларнинг худудий таркиби.

Мамлакатимиз худудларининг табиий, иқтисодий имкониятлари унинг халқ хўжалигининг таркиб топишида ўзига хос аҳамият касб этиб келган. Шунинг учун ҳам бу худудларни халқ хўжалигининг турли соҳаларини ривожлантириш мақсадларида кенг қамровли тадқиқ этишга катта эътибор қаратилган. Ана шундай

тадқиқотлар сирасига географик хусусан, иқтисодий географик тадқиқотларни ҳам киритиш мумкин.

Республикамизда иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотларнинг ҳудудий таркибини таҳлил қилиш натижасида бундай тадқиқотларнинг қуйидаги тўртта ҳудудий қамровини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Маъмурий яъни ҳудудий маъмурий бирликлар (вилоят, туман, шаҳар) даражасидаги иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотлар;
- Минтақавий ёхуд турли даражадаги иқтисодий районлар доирасидаги (олимлар томонидан тавсия этилган районлаштириш схемалари бўйича) иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотлар;
- Турли табиий - иқтисодий зонал бирликлар (тоғ, тоғолди, чўл, воҳа ёки водий ва ҳоказо) доирасидаги иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотлар;
- Мамлакат даражасидаги ва мамлакат қўшни мамлакатлар ёки даражаси ўхшаш мамлакатлар фонида бажариладиган иқтисодий - ижтимоий географик тадқиқотлар;

Иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотларнинг ҳудудий қамровини белгилашда табиийки чегара омили яъни сунъий (маъмурий) ва табиий чегара етакчи аҳамият касб этади. Бу албатта бажарилиши керак булган тадқиқот йўналишининг қамраб олиши лозим бўлган географик воқеликка боғлиқ.

Иқтисодий - ижтимоий географик тадқиқотларнинг ҳудудий таркиби таҳлилида эса асосий эътибор ушбу ҳудудлар учун хос бўлган долзарб масалаларга қаратилади. Бунда тадқиқ этилган муаммолар ва уларнинг натижадорлиги ҳамда тадқиқ этилиши лозим булган муаммо ва масалалар ажратиб кўрсатилади. Бунда ҳудудий ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Мамлакатимиз ҳудудларини иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқ этилганлик даражасини таҳлили шуни кўрсатадики бизда шаклланган иқтисодий - ижтимоий географик тадқиқот йўналишлари бўйича ҳар бир ҳудуд қайсиadir даражада қандайдир йўналиш доирасида ўрганилган. Аммо бу ҳозирги давр талаби нуқтаи назаридан олиб қаралганда етарли дегани эмас.

Республикамизда амалга оширилган иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг кўламига кўра энг йирик ҳудудий доирада бажарилган тадқиқотлар бу собиқ иттифоқнинг ўша даврдаги тўртта республикасини ўзида мужассамлаштирган Ўрта Осиё иқтисодий райони даражасидаги тадқиқотлардир. Бундай масштабдаги тадқиқотларга В.М.Четыркиннинг 1944 йилда химоя қилинган “Турон геофацияси” номли докторлик диссертациясини, А.С.Солиевнинг 1986 йилда химоя қилинган “Ўрта Осиё республикаларида аҳоли жойлашувининг омил ва жараёнлари” мавзусидаги, докторлик диссертациясини ва А.С.Солиевнинг хитойлик шогирди Вэй Синнинг “Формирование и развитие городов Средней Азии” (1991) номли ҳамда З.Х.Райимжоновнинг Ўрта Осиёнинг ресурс шаҳарларига (1992) бағишлиланган номзодлик диссертацияларини киритиш мумкин. Шунингдек А.С.Солиевнинг “Тожикистан ССР шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши” (1973) ва А.А.Қаюмовнинг “Қирғизистон шаҳар аҳоли пунктларининг геодемографик ривожланиши муаммолари” (1979) мавзуларидаги номзодлик диссертациялари қўшни республикаларни ўрганишга бағишлиланганлиги билан ажralиб туради.

Ҳудудий кўламига кўра кейинги даража бу бутун мамлакатимиз ҳудудини тадқиқот обьекти сифатида қамраб олган иқтисодий географик тадқиқотлардир. Бу масштабдаги ишларга Г.Н.Черданцевнинг фан доктори илмий даражасини олиш учун 1936 йилда тақдим этган Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришга бағишлиланган илмий тадқиқотларини, 1992 йилда О.Б.Ата-Мирзаев томонидан бажарилган “Шаҳар аҳолиси жойлашувини геодемографик тадқиқ этиш ва урбанизацияни миллий-ҳудудий даражада бошқариш (Ўзбекистон Республикаси мисолида)” мавзусидаги докторлик диссертация ишини, А.А.Қаюмовнинг 1994 йилда химоя қилинган “Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланишининг социал-географик асослари” мавзусидаги докторлик диссертациясини, М. Бўриева томонидан 1983 йилда бажарилган “Ўзбекистонда туғилиш” мавзуидаги номзодлик диссертациясини, Н.Қ.Комилованинг “Ўзбекистон тибиий географик шароитининг

худудий таҳлили ва аҳоли саломатлиги муаммолари” мавзуида докторлик диссертациясини, С.Л.Янчук томонидан бажарилган “Ўзбекистон иқтисодиётида ўсиш қутблари ва линияларининг шаклланиш омиллари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини, З.Н.Тожиева томонидан “Мустақил Ўзбекистон демографик жараёнлари ва уларнинг худудий хусусиятлари” мавзуидаги докторлик диссертациясини киритиш мумкин.

Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг худудий таркиби таҳлили шуни кўрсатадики бундай тадқиқотларнинг ҳар бир худуд учун ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб минтақалар таҳлилини марказий **Тошкент минтақасидан** бошлаймиз. Албатта, алоҳида худудлар минтақалар миқёсида республикамиз илм-фан, маданият маркази бўлган пойтахт Тошкент минтақаси етакчи мавқега эга. Пойтахт минтақасида иқтисодий ва ижтимоий география фанининг турланиши (диференсиацияси), ҳар хил йўналишларга ихтисослашуви, бошқача қилиб айтганда, қўп функциялиги кўзга ташланади. Хусусан, иқтисодий (ижтимоий) географиянинг умумий масалалари, аҳоли ва шаҳарлар географияси, урбанизация, аҳолига хизмат кўрсатиш (сервис) географияси, соф социал географик тадқиқотлар хусусан нозогеография, жиноятчиликнинг худудий жиҳатларини ўрганиш кенг йўлга қўйилган. Бундан ташқари социал-иктисодий картография муаммолари ҳам таҳлил ва тадқиқ қилинмоқда. География жамияти президиуми ва унинг “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” ҳам Тошкент минтақасида, аниқроғи Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Минтақада фаолият олиб борган олимлари: О.Ата-Мирзаев, А.Солиев, А.Қаюмов, Т.Мирзалиев, А.Эгамбердиев, Ш.АЗимов, П.Мусаев, М.Назаров, Н.Комилова, З.Тожиева, З.Абдалова, С.Янчук, Ш.Қурбонов, Ж.Мусаев В.Федорко ва бошқалар томонидан турли мавзу ва йўналишлардаги долзарб тадқиқотлар амалга оширилгани республикамизда иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур минтақанинг иқтисодий – ижтимоий географик ўрганилишига бағишенган ишлар сирасига Т.И.Раймов (“Иттифокдош республика пойтахтини комплекс иқтисодий географик тадқиқ қилиш” (Тошкент шахри мисолида), 1964), Т.Э.Эгамбердиев (“Келес водийси қишлоқ хўжалиги ва уни ривожлантириш муаммолари”, 1972-й.), Р.Й.Махамадалиев (“Тошкент вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг шаклланиши ва ривожланиши”, 1993), М.М.Эгамбердиева (“Бозор иқтисодиёти шароитида шаҳарлар ривожланишининг минтақавий муаммолари”, 2008), С.К.Таштаева (“Ўзбекистонда шаҳар агломерацияларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари (Тошкент агломерацияси мисолида)”, 2011) мавзуларида бажарилган номзодлик диссертацияларини киритиш мумкин.

Фарғона минтақаси Ўзбекистонда иқтисодий – ижтимоий география фани ривожланишида ўзига хос ўрин эгаллайдиган ҳудуд ҳисобланади. Бу минтақада анъанавий ҳолда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг қишлоқ хўжалиги географияси, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, аҳоли ва шаҳарлар географияси, география тарихи, транспорт географияси, социал географик тадқиқотлар, саноат, жумладан, қўшма корхоналар географияси каби йўналишлар шаклланган.

Бу борадаги тадқиқотларни Ю.Аҳмадалиев, У.Обидов, Т.Маллабоев, М.Махмудова, А.Ҳатамов, М. Мамажонов, Р.Қодиров, А.Назаров, А.Баратов, У.Султанов, Ш.Жумахонов, Р.Пирназаров, Ҳ.Мирзаҳмедов, А.Исаев, И.Солиев сингари олимларнинг ишларида кўриш мумкин.

1953-йилда Москва давлат университетида профессор Ю.Г.Саушкин илмий раҳбарлигига З.М.Акрамов томонидан умуниқтисодий характерга эга бўлган “Наманган вилояти (иқтисодий-географик тавсиф)” мавзусида номзодлик диссертацияси химоя қилинди. Ҳ.Мирзаҳмедов диссертацияси эса мамлакатимизда илк бор бу тармоқда ташкил этилган қўшма корхоналар фаолияти, инфратузилма ва инвестиция масалалари ўрганилган. Ш.Жумахонов “Наманган вилояти аҳолиси ҳудудий таркибини такомиллаштириш” (1998) диссертациясида вилоят аҳолиси ҳудудий таркибини такомиллаштириш масалаларини ўрганишда айнан сойлар, уларнинг демографик ва иқтисодий сифимини таҳлил ва тадқиқ

қилишга уринган. А.Баратовнинг номзодлик илмий тадқиқот иши “Наманган вилоятида сув хўжалигини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари” мавзусидан иборат бўлиб, у 2007 йили мувафақиятли ҳимоя қилган.

Мазкур минтақани иқтисодий географик ўрганишга бағишлиланган ишлар сирасига О.Б.Ата-Мирзаевнинг (“Фарғона водийси шаҳар аҳоли пунктларининг жойлашуви”, 1967), А.А.Халмирзаевнинг (“Фарғона водийси чорвачилигини суғорма деҳқончилик билан уйғунликда ривожлантириш муаммолари”), Т.Маллабоевнинг (“Фарғона водийси аҳолиси жойлашуvida катта шаҳарларнинг ўрни”, 1982), А.Хайдаровнинг (“Фарғона иқтисодий райони саноат тугунларининг шаклланиши ва ривожланиши”, 1992), М.Махмудованинг (“Фарғона водийси боғдорчилиги ва узумчилиги ривожланишининг муаммолари”, 1993) У.Султановнинг (“Социально-экономическое развитие малых и средних городов Ферганского экономического района”, 1993), каби ишларни киритиш мумкин.

Зарафшон минтақаси географик жиҳатдан анча мукаммал ўрганилган ҳудудлардан бири. Бу ҳудудда ўтган асрнинг иккинчи ярмида аҳоли ва аҳоли пунктлари қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан Москва Давлат университети олимлари билан ҳамкорликда мажмуали тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, Зарафшон водийси табиати ва табиий ресурслари Жанубий-Ғарбий Ўзбекистон таркибида ҳам кўриб чиқилган. Минтақани иқтисодий – ижтимоий географик ўрганилиши (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари) Н.Маматқулов Б.Калонов, Р.Қодиров, А.Мавлонов каби олимларнинг ишларида куриб чиқилган.

З.М.Акрамов (“Самарқанд ва Бухоро вилоятлари қишлоқ хўжалиги”, 1961) С.Сайдкаримов (“Зарафшон дарёси ўнг қирғоқ лалми ерларини хўжалик жиҳатдан ривожлантириш муаммолари”, 1964), К.И.Гадоев (“Қишлоқ хўжалик мажмуасининг ҳудудий ташкил этилиши ва уни ҳаритага олиш (Бухоро вилояти Вобкент тумани мисолида)” 1993), М.А.Қодировнинг “Самарқанд вилояти аҳоли пунктлари ҳудудий тизимларини такомил-лаштириш” (1994), О.Л.Муҳамедовнинг “Аҳоли табиий ҳаракатининг ҳудудий тафовутлари (Самарқанд вилояти мисолида)” (2007), А.М.Мавлонов (“Чўл шароитида шаҳарларнинг шаклланиши ва

ривожланиши муаммолари”, 2010), мавзуларидаги география фанлари номзоди диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганлар.

Қуий Амударё минтақаси мамлакатимизда ҳудуди бўйича энг катта саналган Қорақалпоғистон Республикаси ва ундан деярли 25 марта кичик бўлган Хоразм вилоятини ўз таркибига олади. Шу билан бирга, бу ҳудуд экологик нуктаи назардан оламшумул мазмун касб этган Орол денгизига туташ ҳисобланади. Минтақани иктиносидий ва ижтимоий географик ўрганишга Р.С.Лобач, Т.Тожимов, Ж. Матмуродов, А.Ишчонов, Е.Умаров, Г.Ходжаева, И.Турдимамбетов, Н.Емберганов, И. Атажонов, М.Ҳамроев, Д.Рўзметов, С.Авезов, Ш.Дўсанова, М.Матчонов каби олимларнинг тадқиқотлари бағишиланган

Ушбу минтақа Р.С.Лобач (“Устюрт платосини хўжалик жиҳатдан ўзлаштиришнинг омиллари ва истиқболлари”, 1949) Т.Т.Таджимов (“Қорақалпоғистон АССР (иктиносидий географик тавсиф)”, 1963) Е.К.Умаров (“Қуий Амударё иктиносидий районида ишлаб чиқариш кучларини мажмуали ривожлантириш истиқболлари”, 1964, номзодлик, “Қорақалпоғистон Республикаси ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш муаммолари”, 2003, докторлик), З.Т.Абдалованинг (“Қуий Амударё райони шаҳар ва шаҳарчалар ривожланишининг социал–иктиносидий шароитлари” 1995), Н.Ж.Ембергенов “Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ўсиши ва жойланишидаги ўзгаришлар”, 2011) каби олимлар томонидан ўрганилган.

Жанубий Ўзбекистон – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари табиати, аҳолиси, хўжалиги ва уларнинг ички тафовутлари ҳам географик жиҳатдан ўрганиш қизиқарли тадқиқот обьекти ҳисобланади. Бу дарёлар номи билан ташкил топган ҳудудда кўплаб илмий изланишлар олиб борилган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари собиқ ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) географлари томонидан яхши ўрганилган, Сурхон-Шеробод ҳамда Қарши чўлларида комплекс тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борада А.Рўзиев М.Янгибоев Л.Эрдонов, М.Эрдонов, Ҳ.Шосаидов, Қ.Алланов, Ҳ.Абдуназаров, А.Сатторов, П.Курбонов кабиларнинг тадқиқотлари амалга оширилган.

Хусусан Н.В.Смирнов томонидан (“Қашқадарё вилояти. Иқтисодий географик тавсиф”), Р.А.Ходиев (“Қашқадарё вилояти шимоли-шарқий гуруҳ туманлари қишлоқ хўжалиги”, 1962), А. Рўзиев 1967 йилда “Сурхон-Шеробод водийсида қишлоқ хўжалигининг жойлашиш ва ривожланиш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олим 1987 йилда Ленинград Давлат Университетининг Илмий кенгашида “Ўзбекистон агросаноат комплексининг ҳудудий системалари ва уни такомиллаштириш йўллари” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Н.И.Сафарованинг “Иқтисодий географик ўриннинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири (Сурхондарё вилояти мисолида)” деб номланган диссертация иши ҳам республикамиизда иқтисодий ва ижтимоий география фанида янги долзарб мавзу ва йўналиш сифатида олиб борилди ва муваффақиятли ҳимоя қилинди. М.Эрдоновнинг “Пространственная организация системы расселения Сурхандарьинской области” (1993) Ҳ.Шосайдовнинг (“Сурхондарё вилоятида узум етиштириш ва уни қайта ишлашнинг ҳудудий тизимлари” (1995), Қ.Алланов “Сурхондарё вилоятида пахта етиштириш ва уни қайта ишлашнинг ҳудудий тизимлари” (1996), Ҳ.Абдуназаров “Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноатини ҳудудий ташкил этилиши” (2005), А.Сатторов “Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиш ва жойлашиш хусусиятлари” (2009), П.Курбоновнинг “Жанубий Ўзбекистонда урбанизация жараёни ривожланишининг омиллари ва иқтисодий географил асослари” (2012) каби ишлар шулар жумласидандир.

Мирзачўл минтақасида география илми унинг умумгеографик, иқтисодий ва демографик салоҳиятига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Бу ерда, яъни Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қишлоқ хўжалиги ва саноат географияси, агросаноат мажмуаси ва топонимика йўналишларида тадқиқотлар олиб борилган. М.Нурназаров Н.Исматов, К.Курбонов, Қ.Ҳакимов, Л.Қаршибоева, К.Хидиралиев, А.Юлдошевлар турли йўналишларда изланишлар олиб борган. Ш.Б.Имомовнинг “Проблемы формирования и развития системы расселения в районах нового

сельскохозяйственного освоения Узбекистан” (1983) диссертацияси ҳам айни шу минтақани ўрганишга бағишиланган.

Мавзу бўйича хulosалар

Мазкур мавзуда ўрганилган ва таҳлил этилган масалалар асосида қуйидаги хulosаларга келиш мумкин:

1. Республикаизда иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотларнинг ҳудудий таркибини таҳлил қилиш натижасида бундай тадқиқотларнинг маъмурий яъни ҳудудий маъмурий бирликлар (вилоят, туман, шаҳар) даражасидаги, минтақавий ёхуд турли даражадаги иқтисодий районлар доирасидаги (олимлар томонидан тавсия этилган районлаштириш схемалари бўйича), турли табиий-иқтисодий зонал бирликлар (тоғ, тоғолди, чўл, воҳа ёки текислик) доирасидаги, мамлакат даражасидаги ва мамлакат қўшни мамлакатлар ёки даражаси ўхшаш мамлакатлар фонида бажарилган тўртта ҳудудий қамровини ажратиб кўрсатиш мумкин.

2. Иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотларнинг ҳудудий қамровини белгилашда табиийки чегара омили яъни маъмурий (сунъий) ва табиий чегара етакчи аҳамият касб этади. Бу албатта бажарилиши керак булган тадқиқот йўналишининг қамраб олиши лозим бўлган географик воқеликка боғлиқ.

3. Иқтисодий - ижтимоий географик тадқиқотларнинг ҳудудий таркиби таҳлилида асосий эътибор ушбу ҳудудлар учун хос бўлган долзарб масалаларга қаратилиши лозим. Бунда тадқиқ этилган муаммолар ва уларнинг натижадорлиги ҳамда тадқиқ этилиши лозим булган муаммо ва масалалар ажратиб кўрсатилиши керак. Ҳудудий ва қиёсий таҳлил усусларидан фойдаланиш ижобий самара беради.

4. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқот мавзулари нисбаттан торроқ, чуқур ихтисослашган ва, айни вактда, аниқроқ сифатларни намоён этаётганлигини кўриш мумкин. Ҳозирда майда масштабли (йирик ҳудудларга бағишиланган) тадқиқотлар ўрнини йирик масштабли (кичик ҳудудларга бағишиланган) тадқиқотлар эгалламоқда. Кичик ҳудудлар муаммоларини ўрганиш

долзарб аҳамият касб этмоқда. Табиийки, бундай илмий тадқиқот йўналишларнинг амалий аҳамияти катта.

5. Фаннинг назарий – методологик масалаларига бағишиланган фундаментал тадқиқотлар анча кам. Кейинги йилларда афсуски, дала экспедициялари деярли унутилди, илмий ишлар асосан камерал мазмун касб этмоқда. Иқтисодий - ижтимоий географияда аниқлик даражаси тўлиқ бўлмаган статистик маълумотлар таҳлилига, баъзан эса социологик тадқиқотларга асосланмоқда холос.

Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг шаклланиши жараёни қачондан бошланди?
2. Республикада иқтисодий ва ижтимоий география соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг асосий хусусиятларини тавсифлаб беринг.
3. Иқтисодий географик тадқиқотларнинг ҳудудий таркибида қандай ўзига хос хусусиятлар мавжуд?
4. Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ҳозирги ҳолатига баҳо беринг.

3 - МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИННИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ РЕЖА:

1. Ўзбекистон таълим тизимида иқтисодий ва ижтимоий географияни ўқитишдаги асосий муаммолар.
2. Иқтисодий ва ижтимоий география фани ва тадқиқотларининг ривожланишидаги муаммолар.
3. Илмий мактаблар ва марказлар ривожланишининг устивор йўналишлар.

Таянч сўз ва иборалар: География таълими, ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий географик районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, илмий мактаб, илмий марказ, фан муаммоси.

3.1. Ўзбекистон таълим тизимида иқтисодий ва ижтимоий географияни

ўқитишдаги асосий муаммолар. Ҳозирги кунда мавжуд сиёсий ва иқтисодий вазият барча фанлар қатори иқтисодий ва социал географиянинг ўқитилиши, унинг назарий ва амалий ривожланиши борасида қатор долзарб масалаларни олдинга сурмоқда. Ушбу муаммоларнинг ечими энг аввало икки асосий нуқтаи назардан келиб чиқиши керак. Бу ҳам бўлса мамлакатимиз сиёсий мустақиллиги ва бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдир.

Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятига алоҳида сиёсий бирлик сифатида қўшилиши унинг бу сиёсий мустақиллигини таъминловчи иқтисодий имкониятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва улардан тўла ва самарали фойдаланишни назарда тутади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари эса ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришга бўлган анъанавий қарашларни, бу йўсингаги омил ва қонуниятларни тубдан ва қайтадан кўриб чиқиши тақозо этади. Айнан шу икки масала иқтисодий ва социал география фанининг ривожланиши ва ўқитилишидаги асосий вазифаларни белгилаб беради.

Албатта, мазкур фаннинг обьекти сифатида ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий тарқалиши ёки таркиби сақланиб қолаверади. Унинг предмети ҳам деярли ўз ҳолича, яъни турли район ёки мамалкатларда ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий ташкил этиш омил ва хусусиятлари, ҳудудий социал - иқтисодий тизимларнинг шаклланишидаги қонуниятларини ўрганишдан иборатлиги ўзгармайди. Шу боис унинг асосий назарий тушунчалари (ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, иқтисодий географик ўрин ва бошқалар) ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Мамлакатимиз сиёсий мустақилликка эришгач ўз элимизга ўз эътибор кучайди. Худди тарих дарсида ўз халқимизнинг ўтмишини ўрганишдан, адабиётда ўз миллий алломаларимиз асарларидан бошлаганимиздек иқтисодий ва ижтимоий географияни ҳам ўз она юртимизни чуқур билишдан бошламоғимиз зарур. Шунинг учун ҳам ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим тизимида Ўзбекистон Республикасини ўрганиш ҳорижий ёки жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва сиёсий географиясидан олдин бошланиши тўғридир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси курси икки асосий қисмдан иборат бўлмоғи лозим. Биринчи қисмда фаннинг объекти ва предмети, ўрганиш методлари, тарихий шаклланиш жараёни, унинг илмий - назарий асослари (худудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, худудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва хоказо) ўқитилади.

Иккинчи қисми эса бевосита Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий географиясига бағишлиган бўлиб, у ҳам ўз навбатида иккига бўлиниши мақсадга мувофиқ. Бу ерда аввал республика иқтисодий географик ўрни, унинг табиий шароити ва фойдали қазилмалари, иқлим ва ер-сув захиралари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, ҳалқ хўжалигининг тармоқлар таркиби ва асосий тармоқларининг иқтисодий географик тавсифи берилиши керак. Мазкур қисм Ўзбекистон худудининг иқтисодий географик районлаштириши билан ниҳоясига етса, унда том маънодаги географик қисмга "кўприк" ясалган бўлади.

Демак, республика иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўқитишда умумназарий, мамлакат ҳалқ хўжалиги тармоқларидан кейин унинг иқтисодий районларига ўтилади. Ўзбекистон худуди бу борада, энг аввало, тўртта асосий иқтисодий минтақа ёки зонага ажратилади: Марказий (Тошкент), Шарқий (Фарғона), Жанубий - Ғарбий ва Қуи Амударё ёки Шимоли - Ғарбий минтақалар. Бу минтақалар иқтисодий районлардан, улар эса ўз навбатида вилоят кўламидаги районлардан ташкил топади. Шу билан бирга худуди катта ва ички хўжалик тузилиши мураккаб бўлган вилоятларда (масалан, Қорақалпогистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё кабиларда) янада кичикроқ иқтисодий районлар ажратилиши мақсадга мувофиқ. Энг қуи босқичда эса 160 дан ортиқ қишлоқ маъмурий туманлари турди ва уларнинг социал-иқтисодий географиясини ўрганиш ҳам катта вазифа ҳисобланади. Бу борада мактаб ўқувчилари хусусан ўзлари яшаб турган туман географиясини яхши билмоқлари зарур.

Ҳозирги замон талабларига кўра иқтисодий ва социал географиянинг ўқитилишида бир қатор асосий йўналишлар борки, улар сиёсий, социал, экологик, иқтисодий, тарихий ва географиялаштиришдан иборатdir. Ҳар бир дарс мазмуни

худди шу масалалар билан бойитилиши керак. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўқтилишида ҳозирги куннинг сиёсий масалалари, экологик вазияти, аҳолининг яшаш тарзи ва даражаси, унга хизмат кўрсатувчи тармоқлар, миллий урф - одатларнинг худудий хусусиятлари, шунингдек, бозор иқтисодиётига хос асосий тушунчалар ўқувчиларга ёритилиб бериши зарур. Шу ўринда ватанимизнинг тарихига ҳам эътибор кучайтирилиши мақсадга мувофиқдир. Тарих ва географиянинг (замон ва маконнинг) бир - бири билан боғлиқлигига қарамай, географиянинг бироз бўлсада тарихи бору, тарихимизнинг географияси ёки тарихий география йўқ ва у яратилиши керак. Дарҳақиқат, араблар ёки мўғуллар истилоси давридаги, соҳибқирон Амир Темур ёки хонликлар замонида юртимизда хўжалик тармоқларининг ахволи ва уларнинг худудий тузилишини тарихий географик жиҳатдан биз ҳали деярли тадқиқ этмадик.

Бир караганда, географияни географиялаштириш ибораси кулгили ҳисобланади. Аслида эса бу ерда худудни янада чуқурроқ, жойларни ҳар томонлама ва катта масштабли ўрганишлар назарда тутилади. Қизиғи шундаки, биология фани кичик бир мавжудотларни, ҳужайрани маҳсус асбоблар (микроскоп) ёрдамида катталаштириб ўрганади. Географияда эса катта худуд - бутун Ер курраси, мамлакат ёки вилоят бир парча қолғозга тушурилиб қаралади. Бу мазмунда айтмоқчимизки, географияда янада анъанавий, катта масштабли комплекс тадқиқотларга ўтиш вақти келди. Жумладан, ўқувчиларнинг географик фикрлашлари мактаб географик майдончаси, ўзлари яшаб турган хўжалик, туман ва вилоят географиясидан бошланиши лозим.

Маълумки, географик фикрлаш, географик маданият турли худудий қўламдаги ҳодисаларни бир - бири билан алоқадорликда ўрганишда шаклланади. У айни пайтда глобал (оламшумул) ва аниқ, комплекс, худудий (регионал) бўлмоғи лозим. Шу давргача биз улкан, жуда йирик худудларни ўрганиш билан шутулландигу, ўз юртимизнинг нақадар ранг - баранглигини ўқитмадик. Гап шундаки, илгари Ўзбекистон собиқ иттифоқ худудида кичик бир жой эди, энди эса унинг ўзи бир дунё. Ана шу дунёни, мустақил мамлакатимиз, жонажон Ватанимизнинг ташқи

алоқалари ва ички имкониятларини, жаҳон ҳамжамиятидаги ўсиб бораётган мавқенини, хўжалик тармоқларини, шаҳар ва қишлоқларини, уларнинг ҳудудий тузилишини батафсил ўргатишимииз мустақиллигимизни янада чукурроқ англаб олишимизга ёрдам беради.

Мавжуд тажриба шуни кўрсатадики, географик билимнинг тўлиқ бўлиши учун фақат рақамлар ёки географик элементларни ёдлаб олиш етарли эмас. Аксинча, бундай ёндашиб заарлидир. Худди шундай - у ёки бу жой географиясини ўрганишда маъмурий чегарани "Хитой девори" сифатида қараш ҳам хатодир. Чунки, шу маъмурий чегара ортида ҳам табиат, аҳоли жойлашуви, хўжаликнинг ихтисослашуви деярли шундай.

Демак, географияда ҳам тизим - таркиб услуби яхши ва тўғри қўлланилиши лозим. Айтмоқчимизки, ўрганилаётган обьект - туман, вилоят ёки хўжалик тармоғи айнан бир пайтда ҳам ёпик, ҳам очиқ тизим сифатида унинг яхлит бир бутунлиги ва, ўз навбатида, турли қисмлардан иборатлиги, ташқи ва ички, тик ва ётиқ (горизонтал) алоқалар мавжудлиги ўқувчиларга сингдирилиши зарур.

Географик билимдонлик мезони беҳисоб рақамларни ёдлаб олиш билан эмас, балки ҳудудий қонуниятларни аниқлаш билан белгиланади. Шу ўринда, масалан, мазкур фаннинг бош масаласи географиями ёки жўғрофия, океанми ёки уммон каби бемаҳсул баҳслардан воз кечиш керак. Аксинча, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий тузилиши ва таркиби, табиий бойликлар, аҳоли ва хўжалик тармоқларининг жойлашуви, улар ўртасидаги қонуний алоқадорликларни ўрганиш муҳимроқдир.

Албатта, давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек тилининг софлиги, нафис ва жозибадорлигини тиклашимиз ва сақлаб қолишимиз зарур. Аммо тилимизни энг аввало муқобили бўла туриб ҳамон ишлатилаётган хорижий ажнабий сўзлардан тозалаш керак, халқаро мазмунга эга бўлган илмий тушунча ёки атамалардан эмас. Шу билан бирга шаҳар ва қишлоқлар, дарё ва кўлларни илк тарихий номларига қайтариш лозим. Лекин Солдатскийни Аскарлик, Красногорскийни Қизилтоғ

Жилгородокни Аҳоли шаҳарчасига тўғридан - тўғри ўгириш ҳам кулгили ҳолдир, Агар уларнинг эски номи бўлмаса, уларнинг ўз ҳолича қолавергани маъқул, чунки бу ҳам тарихдир. Худди шундек, иқтисодий районларни иқтисодий ноҳия ёки туман шаклида ишлатиш ҳам ўта нотўғридир. Агар жуда зарур бўлса ноҳия ёки туман атамаларини фақат қуи маъмурий бирликларга нисбатан қўллаш мумкин холос. Қолган барча ҳолларда маълум умумийликка эга бўлган реал худудий борликлар райондир.

География фанининг имкониятлари бениҳоя катта. Улардан тўла фойдаланиш умумисоний аҳамиятга молик. Зоро, бу фанинг тарбиявий, миллий мафкурани шакллантиришдаги роли бекиёсдир. Ушбу фанинг серқирралиги, бир қарашда бутун бир худудий мавжудотни тўла ва уни ички хусусиятлари билан қамраб олиши барча қўшни фанлар билан алоқада бўлишини тақозо этади. Чунончи, ҳозирги пайтда география масалаларининг тарих, сиёsat, иқтисодиёт, психология, социология, демография сиёsatшунослик ва бошқа фанлар қиррасида ўрганилиши унинг янги - янги йўналишларини очиб беради.

Географик ўрганишнинг асосий мақсадларидан бири ҳар бир жойнинг у ёки бу соҳага қулай ёки ноқулайлигини аниқлашдан иборатдир. Шу боис, айтиш мумкинки, табиатда умуман, мутлақ ёмон жой йўқ, балки ёмон ёки нодон географ бордир. Ахир, тоғ ҳам яхши, текислик ҳам, қуруқлик ҳам, сув ҳам, шаҳар ҳам қишлоқ ҳам ўз хусусиятига эга. Бундай геопара (геожуфтлик) айниқса, биргаликда, ўзгача яхши ва улар оламнинг борлиги ва бутлиги, яхлитлиги ва харакатчанлигини таъминлайди. Иқтисодий география ҳам табиий географиядек худудий нотекисликлар билан шуғулланади. Чунки, ҳамма жой бир хил бўлганда, географиянинг ўзи ҳам бўлмасди. Худди шундай, бутун ўтмиш айнан бир - бирига ўхшаш йиллар ва кунлардан иборат бўлганда, тарих ҳам бўлмас эди. Аммо иқтисодий географиянинг илгариги шўро давридаги ривожланишида биз фақат ана шу нотекисликларни хусусан аҳоли жойлашуви, урбанизация жараёни, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва оптималаштиришга, текислашга тенглаштиришга ҳаракат қиласи эдик. Аслида эса, айниқса ҳозирги бозор

иқтисодиёти муносабатлари шароитида ижтимоий - иқтисодий ривожланишининг негизида макондаги тенгсизлик, ҳудудий нотекислик, ҳудудий рақобат ётади.

Мадомики мутлоқ ҳудудий тенглик, биртуслик йўқ экан, географиянинг бош мақсади ана шу ҳудуднинг ички хусусиятларини, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва қонуниятларини ўрганишдан иборатdir. Ўқувчиларниш ҳам айнан шу йўналишда географик фикрлашларини шакллантириш лозим.

Ҳар қандай фаннинг ўқитилиши авваламбор такомиллашган ушбу фан ўқув дастурлари дарсликлар ва ўқув қўлламаларисиз бўлмайди. Бу борада иқтисодий ва социал география олдида талайгина муаммолар мавжуд. Гап шундаки, ҳозирги кунда давлат тили - ўзбек тилида олий юртларида ушбу ўқув предмети бўйича дарсликлар жуда оз. Айтиш лозимки, иқтисодий географиядан дарслик ёзиш ўта маъсулятли ва мушкул иш. Ушбу фаннинг ўзига хос хусусиятлари - ҳаракатчанлиги (динамиклиги), сиёsat ва статистика, экология билан алоқадорлиги ҳар қандай дарслик олдидағи қийинчиликларга сабабчи бўлади. Қолаверса, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ижтимоий ва ҳудудий шакллари: мужассамлвшув, ихтисослашув, кооперация, комбинатлаштириш, хуаудий ишлаб чиқариш мажмуалари, саноат парки ва тугунлари, ўсиш қутб ва марказлари, технополис, ягона иқтисодий макон, агросаноат мажмуалари, игфраструктура тузилмасига ўхшаш анъанавий ва замонавий тушунчалар янгича талқин қилинишни талаб қиласди.

Ана шундай шароитда яратилган дарслик ўқув қўлланмаларда баъзи бир камчиликлар бўлиши табиий. Чунки, бу соҳада, яъни илмий мафкура ва дунёқарашда ҳам ўзига хос ўтиш даври кечмоқда. Бинобарин, республикамиз иқтисодий географиясининг чуқур ва кенг, унинг ички турли - туманлиги ва бойликлари, ранг - баранглигини тўлақонли даражада таърифловчи ва тавсифловчи ҳаммабоп дарсликларни тайёрлаш барчамизнинг олдимизда турган асосий масаладир. Шу боис келажакда янги - янги, такомиллашган дарсликлар турининг кўпайиб бориши, аста - секин Ўрта Осиё давлатлари ва ҳатто дунё мамлакатлари

иқтисодий ва сиёсий географияси тўғрисида ҳам дасрликлар яратилиши айни муддаодир.

Шу билан бирга турли хўжалик тармоқлари ва ҳудудларига бағишланган ўқув қўлланмалар ва методик кўрсатмаларни тайёрлаш ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Чунончи, саноат, қишлоқ хўжалиги, шаҳарлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясига оид ҳамда алоҳида вилоят ва иқтисодий районлар таърифига доир ўқув қўлланмаларининг яратилиши ўз навбатида ўқувчи - талабалар билимларининг ўсиши, кенгайиши ва мустаҳкамланишига ёрдам беради. Ҳозирга қадар айрим ҳудудлар хусусан Самарқанд, Хоразм, Наманганд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа вилоятлар географияси тўғрисида ҳар хил ҳажмдаги қўлланмалар тайёрланган. Ҳатто Қиброй туманининг иқтисодий ва ижтимоий харитаси ҳам нашр эттирилган. Бу, албатта, таҳсинга лойиқ ишлардир ва улар Ватан географиясини чуқурроқ ўрганишга асос бўлиб хизмат қиласи.

Шунинг учун умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий мактаблар олдида турган долзарб муаммолар ҳам ўз ечимини топмоғи лозим. Дарслклар мазмунида ва ўқитиши жараёнида география, шу жумладан иқтисодий географиянинг ўқув предмети ва унинг айни пайтда алоҳида фан эканлиги, таълим - тарбия билан биргаликда илму-фан элементлари ҳам юқорига борган сари кўпайиб ва чуқурлашиб бориши керак. Айтмоқчимизки, талабалар иқтисодий географияни фақатгина дунё борлигини билиб оловчи оддий ўқув предметигина эмас, балки бу борлиқ сирлари ва қонуниятларини ўргатувчи алоҳида ва замонавий фан даражасида ҳам англамоқлари зарур.

Республикамида қабул қилинган Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, бу борада олинадиган билимларининг анча ёшариши ва замонавийлашувини назарда тутади. Мамнунлик билан қайд этиш жоизки, ҳозир ҳам мамлакатимиз вакиллари турли фанлар бўйича ўтказилаётган халқаро олимпиадаларида юқори кўрсаткич ва натижаларга эришмоқдалар. Бу албатта, ўқитувчиларимизнинг ўз касбига фидоийлиги, сидқи дилдан хизмат қилишлари маҳсулидир.

Шубҳасиз, эришилган ютуқлар ўзимизники, улар Ўзбекистон келажаги учун хизмат қиласиди. Шу билан бирга умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида билим ва илм, таълиму фан муштараклигини таъминлаш, уларни ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда олиб бориш керак.

Билим олиш узлуксиз жараён, унинг доираси киши ҳаёти давомида кенгайиб бораверади. Айни вактда тобора катталашган билим доираси шунга мувофиқ, янади каттароқ ноаниқликка, мавхумликка тақалаверади. Демак, қанча кўп билсак, яна ундан ҳам кўпроқ билмаслигимиз, била олмаслигимиз аён бўлаверади. Билим кенгайиб бориши, тўпланиши ва йиғилиши, бинобарин, у миқдори кўрсаткичлар билан белгиланса, илму фан олган билимларни таҳлилу ташҳис, чукур идрок ва мушоҳада қилиш каби сифатий мезон билан ифодаланади. Тўпланган билим қайта ишлангандан (илмий монография, дарсликлар ёзиш, аспирантлар тайёрлаш ва бошқа шаклларда) сўнг, яъни сабаб - оқибат алоқадорлиги, объектив қонуниятларни англаб олинганидан кейингина у фанга, илму-амалга айланади. Шу нуқтаи назардан илм билимнинг натижасидир; билим ўзининг кенглиги билан, илм эса чукурлиги билан тавсифланади. Билим тоғ бўлса, илм унинг чўққисидир, билим агар океан бўлса, илм унинг энг чукур нуқтасидир. Илм муайян тартибга ва тизимга солинган билим демақдир. Муайян йўналишдаги илмий - тадқиқот ишлари, назарий - услубий ва методик асослар мажмуаси алоҳида фанларнинг шаклланишига олиб келади. Бу ўринда фан илмнинг ҳосиласидир.

Бироқ билимни киши фақат китобдан эмас, балки ҳаётдан олиши ҳам зарур, зеро ҳаёт мактаби, қундалик жонли мушоҳада баъзан барча манбалардан ҳам муҳимроқ ва бойроқ. Қолаверса, китоб ҳам қачондир объектив борлиқ, ҳаётдан олинган. Аммо, билимдон кишиларнинг ҳаммалари ҳам илм чўққиларига эришавермайди, олим бўлиш даражасига етишмайди. Бу янада машаққатлироқ ва мураккаброқ фаолиятдир. Ана шундай мушкул, айни чоғда жамият тараққиёти учун маъсулиятли ва шарафли ишларга ҳам ўқувчиларимизни, иқтидорли талабаларни жалаб қилиш ва тайёрлаш замон тақазосидир.

3.2. Иқтисодий ва ижтимоий география фани ва тадқиқотларининг ривожланишидаги муаммолар. Ҳар қандай ривожланиш остида муаммолар ечими туради. Бу диалектика, яъни қарама – қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг бир кўринишидир. Муаммолар кўп ва хилма - хил; бундай шароитда муаммоларнинг даражаси, долзарблиги, устуворлиги тўғрисида гап бориши керак.

Муаммо - энг аввало имконият ва воқелик, талаб (эҳтиёж) билан таклиф орасидаги номувофиқликлардан келиб чиқади. Шунингдек, у ўрганилаётган ёки кўрилаётган соҳадаги тушунмовчиликлар, ноаниқликлар билан ҳам боғлиқ. Чунончи, географиянинг, шу жумладан иқтисодий ва социал географиянинг асосий муаммоси - бу, энг аввало, унинг номи, аталиши ва таърифидир.

Маълумки, ҳозирги қунда анъанавий иқтисодий география билан бир қаторда иқтисодий ва социал география, иқтисодий ва ижтимоий география, социал - иқтисодий география, ижтимоий - иқтисодий география, ижтимоий география каби атамалар ишлатилмоқда. Демак, бу ерда ҳам аниқлик мавжуд эмас. Бинобарин, айтиш мумкинки, юзага келган ҳолат ҳам ўзига хос ўтиш даврини ифодаламоқда.

Яна бир тушунмовчилик: иқтисодий география билан унинг таркибий қисмлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, аҳоли географияси ва ҳ.к.) ўртасида луғавий ғализлик ёки тушунмовчилик сезилиб турибди. Сабаби таркибий фанлар аталиши оддий, яъни ниманинг географияси (саноатнинг, транспортнинг ва б.) эканлигини билдиради, иқтисодий география эса мутлақо бошқача бўлиб, у географиянинг сифатини англатади.

Бу ерда, агар тизим - таркиб қоидасига риоя қилсак, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт географиясининг оддий арифметик йиғиндиси иқтисод географияси бўлиши керак эди. Аслда эса, у иқтисод эмас, балки иқтисодий география бўлди, яъни миқдор ўзгаришлар сифат кўрсаткичларга ўтди, етук, мураккаб ва мукаммал тизим шаклини олди.

Худди шундай, ушбу фаннинг предмети, яъни унинг нимани ўрганиши ҳам ҳар хил тавсифланади, таърифланади. Бу борада олимларнинг фикрлари турлича.

Умуман олганда, география фанининг муаммолари жуда кўп ва серқирра. Аммо, географлар ўз муаммолари билан баъзан бошқалардан кейин, яъни кечроқ шуғулланадилар. Масалан, географик детерминизм, геосиёсат, миңтақавий иқтисодиёт каби масалаларни даставвал географлар эмас, балки бошқа фан вакиллари (социологлар, файласуфлар, иқтисодчилар) кўтаргандар.

Шу билан бирга географлар айни пайтда ўзлари учун энг муҳим бўлган ютуқларни, фундаментал тушунча ва қонуниятларни ўзгаларга осонликча бериб қўйишлари ҳам мумкин. Биз бу ерда ландшафт, районлаштириш, ҳудудий ижтимоий - иқтисодий ёки табиий мажмуалар, географик муҳитга ўхшашларни назарда тутмоқдамиз.

Яна бир муҳим муаммо: баъзи бир фанларда бўлгани сингари география, жумладан иқтисодий географияда ҳам дифференциация жараёни кечмоқда. Бу фанда ижтимоийлашув (социаллашув), сиёсалашув, тарихийлик ва экологияга катта эътибор берилмоқда. Бу ҳам объектив ҳолатdir. Лекин иқтисодий географиянинг ҳаддан ташқари "ўнгга" кетиши, четлашуви, унинг яқин "қондоши" табиий географиядан шунча узоқлаштирадики, бу ҳам хавфлидир. Бинобарин, иқтисодий географ бир қўли билан қўшни, қирравий йўналишларга интилса, иккинчиси билан албатта табиий географияни маҳкам ушлаб туриши керак.

Яна шуни эътиборга олиш лозимки, мустақил мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши айни пайтда анъанавий иқтисодий ва социал география фанининг жаҳон андозаларига мос равишда ижтимоий география мақомини олишига тўғри келмоқда. Албатта, бу ерда ҳам ижтимоий география жамият географияси бўлмай, у мазмун ва мақсадига кўра мураккаброқ ва мукаммалроқ тушунчадир. Ижтимоий география аввалимбор жамиятни ёки кишилар ҳаёт фаолиятини ҳудудий ташкил этиш муаммолари билан шуғулланади. Ташкил этиш эса ҳамма вақт етук ва мукаммал тизимлар ғоясига мувофиқ бошқаришни назарда тутади ва бу масала ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ўзгача амалга оширилади. Сабаби мулкчиликнинг турли шаклларини мавжудлиги, унинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, ўз навбатида, бу соҳадаги давлатнинг анъанавий

функциясини ўзгартиради. Эндиги шароитда давлат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва худудий ташкил этиш муаммоларини бевосита эмас билвосита, яни солик, нарх -наво, молия - кредит ва минтақавий сиёсати доирасида амалга ошириб ёки тартибга солиб боради.

Иқтисодий географиянинг ана шунга ўхшаш назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилиш ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу бош мақсадга эришиш учун тадқиқотчи маълум илмий ўрганиш восита ёки усулларни яхши билиши ва улардан амалда фойдалана олиш керак.

Ўқув ва илмий - тадқиқот методлари турлича. Бироқ, уларнинг самарадорлиги, муваффақияти энг аввало алоҳида усулларни ўз ўрнида ва бир - бири билан алоқадорликда қўллашдир. Иқтисодий географияда айниқса, статистика ва картография методларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Албатта, ҳар қандай фаннинг предмети, таърифи унинг асосий тамойилларини ўзида акс эттириши шарт. Чунки ўзининг методологияси ва методи, мактаби ва йўналиши, тадқиқот предмети ва принциплариiga эга бўлмаган фан мустақил фан ҳисоблана олмайди. Хўш, география ва шу жумладан, ижтимоий географиянинг бош тамойиллари нималардан иборат? Фикримизча, бу ерда турли даражадаги асослар мавжуд, уларнинг айримлари фақат шу фанга тегишли бўлса, қолганлари умумилмий, фалсафий аҳамиятга эга.

Шубҳасиз, география фанининг энг биринчи тамойили унинг худудийлигидир. Зоро, географияни худудий муносабатларсиз, макон тушунчасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо, шу билан бирга, худудга ўзига хос борлиқ сифатида турлича ёндашилади. Масалан, муҳандислик ҳамда район планировкасида кўпроқ худудни ташкил этишга эътибор берилади. Бунда ер майдонининг ўзи маълум мақсадлар учун тайёрланади. Жумладан, уни барча инфраструктура шахобчалари билан жиҳозланган ҳолда саноатчилар учун ижарага бериш ёки сотиш мумкин.

Ижтимоий географияда анъанавий тарзда "худудий ташкил этиш" ибораси кўлланилиб, у одатда мазмун ва шакллари бўйча ишлаб чиқариш кучларини

жойлаштиришга яқинроқ туради. Шу билан бирга оддий жойлаштиришдан фарқ қилиб, ишлаб чиқаришни, аҳоли ёки хўжалик тармоқларини ҳудудий ташкил этиш айни пайтда уни муайян мақсадга йўналтирилиши ва энг муҳими - бошқарилишини ҳам ўз ичига оладики, бу ушбу тушунчанинг илмийроқ ва амалийроқлигидан дарак беради. Бу ерда тизим қоидасига мувоғик маълум бир воқеликни ташкил этиш аваламбор уни бошқариш ниятида амалга оширилади.

Маълумки, географлар нигоҳида ҳудуд қиёфаси ўзининг барча мавжудоти билан гавдаланади ва бир қарашда у тўла қамраб олинади. Бироқ, кўриб турилган ҳудудда ундаги бор элементлар (йўл, дараҳт, ўй, кишилар, транспорт ва ҳоказо) якка - якка ёки аксарият ҳолда муайян ҳудудий бирликда бўлади. Шу жиҳатдан қараганда ижтимоий географиянинг тадқиқот обьектига кирувчи барча предметлар турли ҳудудий мажмуа шаклини ташкил этади. Чунончи, қишлоқ хўжалиги тармоқлари - экинзорлар ва чорвачилик яйловлари, рекреация манзилгоҳлари, ўрмонзорлар ва бошқалар ареал (майдон) кўринишига эга. Саноат марказлари ва аҳоли пунктлар нуқта ёки тугун, транспорт йўллари, гидрографик шахобчалар эса тасмасимон (чизиқсимон) шаклида кўзга ташланади ва ҳудди шу тарзда харитада тасвирланади. Бу ўринда бир сўз билан айтиш мумкинки, ижтимоий география ана шу майдон, чизиқ ва нуқталарнинг жойлашуви, уларнинг ўзаро ва ташқи муҳит билан ҳудудий муносабатларини ўрганади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳудудий шакли сифатида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари (комплекслари, саноат тугунлари ва районларни), аҳолининг бундаи ташкил этиш шаклларига эса турли тип ёки йириклиқдаги қишлоқ ва катта - кичик шаҳарлар, шаҳар агломерациялари, конурбация ва мегалополисларни кўрсатиш ўринли. Транспортда транспорт тугунлари, аҳолига хизмат кўрсатиш географиясида - майший комбинатлар ёки фан географиясидаги ҳудудий илмий тадқиқот мажмуалари ҳам ушбу соҳаларнинг ҳудудий ташкил этиш шаклларига киради.

Ҳудуд миқёсида ҳар хил катталик ва йўналишдаги муҳит вужудга келади. Жумладан, анча кенг бўлган иқтисодий ва мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд

бўлган рақобат муҳити, социал-иқтисодий ва нисбатан торроқ доирадаги социал муҳитни ажратиш мумкин. Муҳитларнинг ушбу кўринишлари биланшунга мос равища ижтимоий географиянинг асосий қисмлари: иқтисодий, социал-иқтисодий ҳамда социал география шуғулланади.

География фанининг иккинчи бир муқим тамойили комплексдир. Бироқ, бу ерда комплекс ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ёки худудий ташкил этиш шаклини эмас, балки масалага, фан обьекти ва предметига ёндашув маъносини англатади. Айни найтда комплекслик география фани учун алоҳида усул (метод) ҳам эмас, аксинча, у фанинг принципларидан бири бўлиб, унинг ўзига хос ва туб моҳиятини ифодалайди.

Шу билан бррга, баъзан комплекс географик (ёки иқтисодий географик) тадқиқот ибораси ишлатиладики, назаримизда, бу ҳам ортиқча ёки хатоликдир. Чунки, географик тадқиқот ҳамма вақт комилекс бўлади, бусиз у ўз моҳиятидан ажралиб қолади. Экологик ёндашув асосида ҳам комплекслик ётади ва бу уни географик дунёқарашга жуда яқинлаштиради. Айрим ҳолларда мажмуали географик тадқиқот ҳам дейишади. Бу ҳам унча тўғри бўлмаса керак.

Комплекслик ўрганилаётган обьектга атрофлича ёндашув, уни алоқадорликда кўришни тақозо этади. Шу маънода у тизимли (системали) қарашга ҳам яқинлашади. Аммо бу тамойилдан тўғри ва оқилона фойдалана олиш лозим. Акс ҳолда тадқиқот натижаси ҳар соҳадан бир шингил, саёз, юзаки ва қуруқ бўлиб, баъзан ўзи нимани ўрганилиши кераклиги ҳам сезилмай қолинади. Бинобарин, ушбу тамойил моҳиятини мисли дарахт шаклида тасаввур қилмоқ зарур: дарахт танаси ўрганилаётган асосий ҳодиса бўлса, унинг шох ва шохчалари шу муаммо билан бевосита алоқадор масалалар мажмуасидир. Бунда дарахт танаси ўта йўғонлашиб, шох -шаббасиз ва, аксинча, шохлар катталашиб, унинг танаси кўринмай қолмаслиги керак. Биринчи ҳолда комплексликнинг ўзи бўлмайди, иккинчисида эса ҳаддан ташқари масаладан четга чиқиб кетиш аёндир. Масалан, боғдорчилик географиясида темир йўл транспорти ёки аҳолининг туғилишини чуқур ўрганиш асло талаб қилинмайди.

Худди шундай ҳудудийлик тамойилининг ҳам нозик жиҳатлари мавжуд. Бу ерда биз тадқиқот обьекти - ҳудудни жуда катталашиб кетмаслигини назарда тутмоқдамиз. Чунки, бундай ҳолда ҳам тадқиқот натижаси юзаки, умуртқасиз бўлиб қиласи.

Биз шу пайтгача катта ҳудудни кичрайтириб ўргандик. Энди эса бунинг акси, кичик жойни катталаштириб, йирик масштабли тадқиқотларни ўтказиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Дарвоҳе, ривожланган хорижий мамлакатлар (АҚШ, Япония, Германия ва бошқалар) тажрибаси айнан шундан далолат беради.

Бу мамлакатларда, биздан фарқли ўлароқ, асосан микроқитисодий, микрogeографик ёндашув устувор турди. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак тадқиқотлар аниқ, пухта ва амалий жиҳатдан юқори бўлади. Тўғри, тадқиқот обьекти сифатида каттароқ ҳудудни ҳам олиш мумкин. Лекин бундай ҳолда ҳудуднинг барча қисмини эмас, аксинча, муҳим муаммоларини унинг айrim ва турли нуқталари мисолида чуқурроқ таҳлил қилиш ва шу негизда ўрганилаётган обьект ва унга ўхшаш жойларга хос бўлган умумий қонуниятларни асослаб бериш талабга мувофиқдир. Шундай қилиб, ҳудудийлик ва комплекслик география фани учун ўта зарур. Бироқ улар ўз меъёрида бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ушбу ёндашувлар ҳамма вақт аниқлик билан бирга олиб борилиши тўғрироқ бўлади.

Профессор Э.Б.Алаев аниқликни (конкретликни) географиянинг алоҳида тамойили сифатида кўрсатади. Биз эса уни юқоридаги икки асосий тамойилнинг умумий маҳражи, мезони ёки "икки плюс бир" шаклида кўришни истар эдик. Сабаби, муаммо қанча кенг ва чуқур, маълум бир мақсад доирасида атрофлича, ҳар тарафлама ва айни пайтда аниқ таҳлил этилса, унинг хулосалари ҳамма вақт юқори бўлади.

Комплекслилик система ғоясига ўхшаш. Аммо ўхшашлик айнан бир хиллик эмас. Комплексликда асосий урғу муаммони атрофлича ўрганиш тилаб этилса, системали ёндашувда у ички ва ташқи жиҳатдан, ўзаро алоқадорликда поғонасимон шаклда таҳлил этилади. Комплексликда обьект "энига", системада

"бўйига" кўриладики, биринчисида асосий мезон кенглик бўлса, иккинчисида чукурлиқдир.

Албатта, география фани учун системадан кўра комплекс яқинроқ ва анъанавийроқдир. Чунки, географиянинг ўзи комплекс ва комплекслар ҳақидаги фандир. Бинобарин, комплексга комплекс ёндошув шарт ва зарур. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, комплексликнинг чегараси бўлиши талаб этилади. Гап шундаки, география ҳудудлар, чегаралар тўғрисидаги фан бўлсада, баъзан унинг ўзини ҳад-худуди, чегараси йўқ; айрим ҳолларда улар размерсиз фанга айланиб қоладики, бу албатта ижобий эмас. Шу боис, географиянинг аосий касбий касалликларидан бири бўлмиш аниқсизликка қарши курашиш керак. Бинобарин, системада амалийлик янада юқорироқ, зеро, ҳар қандай система бошқарув билан боғлик, бошқарув эса кўрилаётган объектнинг ташкил қилинишини, тик (вертикал) ва горизонтал, ички ва ташқи алоқаларни назарда тутади.

Комплексликда энг муҳими масалани (муаммони) тўғри ва аниқ чегаралаш, ва тадқиқот доирасини белгилаш бўлса, система - бирламчи элементни аниқлашдир. Чунки, комплекс ғоясида таркиб унча аҳамиятли эмас, система эса ҳамма вақт ўзининг ички тузилишига, таркибига, турли босқичдаги "системаларга" бўлинади ва фақат бирламчи элемент бундай хусусиятга эга бўлмайди.

Шундай қилиб, иқтисодий ва социал географияда, ҳудудийлик, комплекс ва тизим (система) принцип ёки умумметодологик асосларга тўғри риоя қилиш ҳам муҳим назарий — амалий муаммолар сирасига киради.

Географиянинг асосий тамойиллари – ҳудудийлик, мажмуалик ушбу соҳада амалга ошириладиган тадқиқотларнинг методологик асоси ҳисобланади. Уларнинг ичida тарихийлик тамойили ўзига хос аҳамияти билан ажralиб туради. Бу тамойил макон ва замон бирлигидан келиб чиқади. Зеро, ҳар қандай ҳодиса маълум бир вақтда ва муайян бир жойда содир бўлади. Шунинг учун географияга тарихий маълумотлар нафакат керак балки зарурдир. Сабаби - ҳозирги мавжуд воқелик ўз -

ўзича, бирданига вужудга келмаган. Бинобарин, бу воқелик қачон ва қандай шароитда пайдо бўлган ва у қандай ривожланиш босқичларини босиб ўтган - буларнинг ҳаммасини ҳозирги борлиқдан келиб чиқсан ҳолда аниқлаб олмасдан туриб асосий масалани ҳал этиб бўлмайди. Фақат ўтмишни таҳлил этиш орқали ҳозиргини баҳолаб бўлади, бу эса ўз навбатида келажакни, истиқболни илмий башорат этишга йўл очади.

Тарихийлик тамойилининг муҳимлигини таниқли рус олим Н.Н.Баранский ҳам таъкидлаб ўтган. Бу олим: “Мамлакат ва районлар иқтисодий таърифини шундай берингки, у оёғи билан ерга - геология, геоморфология ва тупроқшуносликка, танаси билан тарих орқали ўтиши, боши билан эса сиёsat ва мафкурага таяниши, тақалиши керак” деб уқтирган эди. Кўриниб турибдикি, тарихийлик иқтисодий географик таъриф ва тавсифнинг асосий қисмини ташкил этади.

Айтиш лозимки, географияга қанчалик тарих керак бўлса, тарих учун ҳам география шунчалик зарур. Бироқ география тарихга, тарих эса географияга айланмаслиги лозим. Шу боис географияда тарихий ёндашув ўтмишнинг барча хусусиятларини эмас, балки ҳозирги ҳолатнинг юзага келишида айнан қайси тарихий воқеа, жараён ва босқичлар сабаб бўлганинианиқлашнинг ўзи етарлидир.

Географияда тарихийлик тамойили тарихий географиянинг ўрнини олмаслиги лозим. Бу ерда тарихий ёндашув ўрганилаётган ҳодисанинг ўтмишига қисқача сафар қилинишини англатади, тарихий география эса ўтмишнинг алоҳида поғоналарида табиат ва, хусусан, хўжалик тармоқлари, ахоли ва бошқалар қай даражада ривожланган ва қандай жойлашган каби масалаларни таҳлил этади ёки кўз ўнгимизда гавдалантиради. Шу билан бирга, тарихийлик географиянинг тарихи ҳам эмас. Чунки географиянинг тарихи деганда сўз кўпроқ географик кашфиётлар, географик ғояларнинг вужудга келиши ҳамда олиб борилган географик тадқиқотлар тўғрисида сўз боради. Шундай қилиб, тарихийлик тамойили, тарихий география ва география тарихидан фарқ қиласди. У бу ерда қўйилган мақсадга қандай тўлароқ эришиш асосларидан бирини ифодалайди, ўтмишга бугунги кун

нүктаи назаридан эмас, балки унга ўша давр ва муҳитдан келиб чиқиб баҳо бериш, мавжуд воқеликка тарихий қаравни талаб этади. Аслини олганда, тарихсиз география (географиясиз тарих) бўлмайди. Демак, улар бир - бирларини тўлдиради. Аммо уларни алоҳида - алоҳида қарав ҳам нотўғридир. Чунончи, немис олими А.Геттнер географияда тарихийликни инкор этган, у хронологияни рад этиб, хорологияни тан олган. Бу жиҳатдан у немис олими, файласуф И.Кант ғояларига асосланган. Албатта, бундай бир томонламалик ножоиздир. Ҳатто анъана бўлиб қолган “ишлаб чиқариш кучларнинг ривожланиши ва жойланиши” ибораси ҳам бу иккиликнинг чамбарчас боғлиқлигини билдиради. Бу ерда агар ривожланиш тарих бўлса, жойланиш география демакдир. Ҳар қандай ривожланиш маълум бир худуд доирасида амалга ошади, жойлашув эса ривожланишнинг худуддаги аксидан бошқа нарса эмас.

Шу мазмунда қараганда, "иқтисодий" география иқтисод географияси (масалан, саноат ёки қишлоқ хўжалиги географияси) ёхуд геоиқтисодиёт ҳам эмас. Иқтисод географияси бу энг аввало корхона ёки тармоқларнинг худудий тарқалишидаги иқтисод бўлса, иқтисодий география унга кўра анча мураккаброк тушунча ҳисобланади.

Иқтисод географияси учун ниманинг қаерда жойлашиши муҳим бўлса, иқтисодий географияда ниманинг қаерда ва қандай худудий ташкил этилганлиги, яъни сифат кўрсаткичлари устувор аҳамиятга эгадир. Бу ўринда айтиш лозимки, ушбу фан яқин вақтга қадар асосан биринчи мазмунда талқин қилинди ва ўрганилди, иккинчи йуналишнинг ривожланиши эса ҳозирги қундаги долзарб масаладир.

Иқтисодий география икки карра иккенинг тўрт эмас, беш бўлишини кўзлайди ва бундай иқтисодга ишлаб чиқариш корхоналарини тўғри худудий ташкил этиш натижасида эришилади. Шунинг учун у, энг аввало, худудий мажмуа ёки тизимлар доирасида юзага келиши мумкин. Чунки, бундай шароитда турли хўжалик корхоналарининг ўзаро уйғунлашуви, худудий мувофиқлиги вужудга келади ва бу "қўшимча" иқтисоднинг шаклланишига олиб келади.

"Штандорт" ёки ишлаб чиқаришни жойлаштириш ғоясининг яратувчиси немис олими А.Вебер ҳам авваламбор ана шундай иқтисодийликни назарда тўтган эди. "Агламерацион омил" ва самарадорлик, транспорт ҳаражатларини мумкин кадар камайтириш, ягона инфраструктура тизими асосида иқтисодий тежамкорлик ва фойдани орттириш ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш туфайли амалга оширилади. Бунинг учун турли кўламдаги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари шакллантирилади ва ривожлантирилади. Бундай мажмуалар эса энг аввало хақиқий иқтисодий географиянинг тадқиқот обьектига киради.

Геоиқтисод, яъни географик иқтисод масаласига келсак, у ҳозирги айтилган маънога бироз яқинрок туради. Бундан ташқари, уни регионал ёки ҳудуд, аникроги минтақа иқтисодиёти мазмунида ҳам эътироф қилиш мумкин. У ҳолда бу маълум бир регион ёки минтақадаги хўжалик мажмуасининг иқтисодиёти шаклида қабул қилинади. Умуман олганда эса геоиқтисод ҳудди сиёсий иқтисод ёки тармоқ иқтисодиёти-“иқтисодий иқтисод” тушунчаларига ўхшаш иборадир. Яна шуни эътиборга олиш лозимки, мустақил мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши айни пайтда анъанавий иқтисодий ва социал география фанининг жаҳон андозаларига мос равишда ижтимоий география мақомини олишига тўғри келмокда. Албатта, бу ерда ҳам ижтимоий география жамият географияси бўлмай, у мазмун ва мақсадига кўра мураккаброқ ва мукаммалроқ тушунчадир. Ижтимоий география авваламбор жамиятни ёки кишилар хаёт фаолиятини ҳудудий ташкил этиш муаммолари билан шуғулланади. Ташкил этиш эса ҳамма вақт етук ва мукаммал тизимлар ғоясига мувофиқ бошқаришни назарда тўтади ва бу масала ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ўзгача амалга оширилади. Сабаби — мулкчиликнинг турли шаклларини мавжудлиги, унинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, ўз навбатида, бу соҳадаги давлатнинг анъанавий функциясини ўзгартиради. Эндиғи шароитда давлат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этиш муаммоларини бевосита эмас билвосита, яъни солиқ, нарх —наво, молия — кредит ва минтақавий сиёсати доирасида амалга ошириб ёки тартибга солиб боради. Иқтисодий географиянинг ана шунга ўхшаш назарий ва амалий муаммоларини

тадқиқ қилиш ҳозирги кундаги мұхим масалалардан ҳисобланади. Бу бош мақсадға әришиш учун тадқиқотчи маълум илмий ўрганиш восита ёки усулларни яхши билиши ва улардан амалда фойдалана олиш керак. Ўкув ва илмий — тадқиқот методлари турлича. Бирок, уларнинг самарадорлиги, муваффақияти энг аввало алоҳида усулларни ўз ўрнида ва бир —бири билан алоқадорликда қўллашдир. Иқтисодий географияда айниқса, статистика ва картография методларидан фойдаланиш катта

Ҳозирги даврда иқтисодий ижтимоий география шаклланиш жараёнларини бошдан кечирмокда. Шу сабабдан айнан шу даврга хос бўлган энг долзарб муаммолар жумласига қўйидагилар киритилади:

- ижтимоий географик районлаштириш (принциплари, мезонлари, кўрсатгичлар тизими, тадқиқот усуллари, иқтисодий ва бошқа турдаги районлаштириш турлари билан нисбати);
- аҳоли турмуш тарзи ва даражаларидаги, ижтимоий тузулмалар ва уларнинг тадрижидаги ижтимоий соҳаларни ҳудудий ташкил этишдаги районлараро тафовутлар;
- умумлаштирувчи ва маҳсус ижтимоий-географик типологиялар (геодемографик вазият, шаҳарлар ва аҳоли жойлашуви тизимлари, қишлоқ жойлари ва бошқалар);
- тиббий-географик ва уларнинг долзарблигини етарлича баҳоланмаслик ва х.к. регионал, миллий ва глобал даражалардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий, демографик, геосиёсий, экологик муаммоларни замон талаблари даражасида тадқиқ этиш

Мазкур муаммоларнинг ҳар бири ижтимоий географияни тўла шаклланиши ва ривожланишида мұхим аҳамиятга эга.

3.3. Илмий мактаблар ва марказлар ривожланишининг устивор йўналишлар Илм - фан траққиёти тарихидан маълумки, ҳар қандай фаннинг нуфузи ва тараққиёт даражаси энг аввало унинг янги - янги йўналишлари, илмий мактаб ва марказларида фундаментал тадқиқотлар олиб борилиши ва уларнинг илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиши ҳамда шу соҳадаги етакчи олим ва мутахассисларнинг фаолият юритишида намоён бўлади. Шу ўринда мазкур фан бўйича маҳсус кафедра, лаборатория ва илмий тадқиқот институтларининг ташкил этилганлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Маълумки ҳар қандай фаннинг ривожланиш жараёнида ҳар хил илмий йўналишлар шаклланган ва ушбу йўналишлар негизида турли илмий мактаблар вужудга келган. Илмий мактаб тушунчасига адабиётларда турлича таърифлар берилганлигини кўриш мумкин.

„Илмий мактаб“ тушунчаси жуда кенг мазмун ва маънога эга. Уни умумилмий дунёқарашга эга бўлган, фанда бирор янги илмий назария, ғоя ва фаразларга таянган холда аниқ илмий мақсадлар йўлида изланиш ҳамда тадқиқотлар олиб борувчи олим ҳамда мутахассисларнинг ўзаро расмий ва норасмий равишда бирлаштириб, илмий фаолият юритувчи ижтимоий-ижодий уюшмаси дейиш мумкин. Бу уюшманинг фаолияти замон ва макон билан чекланмайди. У ўз асосчиси (етакчиси) олға суреб, самарали натижаларга эришган янги илмий услуг ва усулларга асосланган холда устоз-шогирд, шогирдлар шогирди шажара (генеология)си ривожи кўринишида фаолият юритади. Бошқача айтганда, ўз илмий мактабига асос солган олимларнинг ўзлари, шогирдлари, шогирдларининг шогирдлари маълум илмий йўналишлар асосида фаолият кўрсатиб, мазкур илмий мактабни мамлакат ва дунё миқёсида кенг ривожлантиришга ўз хиссаларини кўшиб борадилар. Булар айрим бир маконда, ҳатто бир неча минтақада ўзаро тадрижий боғлиқликда илмий тадқиқотлар олиб бориб, дунё илм-фани ва техникаси таракқиётига беҳад катта ҳисса қўшадилар. Хуллас, илмий мактабнинг ҳудудий чегараси унинг ўзидан бошланиб, бир ва бир неча мамлакатлар, ҳатто дунё бўйлаб ёйилиши табиий бир ҳолдир.

Илмий мактабларнинг шаклланиши, хусусияти, моҳияти ва мазмуни билан бевосита шуғулланган олим, профессор Р.У.Рахимбеков ҳам бу борада билдирилган бир қанча фикрларни умумлаштириб, қуйидагича таъриф беради: “Илмий мактаб – умумэътироф этилган, фаннинг бирор йўналишига асос солган, уни ривожлантирган, бой илмий гояларга эга бўлган, иқтидорли, таникли олим раҳбарлигига муайян йўналиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган, турли даврларда шу йўналиш доирасида изланишлар олиб борган ва уни давом эттираётган гоявий ҳамфикр авлодларнинг ижодий уюшмасидир”. Илмий мактаблар ўзларининг маънавий анъаналари, муаммолар мажмуи, асосий концепциялари, ўзига хос тадқиқот метод ва ёндашувлари, кўлами (маҳаллий, миллий, худудий, халқаро), йўналишлари хусусияти (комплекс, фанлараро, соҳавий), ҳажми (шогирдлари ва издошлари сони ҳамда уларнинг илмий маҳсулоти ҳажми), сифати (мактаб намоёндаларининг муваффақиятлари даражаси) ва ҳ.к. бўйича ажralиб туради.

Таниқли олим, профессор F.I.Мухамедов илмий мактабларнинг салоҳиятини кўрсатувчи омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

- илмий мактаб, ўзида яратилган янгиликлар, уларнинг илм-фан ва техника, жамият тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятига кўра, илмий жамоатчилик орасида ва ҳатто миллат ҳамда халқаро миқёсда тан олиниб, эътибор қозониши ;
- илмий мактаб (аникрони, унинг асосчиси ва фаоллари) фанда бирор ўта муҳим йўналишга асос солиб, уни ривожлантириши ;
- илмий мактаб ўз соҳасидаги фан-техника тараққиёти ривожини тезлаштиришга қодир бўлган услубий (методологик) илмий-назарий асослар, FОЯ ва назариялар ҳамда илмий тадқиқий усул (метод)ларни ишлаб чиқиб, уларни илмий ҳаёт ва амалиётга татбиқ эта олган бўлиши ;
- илмий мактаб фанда яратган янгилик ва кашфиётлари ҳамда тенгсиз ютуқларининг мазмунини тўла англатувчи ўз номига эга бўлиши ва асосчисининг номи қўшиб айтиладиган, масалан, „Академик Жўра Мусаевнинг ғўза генетикаси илмий мактаби” ёки „Академик Саъди Сирожиддиновнинг

эҳтимоллик назарияси ва математик статистика илмий мактаби" каби номлар билан аталиб, жамоатчиликка кенг танилиши ;

- илмий мактаб жамоаларининг илмий маҳсули қўплаб монографиялар, дарслик ва қўлланмалар ҳамда мақолаларнинг Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда чоп этилиб, амалиётга татбиқ этилиши ;
- илмий мактаб фаоллари республика ва дунё миқёсида ўз йўналишлари бўйича долзарб мавзуларда маҳаллий ва халқаро илмий-назарий ва амалий анжуманларни ташкил этиб туриши, бошқалар ташабbusi билан бўладиган шундай анжуманларда фаол қатнашиб, қўлга киритган ютуқларидан жамоатчиликни хабардор қилиб туриши ;

илмий мактаб устоз-шогирд, шогирдлар шогирдлари каби бир ва бир неча авлодлар силсиласидан иборат маълум бир даврийлик ёки узлуксиз давомийлик анъанасига эга бўлиши ва х..к. []

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши бевосита Ўзбекистон Миллий университети география факультетида фаолият олиб борган олимлар ҳамда география фанлари номзоди, профессор В.М.Четиркин ташабbusi асосида "Иқтисодий география" номи билан ташкил этилган, Ўрта Осиёда ягона бўлган кафедра фаолияти билан боғлиқ бўлди. Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий география фанида шаклланган илмий мактаблар ҳам айни шу илм даргоҳида вужудга келганлигини таъкидлаш лозим.

Хозирги кунда иқтисодий ва ижтимоий география фанида республикамиизда шаклланган ва Марказий Осиё давлатлари ҳамда МДҲ давлатлари даражасида эътироф этилган қўйидаги илмий мактабларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Г.Н.Черданцев, В.М.Четиркин, З.А.Акрамов ва уларнинг издошлари томонидан асос солинган қишлоқ хўжалиги (агрогеография) илмий мактаби;

2. М.Қорахонов, О.Б.Ота-Мирзаев, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов, М.Бўриеваларнинг бевосита фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаклланган аҳолишунослик, аҳоли географияси ва геодемография илмий мактаби;

3. Т.И.Раймов, О.Б.Ота-Мирзаев ва А.С.Солиевлар томонидан асос солинган урбанизация жараёнларини ўрганиш (геоурбанистика) ҳамда социал географик тадқиқотлар илмий мактаби;

4. А.Н.Рўзиев ва унинг шогирдлари томонидан асос солинган қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуинини ўрганиш илмий мактаби;

Мазкур илмий мактаблардан етишиб чиқкан олимлар республикамизнинг турли минтақаларида иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ушбу минтақаларда фаннинг турли йўналишларида тадқиқот олиб бораётган олимлар жамоасини қамраб олган илмий марказлар шаклланмоқда. Бундай марказларнинг Тошкент Давлат педагогика университети, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Қорақалпок, Термиз, Андижон, Қарши, Урганч университетларида шаклланганлигини эътироф этиш лозим.

Мамлакатимизда шаклланган илмий мактабларнинг дастлабки учтаси бевосита Ўзбекистон Миллий университети “Иқтисодий ва ижтимоий география” кафедраси билан боғлиқ. Дастлаб бу кафедра 1940 йилда ташкил этилган бўлиб ушбу кафедранинг биринчи мудири география фанлари номзоди, доцент В.Г.Кузнецов бўлган. Сўнгра уни география фанлари номзоди, профессор М.Г.Кадек (1941 - 1945), география фанлар номзоди, профессор В.М.Четиркин (1944-1948), география фанлари номзоди, доцент Р.С.Лобач (1948-1954), география фанлари номзоди, доцент Н.Г.Цапенко (1954-1959) бошқариб келган. 1960-1969 йиллар мобайнида кафедра мудирлиги вазифасини география фанлари номзоди, доцент Н.Г.Смирнов бажарган.

Маҳаллий ўзбек олимларидан биринчи бўлиб бу кефедрага география фанлари доктори, профессор З.А.Акрамов раҳбарлик қилди. У кафедра мудири лавозимида 1969-1984 йиллар давомида ишлади, 1984 йилдан 2010 йилгacha

кафедрани таниқли олим, география фанлари доктори, профессор А.С.Солиев бошқарди.

Кафедранинг илмий – педагогик салоҳияти юксалиши ва ўқув – услубий ишлар ривожланишида олимлар Г.Н.Черданцев, В.М.Четиркин, А.Н.Ракитников, З.А.Акрамов, Т.И.Раймов, О.Б.Ота-Мирзаев, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов, Р.А.Ҳодиев, Т.Э.Эгамбердиев, Т.Т.Тожимов, С.С.Сайдкаримов, С.Б.Боқиев, А.М.Содиқов, М.И.Назаров, Н.Қ.Комилова, З.Т.Тожиеваларнинг хизматлари салмоқли бўлган.

Кафедра тарихига эътибор берсак, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг энг муҳим ва долзарб йўналишлари: иқтисодий географик районлаштириш, қишлоқ хўжалиги географияси, саноат географияси, аҳоли географияси, шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация муаммолари, ижтимоий (социал) географиянинг турли соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилгани яққол кўзга ташланади.

Сўнги йилларда, жаҳон тараққиётига мос андозалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам анъанавий илмий йўналишлар пайдо бўлди. Масалан, аҳолига тиббий, таълим ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатиш, сиёсий география ва геосиёsat, социал география, туризм ва рекреация, тибиёт ва касалликлар географияси (нозогеография), жиноятчилик географияси кабилар ривожланиб бормоқда. Уларнинг барчасида ЎзМУ “Иқтисодий ва ижтимоий география” кафедраси асосида мустақиллик йилларида шаклланган Ўзбекистон миллий иқтисодий ва ижтимоий география илмий мактаблари ва уларга уюшган олимларнинг ҳиссаси бевосита катта бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур илмий мактабларнинг шаклланиши ва самарали ривожланишида З.А.Акрамов, О.Б.Ота-Мирзаев, А.С.Солиев, А.Н.Рўзиев каби забардаст олимлар етакчи бўлдилар.

Бу илмий мактаблар тез орада нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни республикалар ва бошқа хориж мамлакатларида ҳам эътибор топди. Мазкур илмий

мактаблар, аникроғи унда етишиб, самарали фаолият кўрсатаётган олимларнинг ҳалқаро илмий-ижодий алоқаларига Москва давлат университетининг профессорлари Ю.Г.Саушкин, С.А.Ковалёв, Пермь давлат университети профессори М.Д.Шарыгин, Санкт – Петербург давлат университети профессори А.И.Чистабоев, Қозогистон миллий университети профессорлари С.Р.Эрдавлетов ва Ш.М.Надировлар юқори баҳо бердилар.

Иқтисодий географиянинг тарихи энг аввало иқтисодий районлаштириш муаммолари билан боғлиқ. Мамлакатимиз, хусусан ЎзМУ “География” кафедрасида иқтисодий районлаштириш масаласи, биринчи навбатда, табиий география, сўнгра қишлоқ хўжалиги талаб ва эҳтиёжларини ўз ичига олади. Мана шундан келиб чиқкан ҳолда, иқтисодий ва ижтимоий география илмий мактабларида олиб борилган тадқиқотлар негизида интеграл, яъни асосий иқтисодий районларни аниқлашга ўтилди. Бу борада таниқли олимлар Г.Н.Черданцев, В.М.Четиркин, З.М.Акрамов, А.С.Солиев, О.Б.Ота-Мирзаев, А.Н.Рўзиев ва бошқалар томонидан бажарилган илмий йўналишлар илмий жамоатчилик эътиборини қозонгани маълум.

Республикамизда иқтисодий ва ижтимоий география илмий мактаблари асосан учта йўналишга эга. Уларнинг биринчиси агрогеография (қишлоқ хўжалиги географияси), иккинчиси аҳоли географияси, геодемография ҳамда шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация жараёнининг ҳудудий муаммоларини қамраб олган булса учинчиси социал географик тадқиқотлардир.

Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг агрогеография (қишлоқ хўжалиги географияси) илмий мактабининг асосчиларидан бири Акрамов Зиёвутдин Мухитдинович (1923-2004) 200 дан кўпроқ илмий тадқиқий ишлар муаллифи, 20 дан ортиқ фан номзоди ва 2 нафар фан докторларига устозлик қилиб, уларни илм даргоҳида ўз ўринларини топишига йўл-йўриқ кўрсатди. География фанлари доктори (1962), профессор (1964), Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби (1987) Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1977).

З.М.Ақрамов 1949 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (хозирги Тошкент Давлат педагогика университети)ни битириб, шу йили Москва Давлат университетининг асперантурасига ўқишига кирган. 1953 йилда профессор Ю.Г.Саушкин илмий раҳбарлигига номзодлик ва 1962 йилда эса докторлик диссертацияларини муваффакиятли ҳимоя қилди. Унинг илмий изланишлари асосан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги географияси ва табиий ресурсларидан фойдаланиш масалаларига бағишиланган эди.

У география илми, фани ва таълими фидойиси сифатида Ўзбекистон география жамиятининг президенти (1996-2003) лавозимида ҳам самарали фаолият кўрсатган. Шунингдек, ўрта мактабларнинг 8 - синфлари учун “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси” дарслигини П.Мусаев билан ҳаммуаллифликда 2000 - 2003 йилларда икки марта қайта нашр эттириди, Республика география атласини яратишга раҳнамолик қилди, ЎзФА География бўлимини 1958 йилда ўзи тиклаб, уни 15 йил давомида бошқарди. 1970 - 1984 йилларда ЎзМУ география факультетининг “Иқтисодий география” кафедрасига мудирлик қилиб, ўқув ва илмий тадқиқот ишлари ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Зиёвуддин Мухитдинович шогирдлари мамлакатимиздан ташқари Қозогистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида география фанини ривожлантиришда хизмат қилиб келмоқда. Масалан, Ш.Азимов, И.Алиқулов, М.Ҳошимов, Х.Ҳалирова, Б.Суюндуков, А. Нарзуллаев, О.Абдуллаев, С.Қуралова, Х.Атамуродов, С.Исломов, А.Демеев, А.Ўтаганов, Т.Шотўраев, Р.Усмонов, И.Магзумов, А.М.Содиқов ва бошқалар шулар жумласидандир.

З.М.Ақрамовнинг “Наманганская область” (1955), “Фарғона водийси” (1957), икки жилдан иборат “География сельского хозяйства Самаркандской и Бухарской области” (1961, 1962) “Проблемы хозяйственного освоение пустыни и горно – передгорных территорий” (1974), “Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря” (1990) каби мустақил ва ҳаммуаллифликда яратган бир қатор илмий монография ва китоблари ҳозирги кунда ҳам ўз қиймати ва аҳамиятини

йўқотмаган. Олимнинг бу ва бошқа география фанига қўшган салмоқли ҳиссалари мазкур илмий мактаб учун мустаҳкам пойdevор бўлди.

Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларида кенг танилган иқтисодий географ, демограф ва шаҳаршунос олим, профессор, география фанлари доктори Озод Бобо-Мирзаевич Ата-Мирзаев 25 декабрь 1939 йилда Тошкент шаҳрида, хизматчи оиласида таваллуд топган. 1962 йилда Тошкент давлат университетининг География факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, илмий-педагогик фаолият олиб бориш учун ушбу олийгоҳда қолдирилган.

О.Б. Ата-Мирзаев университетда катта лаборант лавозимидан бошлаб, кичик ва катта илмий ходим, катта ўқитувчи, доцент, профессор, ахолишунослик ва ижтимоий география кафедраси мудиригача бўлган йўлни босиб ўтди. Олим ўзининг Фарғона водийсининг шаҳарларига бағишлиланган номзодлик диссертациясини 1967 йилда, Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг ривожланиши ва уларни бошқариш муаммоларига бағишлиланган докторлик диссертациясини эса 1992 йилда муваффақиятли ҳимоя қилган.

Профессор О.Б.Ота-Мирзаев 1998 йилдан сўнгги вақтгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказида илмий ишлар бўйича директор ўринbosари бўлиб хизмат қилди.

Профессор О.Б.Ота-Мирзаев илмий қизиқиши доираси ниҳоятда кенг қамровли, ҳаракатчан ва изланувчан олим эди. У иқтисодий ва ижтимоий география фанининг назарий масалаларини тадқиқ қилишда, айниқса ахоли ва шаҳарлар географияси, геодемография, ижтимоий фикр социологияси илмий йўналишларида, шунингдек, ахоли миллий сиёсатининг илмий асосларини яратишда самарали фаолият кўрсатди.

О.Б. Ата-Мирзаев томонидан 300 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан 20 дан ортиқ монография, 10 тага яқин дарслер ва ўқув қўлланмалар чоп эттирилган. Кўплаб илмий ишлари хорижий мамлакатларда (АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Венгрия ва бошқаларда) эълон қилинган. Устознинг

бевосита илмий раҳбарлигига 2 та докторлик ва 7 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Озод Бобо-Мирзаевич республикамизда аҳолишунослик миллий илмий мактабини яратишга улкан хисса қўшган, уни тарғиб ва ташвиқ қилган етук мутахассис бўлиб ҳисобланган. Унинг илмий ташкилотчилик қобилияти, хусусан, ТошДУ География факультети қошидаги Аҳолишунослик муаммоларини тадқиқ этиш илмий лабораториясига мудирлик қилган даврида яққол намоён бўлди. Айнан шу йилларда турли социологик тадқиқотлар ўтказилди, домланинг таҳрири асосида қатор илмий тўпламлар нашр этилди. Худди шундай ташкилотчилик қобилияти у киши томонидан 1987 йилда очилган “Аҳолишунослик ва ижтимоий география” кафедраси фаолиятида ҳам ижобий ва ибратли бўлган.

География фанлари доктори (1986), профессор (1988) Абдусами Солиевич Солиев 280 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 30 га яқин илмий – монографик, ўқув қўлланма ва дарсликлар, илмий мақолалар эълон қилган, 27 та фан номзоди ва 5 нафар фан докторлари тайёрлаган. У 1943 йилда Тожикистон Республикасининг Исфара туманида туғилди, 1969 йилда ЎзМУнинг География факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, шу йилнинг ўзида аспирантурага ўқишига кирган.

1973 йилда номзодлик (илмий раҳбар доцент И.Т.Раимов) ва 1986 йилда Москвада (собиқ Иттифоқ ФА. География институтида) докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Абдусами Солиевич Солиев ўзининг серқирра илмий – ижодий фаолияти давомида иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиёт фанларининг назарий асослари, иқтисодий районлаштириш ва мантақавий сиёsat, саноат ва транспорт географияси, аҳоли географияси ва демография, шаҳарлар географияси ва урбанизация, тиббиёт, туризм географияси муаммоларини ўрганиб, география фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Хуллас, у мазкур илмий мактабнинг асосчиларидан бири. Ҳозирда эса унинг шогирдлари замонавий Ўзбекистон география фанининг иқтисодий ва ижтимоий йўналишлари бўйича муҳим илмий-

амалий масалалар ечимининг ҳал бўлишида ўзларининг самарали ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Профессор Абдусами Солиевич Солиев республикамизда минтақавий иқтисодиёт фанининг шаклланишига, анъанавий иқтисодий географиянинг ижтимоий (социал) қанотини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У МДҲ мамлакатларида ҳам катта обрў – эътибор қозонган йирик олим, Қозоғистон ва Қирғизистон Миллий университетларида география фанидан номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимояга қабул қилувчи ихтисослашган илмий кенгашларнинг аъзоси, Туркманистон Чўллар институтининг “Чўлларни ўзлаштириш муаммолари” номли халқаро журнали таҳририятининг аъзоси, Урумчи (Хитой Халқ Республикаси 1995), Ўш (Қирғизистон 2003), Чимкент ва Олмаота (Қозоғистон, 2004-2007), университетларида маъruzalар ўқиган. Бу билан олим Ўзбекистон иқтисодий ва иқтисодий география илмий мактабининг халқаро миқиёсидаги ўрнини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшди.

Абдусами Солиевич Солиев Ўзбекистонда истиқлолдан сўнг биринчи бўлиб география фанининг янги ноанъанавий йўналишларга асос солди ва етакчилик қилди. Унинг қўйидаги илмий мавзуларида номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинганлиги бунинг мисолидир: “Тошкент шаҳрининг экологик вазияти” (Турсунов Х.Т. 1991); “Кишлоқ жойларида аҳолига тиббий хизмат қўрсатишни ҳудудий ташкил этилиши” (Наманган вилояти мисолида) (Назаров М.И. 1996); “Илмий тадқиқотларнинг географик муаммолари” (Х.М.Назарова, 1997); “Бухоро вилоятининг нозогеографик вазияти” (Комилов Н.Қ., 1999); “Ўзбекистон иқтисодиётида ўсиш кутб ва марказларининг шаклланиши” (Янчук С.Л., 2002); “Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари” (Усмонов М.Ф., 2003); “Саноатда қўшма корхоналарнинг ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш хусусиятлари” (Мирзааҳмедов Ҳ.С., 2003); “Мехнат бозори шаклланишининг ҳудудий жиҳатлари” (Исломов А.А., 2004); “Ўзбекистонда жиноятчиликнинг ижтимоий – географик жиҳатлари” (Қаюмов А.А., 2006) ва бошқалар.

Булар каби долзарб мужмуавий илмий муаммолар ўз ечимларини жадал топаётганлиги Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ушбу илмий мактаб таъсири доирасида жаҳон андозаларига мос ривожланаётганлигини кўрсатиб турибди. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Абдусами Солиевич Солиевнинг раҳбарлигига саноат (А.Хайдаров, Ҳ.Абдуназаров, Д.Рўзиметов, Л.Қаршибоева), аҳоли (Р.Махамадалиев, З.Тожиева, Н.Қодиров, Ш.Жумахонов, Ш.Имомов, О.Муҳаммедов), шаҳарлар (Т.Маллабоев, З. Абдалова, У.Султонова) ва бошқа фанининг энг долзарб масалаларига тегишли диссертациялар ҳам ҳимоя қилинган. Агар олимнинг фаолияти ва у етакчилик қилаётган илмий мактаб миқиёсини география фанининг ўзига қиёсласа, уларнинг ўзига хос илмий – ижодий, ташкилий ва раҳбарлик географияси жуда кенг минтақа ва илмий йўналишларни ўз ичига қамраб олганлигининг гувоҳи бўламиз. Буни ҳозирда биргина Абдусами Солиевич Солиевнинг ўзида тарбия олган қобилятли олимлар гурухи Ўзбекистондан ташқарида Россия Федерацияси (Р.Аҳмедов), Хитой Халқ Республикаси (Умар Мулло, Вэй Син), Қозогистон (А.Низамиев), Тожикистон (Ҳ.Насуллоев) ва бошқа мамлакатларда мазкур илмий анъаналарнинг давом этаётганлигини исботлаб турибди. Бевосита профессор Абдусами Солиевич Солиев илмий раҳбарлигига республикамиз қишлоқ жойларининг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш масалаларига бағишланган илмий ва фундаментал тадқиқот лойиҳалари бажарилган.

Абдусами Солиевич Солиевнинг ўзи ва шогирдлари билан ҳамкорликда истоқлол йилларида ёзган қуйидаги дарслик, ўкув қўлланма ва илмий монографиялар Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ривожланишига ўта муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. “Иқтисодий география асослари” (1996); “Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари”(1999); “Ижтимоий ва иқтисодий географиянинг асосий муаммолари” (2002); “Минтақавий иқтисодиёт” (2003); “Иқтисодий ва сиёсий география асослари” (2003); “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси” (2004); “Туризм географияси” (2005); “Кишлоқ жойлар демографияси” (2005); “Размещение

производительных сил и поляризованное развитие экономики Республики Узбекистан” (2005); “Кўшма корхоналар географияси” (2006); “Енгил ва озиқовқат саноатининг минтақавий муаммолари” (2007); “Худудий мажмуаларнинг назарий асослари” (2007) ва бошқалар.

Республикамиз ва Жанубий Ўзбекистонда хусусан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида география фанининг ривожланишига катта хисса қўшган забардаст, маърифатпарвар олим Рўзиев Абдимўмин Нормуродович ўзининг кўп йиллик ижодий меҳнат самараси бўлган тадқиқот ишларида қишлоқ хўжалик корхонаси билан саноат корхонасининг узвий ҳамкорлиги ва технологик алоқасининг агросаноат интеграцияси асосида ташкил қилинишига доир изланишлари натижасида фан ва амалиёт учун жуда зарур бўлган ғоялар илгари сурди ва илмий жихатдан асослаб берди.

У айниқса қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуасининг минтақавий муаммоларини чуқур таҳлил ва тадқиқ қилган. А.Н.Рўзиевнинг илмий тадқиқотлари назарий жихатдан ҳудудий тизим методологиясига асосланганлиги билан алоҳида ажralиб туради. Серқирра олимнинг кўплаб дарсликлари, ўкув қўлланмалари, монографиялари ва 150 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган. Масалан, “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш асослари” дарслиги (1990), “Сурхондарё вилояти” (1996), “Сурхондарё вилояти сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари” (1997), “Марказий Осиё давлатлари иқтисодий-ижтимоий географияси” (2000), “Ўзбекистон иқтисодий географияси” (2001) каби ўкув қўлланмалари нашр қилинган. Унинг илмий раҳбарлиги ва бевосита раҳнамолигида М.Эрдонов, Ҳ.Шосаидов, Қ.Алланов, Ҳ.Абдуназаров, А.Сатторов кабилар ўз диссертацияларини ҳимоя қилдилар ҳамда Жанубий Ўзбекистон иқтисодий география илмий мактабининг шаклланишига ўз хиссаларини қўшдилар.

Хулоса шуки, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси илмий мактаблари ўзларининг асосчилари ва уларнинг кўп сонли иқтидорли

шогирдларининг ижодий – тадқиқий, илмий – педагогик ва устозлик меҳнатлари самараси ила ҳозир янада ривожланиб бормоқда.

Мавзу бўйича хуносалар

Мазкур мавзуда ўрганилган ва таҳлил этилган масалалар асосида қўйидаги хуносаларга келиш мумкин:

1. География фани ривожланишининг ҳозирги ҳолатини баҳолашда унинг назариясида бошқа фундаментал фанлар билан алоқасини баҳолаш география фани ва таълим мининг ривожланиш истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади;
2. Мамлакат ҳалқ ҳўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ ҳўжалигини хусусан агросаноат мажмуасини (АСМ) янги иқтисодий шароитда ривожлантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишида географларнинг иштироқи муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда шаклланган илмий мактаблар тажрибасига таяниш лозим.
3. Саноат географияси йўналишидаги иқтисодий географик тадқиқотларни жонлантириш кечикириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Бу борада иқтисодиётимизнинг асосини ташкил этувчи ёқилғи-энергетика (нефт, газ, кўмир қазиб олиш ва қайта ишлаш, электроэнергия ишлаб чиқариш), тоғ-кон саноати (рангдор металлургия), кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари каби саноат тармоқлари ва улар билан экологик муаммоларни тадқиқ этиш долзарб масалалардан биридир.
4. Ўзбекистоннинг чўл ва тоғли ҳудудларини комплекс ўрганиш дастурини ишлаб чиқиш ва бу борада амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалиётда жорий этилишига эришиш лозим. Денгиз ва океанлар бўйида жойлашган мамлакатлар мазкур акваториядан ўз келажагини излаётган бир вақтда бизнинг мамлакатимиз каби қуруқлик ичкарисида жойлашган давлатлар учун ўз ҳудудини қайта кашф этиш ёки ишга солинмаган имкониятларни излаб топиш

муҳим аҳамият касб этади. Бу борада чўл ва тоғли худудларда катта имкониялар мужассам. Уларни иқтисодиётимиз ривожи учун хизмат қилдириши бошқа фанлар қаторида биз географларнинг ҳам вазифамиздир.

5. Фундаментал фан дастурлари доирасида олиб бориладиган тадқиқотларни кучайтириш лозим. География ва хусусан иқтисодий ва ижтимоий география соҳасида истиқболли фундаментал изланишларга эътибор қаратилиши лозим. Бундай тадқиқотлар сирасига атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, чўллар ва тоғли худудлар муаммоларини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва ҳал этиш кабиларни киритиш мумкин. Бунинг учун чўллар ва тоғли худудларни мажмуали ўрганиш бўйича халқаро марказлар тузилиши лозим.

6. Мамлакатда ер кадастрини тузишда географларнинг фаол иштирокини таъминлаш. Кадастр бу маълум воқеликнинг миқдорий, сифатий ҳамда тасвирий жиҳатдан бир вақтнинг ўзида ифодаланиши бўлиб, бозор иқтисодиёти муносабатларида мувафақиятнинг муҳим тамойилларидан биридир. Шу боис ҳам кадастр тузиш масаласи пухта тайёргарликни, интелектуал етуклик ва теранликни, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини, уларнинг йўналишини кўра билишни тақазо қиласи. Бу вазифани ҳал этишда фаннинг барча соҳалари вакиллари билан бир қаторда географлар айниқса картографлар фаол иштирок этишлари лозим.

7. Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий география фани ва бу борада амалга ошириладиган тадқиқотларининг ривожланишидаги қуйидаги устувор йўналишлар ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Бозор иқтисодиёти шароити ва мамлакатни узоқ муддатли ривожланиш стратегияси қабул қилиниши билан боғлиқ ҳалқ хўжалиги тармоқларини илмий асосда ташкил этиш, жойлаштириш ва бошқариш билан боғлиқ тадқиқотларни кучайтириш;

б) Ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳозирги даврда ҳалқнинг дунёқарашини, эътиқодини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш. Бу соҳада Ўзбекистон ҳудудини географик жиҳатдан ўрганган маҳаллий географ олимлар ишларини кўрсатиш, таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади;

Савол ва топшириқлар

1. Иқтисодий ва ижтимоий география фанинг ривожланишидаги асосий муаммолар нималардан иборат?
2. Ўрта ва ўрта маҳсус таълим тизимида географиянинг ўқитилишидаги асосий муаммоларни тавсифлаб беринг.
3. Олий таълим тизимида иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўқитилишидаги асосий муаммолар қайсилар деб ҳисоблайсиз?
4. Илмий мактаблар ва марказлар ривожланишидаги устивор йўналишларга баҳо беринг.

ГЛОССАРИЙ

Агломерация - тўпланиш, жамланиш жараёни. Чунончи, ҳаддан ташқари кўп кишининг бир жойда тўпланиши. Йирик шаҳар ёки бир-бирига яқин жойлашган бир неча шаҳар асосида ташкил топган ҳудудий ва иқтисодий хосила. Масалан: Тошкент агломерацияси.

Агросаноат интеграцияси - корхоналарнинг иқтисодий имкониятларини умумлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини кўшиб олиб боришнинг объектив жараёнини, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик хом ашёсидан бошқа истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва уларни истеъмол қилишни кўпайтириш мақсадида ўз кучларини бирлаштириб иш кўрадиган соҳаларнинг ҳамкорлиги.

Агросаноат мажмуи - қишлоқ хўжалик корхоналари билан қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналарнинг бирлашиб кетиши. Унинг минтақавий ва халқ хўжалик агросаноат мажмуи кўринишлари мавжуд.

Агрогеографик тадқиқотлар - («агро»-юнонча – дала маъносини билдиради) - ер ресурсларини қишлоқ хўжалик мақсадларида баҳолаш. Тадқиқотлар давомида олинган маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд учун ердан фойдаланишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Антропогеография – аҳолининг жойлашиши ва кўчиб юришининг умумий қоидаларини географик муҳит хусусиятларига қараб аниқлашга ҳаракат қилган детерминистик йўналиш. Бу йўналиш географик детерминизм қоидаларига асосланади. Унинг асосчиси немис географи Ф.Ратцелдир.

Аҳоли - қайта тикланиш жараёнида сони узлуксиз тикланиб турадиган ва умуман ер шарида ёки унинг бирон-бир қисмида яшайдиган кишилар мажмуи, барча ижтимоий муносабатлар ва ишлаб чиқарishнинг негизи ва субъекти.

Аҳоли географияси - иқтисодий ва социал географиянинг аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари таркиби ҳамда жойлашишини ўрганадиган тармоғи. Аҳоли

географияси турли худудларда аҳоли таркиб топишини унинг тузилиши ва зичлигини, аҳоли манзилгоҳлари шароити ва шаклларини, шунингдек аҳоли яшайдиган жойлар моддий шаклларининг географик хусусиятларини ўрганади.

Аҳоли манзилгоҳлари - иморатлар билан банд бир жойда аҳолининг зич яшаси. Аҳоли манзилгоҳининг энг муҳим белгиси ундан яшаш жойи сифатида доимий (мавсумий бўлса ҳам ҳар йили) фойдаланишdir. Аҳоли манзилгоҳи 2 типга ажратилади: қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар аҳоли манзилгоҳлари.

Аҳоли миграцияси - (лотинча) аҳолининг доимий яшаш жойини ўзgartиргани ҳолда бир жойдан иккинчи жойга кўчиш жараёни. Аҳолининг мамлакат ичкарисида (ички миграция) ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга (ташқи миграция –эмиграция ва иммиграция) кўчиб юриши ёки кўчирилиш жараёни.

Аҳолининг табиий ўсиши – муайян вақт давомида туғилганлар сонининг шу вақтдаги ўлганлар сонига нисбати. Туғилганлар сони ўлганлар сонидан ортиқ бўлса, аҳолининг табиий ўсиши мусбат бўлади, ўлим катта миқдорда ва туғилиш жуда паст бўлса, аҳоли табиий ўсиши манфий бўлади.

Воҳа – чалачўл ва чўлларда ўсимлик билан қопланган, аҳоли яшайдиган обод жой. Воҳалар дарё, каналлар бўйларида, булоқ, артезиан сувлар чиққан жойларда бўлади. Воҳалар катталиги жиҳатидан жуда хилма-хил. Баъзи воҳалар бир неча юзлаб км.га чўзилган. Ўзбекистонда Тошкент, Қуий Зарафшон, Қоракўл ва бошқа воҳалар бор.

Географик башоратлаш – табиий муҳит ва худудий ишлаб чиқариш тизимларининг ўзгаришидаги асосий йўналишларни илмий жиҳатдан олдиндан асослаб беришга айтилади.

Географик баҳолаш – табиий шароит ёки ландшафтларни фойдаланиш мақсаларида баҳолаш тушунилади. Географик баҳолаш босқичма-босқич олиб борилади.

Географик детерминизм – (лотинча – детер – мино - ҳал қиласман) -ижтимоий ҳаёт ва веҳса - ҳодисаларни мамлакат ёки районнинг табиий шароити ҳамда географик

ўрнига боғлиқ ҳолда изохлайлигандар назария. Уларнинг фикрича, географик мухит ёки унинг айрим унсурлари кишилик жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи кучидир.

Географик мухит - кишилик жамиятини ўраб турган табиий шароит, табиатнинг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян тарихий босқичида жамият билан ўзаро таъсир жараёнида бўладиган қисми. Жамият ривожлангани сари географик мухит доираси ўзгариб, кенгайиб боради.

Географик ўрни – тарихий категория бўлиб, у бирон обьектнинг бошқа обьектга нисбатан қандай жойлашганлиги, унинг сабаблари ва омиллари тўғрисидаги маълумотларга асосланади.

Демография – (юонча демос - ҳалқ, графо - ёзаман) - аҳолининг кўпайиши, ҳолати ва ўзгаришларини ўрганувчи фан. Турли авлодлар ва аҳоли гурухларидағи туғилиш ва ўлим ҳолатларини ўрганиб, унинг сони ва ахволида рўй берадиган жараёнларни олдиндан башорат ҳам қиласи. Демография бирор худуд, мамлакат, қитъа, ўлка ва бутун дунё аҳолисининг сони, ёш ва жинсий таркиби ўзгаришларини, оилавий масалларни ҳам ўрганади.

Демографик башорат – озми – кўпми узоқ муддатда аҳоли сонининг мумкин бўлган ўзгаришига баҳо бериш; бунда аҳоли орасида туғилиш ва ўлиш соҳасида рўй берадиган ўзгаришлар тўғрисида асосли айрим фаразлар ишлатилади.

Демографик вазият - муайян пайтда ёки муайян вақтда аҳоли таркиби ва демографик жараёнлар ҳолати. Одатда кўрсаткичлар тизими демографик вазият таснифи учун ишлатилади.

Демографик сиёsat - аҳоли сиёsatининг асосий йўналишларидан бири. Демографик сиёsat аҳолининг қайта тикланишини ўрганади ва узоқ истиқболда аҳоли қайта тикланишининг кутилган типига эришишга қаратилган.

Дехқончилик - 1) қишлоқ хўжалигининг экинлар етиштириш билан шуғулланадиган муҳим тармоғи. Дехқончилик далачилик ва боғдорчиликдан иборат. Далачилик экин етиштириш билан шуғулланиб, етиштириладиган экинига қараб ғаллачилик, полизчилик, картошка, ем-хашак, техника экинлари етиштириш тармоқларига бўлинади. Боғдорчилик эса узумчилик ва мевачилик тармоқларига

бўлинади. 2) қишлоқ хўжалик ўсимликларини етиштириш, ҳосилдорлигини ошириш каби масалалаларни ўрганувчи фан тармоғи.

Енгил саноат - турли хом ашёлардан (пахта, зифир, каноп толаси, ипак, ҳайвон териси, жун, сунъий толалар, сунъий чарм) кенг истеъмол буюмлари ва саноат тармоқлари. Хом ашёга дастлабки ишлов берувчи, жумладан пахта тозалаш, ип газлама, жун газлама, шойи тўқиши, тикувчилик, каноп-жун, пойафзал, трикотаж, мўйна, мебель, чинни, атторлик буюмлари, тери ошлаш.

Жамиятни ҳудудий ташкил этиш - жамият табиат билан ўзаро таъсир жараёнида, моддий неъматлар ишлаб чиқариш, ҳаётнинг ўзини қайта бунёд этиш жараёнида ва бошқа кўпгина вазифаларни ҳал этишда тегишлича ташкил этилган бўлиши лозим. Жамиятни ҳадудий ташкил этиш тушунчаси кенг маънода меҳнатнинг ҳудудий тақсимоти, ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши, ишлаб чиқариш муносабатларидағи минтақавий тафовутлар, кишиларнинг жойлашиши, жамият билан табиатнинг ўзаро муносабати масалаларини, шунингдек минтақавий социал-иқтисодий сиёsat муаммоларини ўз ичига олади.

Жаҳон хўжалиги - ўзаро савдо-сотик, кредитлар бериш, иқтисодий битимлар тузиш, ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар барпо этиш, иқтисодий ва техника ахбороти айирбошлаш каби шаклларда иқтисодий алоқалар мавжуд бўлган айрим миллий хўжаликлар мажмуи.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти - ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг шундай жараёни, бунда меҳнат фаолиятининг хилма-хил турлари бир-биридан ажralган бўлади, айрим ишлаб чиқарувчи бирликлар ихтисослашади, улар ўз фаолияти маҳсулотларини айирбошлайди, бу жараён пировард натижада ижтимоий меҳнат унумдорлиги ўсишга олиб келади. Мамлакат ичida меҳнат тақсимоти даражаси қанча чуқур бўлса, мамлакат ишлаб чиҳарувчи кучларининг тараққиёт даражаси шунча юкори бўлади.

Интеграция - (инглизча интегратио- қисмларнинг тикланиш, бирлашиши)-мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий бирлашмаси шакли. Турли мамлакатлар хўжаликларнинг ўзаро ишлаб чиқариш алоқаларида, давлатлар сиёsatини келишиб

олиб боришда, турли мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирларига яқинлашувида кўринади.

Инфратузилма - саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (ёки уларнинг айрим корхоналари) нинг жойлашиши ҳамда фаолияти учун, шунингдек аҳоли ҳаёти учун хизмат қиласидиган ва шароит ҳозирлайдиган хўжалик тармоқлари комплекси. Булар транспорт, алоқа, автомобиль йўллари, каналлар, сув амборлари, кўприклар, дengиз, дарё портлари, аэропортлар, энергетика хўжалиги, умумий таълим, фан, хизмат соҳаси, соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва бошқалар.

Ихтисослашув - кишиларнинг бирон-бир хил меҳнатда банд бўлиши ва меҳнатнинг ҳар хил жараёнларга бўлинниши. Масалан, корхоналар бирор машина ёки буюм ишлаб чиқаришга, ҳатто мамлакатлар бирор - бир соҳага ихтисослашади.

Ихтисослашув географик меҳнат тақсимотини келтириб чиқаради. Ихтисослашувга табиий бойликлар, жойнинг иқтисодий географик ўрни, кишиларнинг меҳнат малакаси, бозорнинг мавжудлиги ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш - саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспортнинг дунё бўйлаб турли мамлакатлар ва районларда географик тарқалиши. Табиий бойликлардан фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги, мамлакатлар ва районлар ўртасидаги хўжалик алоқалари ва аҳолининг турмуш шароити ишлаб чиқаришни жойлаштириш билан боғлиқдир.

Иқтисодий-географик таъриф - хўжалик обьектлари (корхоналар, шаҳарлар, мамлакатлар) ҳақидаги иқтисодий географик билимларни муайян режа асосида маълум тартибда баён этиш. Бунда хўжалик обьектининг ўрни, табиатининг имкониятлари, хўжалик истиқболи ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади.

Иқтисодий географик ўрин – иқтисодий географик обьектлар (корхона, туман, шаҳар, ҳудуд ва ҳоказо) нинг ундан ташқарида бўлган, лекин унинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган табиий, тарихий, иқтисодий обьектларга (транспорт йўллари иқтисодий ҳудудлар, давлат чегаралари, дengизларга) нисбатан тутган ўрни. Иқтисодий географик ўрин мамлакат, шаҳар, туманлар тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлиши мумкин.

Иқтисодий район - мамлакат халқ хўжалигининг ҳудудий ва иқтисодий бир бутун қисми. Иқтисодий район ўзига хос табиий ва иқтисодий шароити, тарихий таркиб топган ёки географик меҳнат тақсимоти асосида вужуд келган, мустаҳкам хўжалик алоқалари мавжуд бўлган хўжалик ихтисоси билан бошқалардан ажралиб туради. Бирор соҳага ихтисослашган иқтисодий районлар ҳам бўлади: саноат райони, қишлоқ хўжалик райони, овчилик райони, кон-қазилов райони ва бошқа.

Маданий география - географиянинг инсон маданияти (цивилизацияси) саҳаларига асосий эътибор берадиган тармоғи.

Мамлакат – муайян чегараларга эга бўлган ва давлат суверенитетидан фойдаланадиган ёки бошқа бирон-бир давлат ҳокимияти остида турган ҳудуд.

Меҳнат ресурслари - мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги барча ахолиси. Бизнинг мамлакатда 16 ёшдан 55 ёшгacha бўлган аёллар, 60 ёшгacha бўлган эркаклар меҳнат ресурсларига киритилади. Шунингдек, ишлаб чиқаришда иштирок этадиган 16 ёшгacha бўлган ёшлар ва меҳнатда банд бўлган фахрийлар ҳам меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Нозогеография – (юононча – носос - касаллик) - киши касалликлари географияси – медицина географиясининг бир бўлими бўлиб, одамларда учрайдиган айrim касалликларнинг географик тарқалиш қонуниятини ўрганади. Нозогеографиянинг асосий вазифалари - муайян касалликнинг тарқалишига олиб келадиган ташқи ва ички омиллар мажмuinи ва тарқалишнинг аниқлаш ҳамда назоареаллар - айrim касалликлар тарқалган районларни топиш ва уларнинг динамикасини ўрганиш, касалликлар ўтмишда қандай тарқалганлигини аниқлашdir. Нозогеография услублари назоареаллар таркибини таҳлил қилиш, маҳсус назокарталар ишлаб чиқиш ва тузиш, медик-статистик маълумотларни ишлаб чиқиш.

Ноишлаб чиқариш соҳаси - халқ хўжалигининг моддий неъматлар ишлаб чиқармайдиган тармоқлари мажмуи. Бу соҳага: соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, социал таъминот, маориф, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат; уй-жой-коммунал, майший хизмат; йўловчи транспорти ва бошқалар киради.

Номоддий ишлаб чиқариш – халқ хўжалигининг моддий неъматлар ишлаб чиқаришдан ташқари кишиларнинг ва умуман жамиятнинг хилма-хил

Эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласиган тармоқлари мажмуи. Бу эҳтиёжлар айирбошлишни, моддий неъматларни тақсимлаш ва эҳтиёжни таъминлашни, маънавий бойликлар ишлаб чиқариш ва шахсни ҳар томонлама камол топтиришни, жумладан, кишиларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни ўз ичига олади.

Район - (французча), маъмурий район дунёдаги кўпгина мамлакатларда маъмурий худудий бирлик.

Регионал география – районлар географияси - ер юзасидан айрим худудлар ёки районларни географик жиҳатдан ўрганиш. Айрим чет эллик олимлар регионал дейилганда йирик худудларни тушунадилар, кичикроқ худудларни изоҳлаш учун эса локал сўзини ишлатадилар.

Рекреацион география – бу фан география фани тармоги сифатида 20 - аср 60-йилларининг бошларида аҳоли географияси, хизмат соҳаси географияси, медицина географияси ва табиий география оралиғида пайдо бўлди ва анчагина ривожланди. Кишилар эҳтиёжининг ўсиши, бўш вақтининг қўпайиши, моддий фаровонликнинг ортиши натижасида туризм, экскурсиялар, маданий муассасаларга бориш, спорт билан шуғулланиш ва рекреацион фаолиятнинг бошқа турлари ўсиб бормоқда. Ўз билимини ошириш ва эстетик мақсадларда бир аҳоли пунктидан бошқа аҳоли пунктига бориш билан боғлиқ барча саёҳатларни комплекс равишда рекреацион география ўрганади.

Рекреация – (лотинча - рекреатио - тиклаш, ҳордик) - кишиларнинг меҳнатдан чарчогини қондириш, куч-қувватини тиклаш, ҳордик чиқариш. Рекреация шароити ҳордик чиқаришга хизмат қиласиги шарт - шароитлар: дам олиш уйлари, боғлар, истироҳат жойлари ва ҳоказо.

Ресурс - бирон- бир эҳтиёжни, тақчиликни қондириш учун восита, заҳира, резерв, зарурият туғилиб қолганда ишлатиладиган эҳтиёж буюмлар. Кўпликда, яъни ресурслар дейилганда бирон-бир мамлакатнинг яшаш ёки ҳимоя қилиш учун мавжуд воситалари мажмуи тушунилади.

Саноат- халқ хўжалигининг жамият ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш даражасига ҳал қиласиги таъсир кўрсатиб, моддий ишлаб чиқаришнинг биринчи

етакчи тармоғидир. Халқ хўжалиги барча тармоқларининг техника даражасини ўстириш ва ишлаб чиқаришини кенгайтириш саноатга боғлиқдир. Саноат халқ истеъмолларининг ўсишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қўпчилик турлари саноатда қайта ишланади. Жаҳон саноатида тахминан 500 млн. киши ишлайди. Охирги юз йилда саноат ишлаб чиқариши 70 баравар ўсди, бу ўсишнинг³⁴ қисми XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Саноат географияси – иқтисодий географиянинг бир тармоғи бўлиб, саноатнинг ҳудудий жойлашишини, турли мамлакатларда ва унинг қонуниятлари, шароит ва тараққиёт хусусиятларини ўрганади.

Саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш - саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг аниқ режаларини ишлаб чиқиш; хўжаликнинг бирон-бир тармоғини ривожлантириш истиқболларини ҳудуд бўйлаб аниқлаш; янги саноат ёки ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси қуриш ёки ишлаб чиқаришни бирон-бир бирлашма ёки комбинат таркибида қуришни аниқлаш; ишлаб чиқариш кўламларини аниқлашга аниқ корхона ва цехларнинг муайян турдаги маҳсулотлар тайёрлаб беришини белгилаб қўйиш.

Саноат корхонаси - халқ хўжалиги режасига мувофиқ равища маҳсулот тайёрлаш, ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатиш билан шуғулланадиган айrim ишлаб чиқариш - хўжалик бирлиги.

Саноат маркази – бир ёки бир неча саноат тармоқлари бўлиши билан ажralиб турадиган шаҳар ёки аҳоли манзилгоҳи. Кўпинча саноат маркази ишлаб чиқаришнинг катта ҳажмда бўлигши билан фарқланади. Саноат марказлар индустрисал вазифаларнигина эмас, балки транспорт функцияларини ҳам бажаради.

Саноат райони - саноат – ишлаб чиқариш ихтисоси яққол кўриниб турадиган иқтисодий район. Таркибига кўра интеграл бўлган саноат райони саноатнинг бирон-бир тармоғига ихтисослашган тармоқ райони, (масалан, қора металлургия райони, машинасозлик райони)дан фарқ қиласди. Саноат райони ундирувчи саноат устун турадиган ва ишлаб берувчи саноат устун турадиган районларга бўлинади. Саноат районлари маҳаллий, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан энг самарали фойдаланиш асосида комплекс ривожланади.

Саноат узели - меҳнат ва моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланадиган аҳоли пунктлари тизимиға муҳандислик –коммуникацион ва транпорт иншоотлари билан хизмат кўрсатадиган ўзаро боғлиқ саноат корхоналари гуруҳи жойлашган ҳудуд. Саноат узели бир шаҳардан иборат бўлиши мумкин, кўпинча эса икки ва ундан ортиқ шаҳарлардан ёки теварак –атрофдаги ишчипосёлкаларни ўз ичига оладиган шаҳарлар тизимидан иборат бўлади.

Селитеб ҳудуд – (рус – селиться жойлашмоқ) аҳоли пунктларида иморатлар солинган ёки доимий бинолар ва иншоотлар қуриш учун мўлжалланган ер участкалари.

Сиёсий география – дунёда, шунингдек мамлакатлар ичida сиёсий (ижтимоий) кучларнинг ҳудудий жойлашиши ва нисбатини, сиёсий географик жараёнларнинг мамлакат ёки бир гуруҳ мамлакатлар ижтимоий – иқтисодий таркиби билан сиёсий географик жараёнлари алоқасини ўрганадиган фан. Сиёсий география мамлакат ва давлатлар ҳудудлари, давлат чегаралари, улар тарихий ва маъмурий областларининг таркиб топиш масалаларини, шунингдек, мамлакатларнинг сиёсий ҳолати муносабатларини, уларнинг иқтисодий география билан ўзаро алоқасини ўрганади.

Социал география – социал – иқтисодий география йўналишларидан бири бўлиб, кишилар ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ташкилий формалари ва ҳудудий жараёнларини, аввало инсон нуқтаи назаридан –унинг меҳнат, турмуш, дам олиш, шахсини ривожлантириш ҳамда ҳаётини тиклаш шароити нуқтаи назаридан ўрганади. Шунингдек, кишиларнинг ҳаёт шароитидаги табиий, иқтисодий, социал тафовутларни ва турли районлар ҳамда аҳоли манзилгоҳлари типлари ўртасидаги турмуш даражасини текислаш йўлларини ўрганади, аҳоли ва меҳнат ресурслари тикланишидаги регионал фарқларни, кишиларнинг ҳудуд бўйлаб кўчиб юришни ҳам ўрганади.

Социал - иқтисодий география - ижтимоий ишлаб чиқаришни жойлаштириш (бунда ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари бирлигидан иборат деб тушунилади) ва кишиларинг жойлашиш қонуниятларини, бошқача қилиб айтганда, жамиятнинг ҳудудий ташкил этилишини, турли мамлакатларда, районларда,

жойларда мазкур худудий жойлашиши хусусиятларини ўрганадиган илмий фанлар мажмуудир.

Табиий ресурслар - табиатнинг, халқ хўжалигида фойдаланиладиган миллий бойликнинг бир қисми ҳисобланган ва кишилик жамияти яшашнинг воситалари бўллиши элементлари, ягона давлат ер фонди ўрмон ресурслари, ҳайвонлар, фойдали қазилмалар заҳиралари, сув (жумладан, гидро энергетика ресурслари, шунингдек сув билан таъминлаш, суғориш, саноат учун сув ва бошқалар) шамол энергияси, қулай ихлимий шароит; табиий ресурслар, тугайдиган -қайта тикланадиган ресурслар (биологик ресурслар-тупроқлар, ўсимликлар, ҳайвонлар), тугайдиган - тикланмайдиган ресурслар (масалан, нефть), тугамайдиган ресурсларга (иклим ва сув ресурслари) бўлинади.

Табиий ресурслар географияси - алоҳида географик фан бўлиб, табиий ресурслар худудий комплексларининг тараққиёти ва жойлашишини ўрганади, улардан фойдаланиш муаммоларини тадқиқ қиласди. Бу фан қуидагиларни ўрганиш билан шуғулланади. А) ўрмон ресурслари; б) агроклиматий ресурслар; в) ер ости ресурслари; г) дунё океани ресурслари; д) куруқлик гидроресурслари.

Тарихий география - тарихий билимлар тармоғи бўлиб, тарихий даврлар географиясининг географик муаммоларини тадқиқ қиласди. Тарихий география бирон мамлакат ёки худуднинг муайян вақт мобайнидаги табиий, иқтисодий ва сиёсий географиясига тавсиф беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

Тиббиёт географияси - географик муҳит хусусиятларининг ахоли соғлигига, одамлар касалликларининг пайдо бўлиши ва тарқалишига таъсир кўрсатишини ўрганадиган фан тармоғи. Бу фан география ва тиббиёт оралиғидаги фандир. Тиббиёт географияси иқлимшунослик, тупроқшунослик, биогеография, иқтисодий география, гигиена, эпидимиология, паразитология ва бошқаларнинг маълумотларидан кенг фойдаланади. Бу фан Россияда 18- асрдаёқ пайдо бўлиб, 19- асрнинг иккинчи ярмида мустақил фан тармоғига айланди.

Туризм – (французча тур – сафар) – ўз мамлакати ёки чет мамлакатлар билан танишиш мақсадида қилинадиган саёҳат. Туризм географик билимлар йиғиш, уларни тарғибот қилиш, ўлкашуносликка оид маълумотлар тўплаш воситасидир.

Туризм географияси – тур география. Кишилар маданиятнинг оммавий тарзда ўсиши, уларнинг ўз билим доираларини ошириш ва соғлиқларини мустаҳкамлашга эҳтиёжлари ортиши – буларнинг ҳаммаси саёҳат қилиш, дам олиш, яъни туризм билан шуғулланишга кенг йўл очиб бермоқда. Халқаро туризм тобора оммавий тус олмоқда ва халқаро ҳаётнинг бошқа жиҳатлари билан тобора кўпроқ чамбарчас боғланмоқда. Дунёда асосий туристик регион Европадир, хорижий туристларнинг², қисми Европага тўғри келади. Иккинчи йирик туристик регион Шимолий Америкадир. (АҚШ ва Канада) Туризмнинг гуркираб ўсиши география олдига янги вазифалар кўйди, хусусан туристлар оқимининг ҳонуниятлари, туризм индустряси (мехмонхоналар, пансионатлар, турбазалар, кемпинглар, туристик поездлар ва бошқа транспорт воситалари ва ҳоказолар) иқтисодий географиянинг обьекти бўлиб қолди.

Тургеография факат дам олиш учун қилинган сафарлар географиясигина эмас, балки умуман саёҳатлар, сафарлар географияси билан жумладан, хизмат соҳаси ва табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ кўпгина масалаларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, тургеография туризм географиясининг эмас, балки ҳар қандай сафарлар географияси бўлиб, умумий географиянинг янги тармоғидир.

Урбанизация- (лотинча – урба - шаҳар) ижтимоий –иқтисодий тараққиёт туфайли мамлакат ёки район ҳаётида шаҳарлар ролининг ошиши жараёни, жумладан, шаҳар аҳолисининг ўсиши. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар учун урбанизация юксак даражага етган.

Фан техника тараққиёти – фан – техника, ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳаси тараққиётининг ўзаро боғланган жараёни. Фан – техника инқилоби ижтимоий ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаси барча томонларининг ҳамма соҳаларида фан ва техника ютуқларидан фойдаланиши асосида тўхтовсиз такомиллашиб боради ва обьектив қонунлар таъсирида вужудга келади.

Фан техника инқилоби - фан ва техника тараққиётидаги жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тубдан қайта қурадиган сифат ўзгариши . Ҳозирги фан – техника инқилоби-ишлаб чиқариш услубларини тубдан қайта қуриш имкониятларини беради. Янги тармоқларни вужудга келтиради, бутун ишлаб

чиқариш самарадорлигини оширишнинг мисли кўрилмаган имкониятларини очади.

Халқ хўжалиги - бирор мамлакнинг ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг барча соҳаларини қамраб оладиган бутун хўжалиги. Мамалакат халқ хўжалигига унинг саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, савдосигина эмас, алоқа, молия, тижорат, таълим-тарбия ва бошқа корхоналари ҳам киради.

Халқаро география иттифоқи (ХГИ) ХГИ га географияга оид муаммоларни ўрганишга, халқаро ҳамкорликни талаб қиласидиган тадқиқотларни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришига, халқаро география конгрессларини чақиришни таъминлашга, конгресслар ўртасидаги даврда хусусий масалалрни ўрганиш учун комиссиялар тайинлашга ва уларнинг ишларини кузатишга, иттифоқ вазифаларини ривожлантирадиган конференциялар чақиришни раббатлантиришга ёрдам бериш мақсадида 1919 йилда асос солинган.

Халқаро меҳнат тақсимоти - айrim мамлакатларнинг бир-бирлари билан алмасиши (сотиш) учун муайян турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви. Халқаро меҳнат тақсимоти ижтимоий худудий меҳнат тақсимотининг такомиллашган шакли ҳисобланади. Халқаро меҳнат тақсимотисиз ҳеч бир мамлакат хўжалиги ҳам , жаҳон хўжалиги ҳам маромида ривожлана олмайди.

Хизмат географияси - иқтисодий географиянинг бир тармоғи бўлиб, аҳолига моддий ва ижтимоий – майший хизмат кўрсатиш хилма – хил турларининг жойлашиши ва худудий ташкил қилишини ўрганади. Хизмат географияси , одатда номоддий фаолият турларини ўз ичига олади (соғлиқни сақлаш, тарбия ва таълим, эҳтиёжларига хизмат қилиш, томоша вамаданий-маориф муассасаларида эҳтиёжларни қондириш, алоқа хизматлари, юридик хизмат, маъмурий фаолият, хавфсизлик хизмати ва бошқалар)

Шаҳар – аҳолиси асосан саноатда, савдода, майший хизмат кўрсатиш соҳасида, бошқарув, фан, маданият шахобчаларида банд бўлган йирик аҳоли пунктлари.

Шаҳарлар географияси – аҳоли географияси энг муҳим қисмларидан бири бўлиб, шаҳарларнинг жойлашиши ва уларда аҳолининг тўпланиш қонуниятлари,

шаҳарларнинг иқтисодий географик типларини ҳамда худудий меҳнат тақсимотида уларнинг ролини, уларда қандай функциялар мавжудлигини ўрганади.

Шаҳарлар агломерацияси – бир гуруҳ шаҳарлар агломерацияси шаҳар аҳоли пунктлари муайян худудда бир-бирига қўшилиб, деярли ёппасига шаҳар, ҳосил қилиши.

Этногеография - этногеографиянинг бир бўлими бўлиб, дунё аҳолиси, айрим мамлакатлари ва улардаги районлар аҳолисининг таркиби ва жойлашишини этник жаҳатдан динамикада деб ўрганади.

Ўлкашунослик - кичикроқ худудни (қишлоқ, шаҳар, вилоят) унинг теварак атрофидаги жойлар билан бирга табиати, аҳолиси, хўжалиги, тарихи, маданиятини маҳаллий кишилар томонидан ўрганиш. Ўлкашунослик умумий ва соҳалар бўйича ўлкашуносликка бўлинади. Умумий ўлкашуносликда ўлка ҳар томонлама ўрганилади. Соҳалар бўйича ўлкашунослик тарихий, этнографик, топонимик, комплекс географик, геологик ўлкашуносликка бўлинади.

Қиёсий географик усул – иқтисодий географик ҳодисалар ва жараёнлар ва жараёнларнинг ўхаш шаклларини қиёслашдан, мавжуд ёки бир вақтда рўй берадиган, лекин тараққиётнинг турли босқичларида бўлган обьектлар ва жараёнларни қиёслашдан иборат усул.

Қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари - қишлоқ жойларда аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар. Қишлоқ аҳоли манзилгоҳларидан олдин пайдо бўлган. Қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари орасида қишлоқ хўжалик аҳоли манзилгоҳлари (аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд бўлган манзилгоҳлар) энг кўп учрайди. Бироқ ноқишлоқ хўжалик қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари ҳам учрайди (бундай аҳоли манзилгоҳлари аҳолиси темир йўл станцияларида, ўрмон хўжалигида ёки қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган бошқа обьектларда ишлайди), шунингдек аралаш қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари ҳам бўлади.

Қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари географияси - аҳоли географияси бўлимларидан бири. Қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари географиясининг ўзига хос хусусияти шундаки, уқишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, ўрмон хўжалиги ва қишлоқ жойлари билан боғлиқ тармоқларнинг хусусиятларидан келиб чиқади, муайян

мамлакатлар ва районлар учун хос аҳоли ўрганади, бунда табиий ва иқтисодий шароитларни ҳисобга олади, аҳоли манзилгоҳлари жойлашишининг қонуниятларини, ҳудудий гурухларини тадқиқ қиласди, умуман қишлоқ аҳолиси жойлашишини таҳлил этади.

Қишлоқ хўжалиги - моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан саноатни хом ашё билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари халқ истеъмоли молларининг⁴ қисмини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги кўпгина саноат тармоқлари маҳсулотнинг йирик истеъмолчисидир. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу тармоқда ер асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги иккита йирик тармоққа бўлинади: дехқончилик ва чорвачилик тармоқларига.

Қишлоқ хўжалиги географияси – иқтисодий географиянинг тармоғи бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳудудий муаммоларини ва жойлашиши қонуниятларини ўрганади. Қишлоқ хўжалиги таркибидаги ҳудудий тафовутлар табиий муҳит ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар таъсирида таркиб топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев А.Г. Экономико - географические особенности развития и размещения пищевой промышленности (на примере Хорезмской области). Автореферат диссертации доктора философии по географическим наукам. Ташкент, 2017. 44 с.
2. Агирречу А.А. Экономико-географические диссертации об Узбекистане в советский период: ретроспективный обзор. // Известия Географического общества Узбекистана. – Специальный том. – Ташкент, 2018. – Б. 116-122
3. Азатьян А.А. Из истории первых научных обществ в Туркестане // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1955. №1 - С. 175-178.
4. Азимов Ш.А., Хасанов И.А. Развитие географических исследований в Отделе географии ИС АН РУ. // Известия Географического общества Узбекистана. 18-2-том. –Ташкент, 1997. – С. 30-33.
5. Акбаров Х.А., Азимов Ш.А. География фани, унинг вазифалари ва истиқболлари. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 18-1-жилд. – Тошкент, 1997. – Б. 3-6.
6. Акрамов З.М. 75 ёшда. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 19-жилд. – Тошкент, 1998. – Б. 7-8.
7. Акрамов З.М. География фани XXI аср бўсағасида: муаммолар, ечимлар ва йўналишлар. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 21-жилд. –Тошкент, 2000. – Б. 10-12.
8. Акрамов З.М., Ваҳобов Х., Райимжонов З., Рахимбеков Р. География жамиятининг Туркистан табиатини ва хўжалигини ўрганишда тутган ўрни ва ахамияти. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 18-1-жилд. –Тошкент, 1997. – Б. 13-23.
9. Акрамов З.М., Глазырин Г.Е., Хисамов А.В. Актуальные задачи географических наук в Узбекистане // Известия Географического общества Узбекистана. – Ташкент, 1988. №14 - С.7-11.
- 10.Акрамходжаев А.М., Югай Р.Л. 90-летие Географического общества УзССР // Известия Узбекистанского географического общества. 1988. Т. 14. С. 3–6.
- 11.Актуальные задачи географической науки в Узбекистане // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1990. №16 - С. 3-8.
- 12.Ахмадалиев Ю.И. Совершенствование территориальной организации сельскохозяйственного использования земельных ресурсов. Автореферат диссертации доктора географических наук. Ташкент, 2007. 46 с.
- 13.Бабушкин Л.Н., Акрамов З.М. География в Узбекистане // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1970. №12 - С.3-14.
- 14.Бедринцев К.Н. Вопросы методологии, методики и организации исследований районных комплексных экономических проблем. Ташкент: Издательство АН УзССР, 1957. 151 с.

- 15.Богучарков В.Т. История географии. Учебное пособие. Изд-во “Март”, Москва-Ростов-на-Дону, 2004, 448 стр.
- 16.Географическая наука Узбекистана и России: Материалы международной научно-практической конференции (Ташкент, 13–19 мая 2019 г.) / отв.ред. Ф.Х. Хикматов, А.Г. Дружинин. Ташкент, 2019. 442 с.
- 17.Донцова З.Н. Страницы из истории Туркестанского отдела Русского Географического общества // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1957. №3 - С. 38-50.
- 18.Жумаев Т. Монтология ва Ўзбекистон тоғ ижтимоий-иқтисодий географиясининг ривожланиш истиқболлари. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 21-жилд. –Тошкент, 2000. – Б. 142-145.
- 19.Исаченко А.Г. География в современном мире. Москва, «Просвещение», 1998, 160 стр.
- 20.Исаченко А.Г. Развитие географических идей. Москва, «Мысл», 1971, 416 стр.
- 21.Комилова Н.К. Территориальный анализ медико-географических условий и проблемы здоровья населения Узбекистана: Автореферат доктора географических наук. Ташкент, 2012. 52 с.
- 22.Курбанов Ш.Б. Экономико - географические особенности развития сельских районов Узбекистана: Автореферат доктора философии по географическим наукам. Ташкент, 2017. 45 с.
- 23.Мавлонов А.М., Қодиров А.А. Забардаст иқтисодий географ олим. // Юксак фазилатлар соҳиби. Профессор А.А.Қаюмов 70 ёшда. – Тошкент, 2019. -Б.71-74.
- 24.Махамадалиев Р.Ю., Назаров М.И., Қодиров А.А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси илмий мактаби. // Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари. -Тошкент, 2008. -Б 243-249.
- 25.Отамирзаев О.Б., Райимжонов З., Кононенко С.Н. Ўзбекистон аҳолишунослигининг шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 18-2-жилд. –Тошкент, 1997. – Б. 115-118.
- 26.Очилов А. Ўрта Осиё географияси тарихини даврлаштириш масаласи. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 23-жилд. –Тошкент, 2003. – Б. 63.
- 27.Престон Дж., Джейфри М. Все возможные миры. История географических идей. (Перевод с английского, 1981) Москва, «Прогресс», 1988, 672 стр.
- 28.Раджапов М.Я., Умаров Е.К., Искендеров А.Б. Қорақалпоғистон худудининг географик ўрганилиш тарихи. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 22-жилд. –Тошкент, 2002. – Б. 74-76.
- 29.Ражабов Ф.Т. Совершенствование специализации и территориальной структуры фермерских хозяйств (на примере Кашкадарьинской области): Автореферат доктора философии по географическим наукам. Ташкент, 2018. 43 с.

- 30.Рахимбеков Отечественное экологическое школа: история её формирования и развития. Ташкент, «Шарқ» 1995, 256 стр.
31. Рахимбеков Р.У. Географические аспекты научных исследований САГУ (1920-1945 гг.) // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1971. №13 - С.202-214.
- 32.Рахимбеков Р.У. Донцова З.Н. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи. Т. «Ўқитувчи», 1982. 200 б.
- 33.Рўзиев А. География жамиятининг Туркистон бўлими. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 18-1-жилд. –Тошкент, 1997. – Б. 8-13.
- 34.Рўзиев А.Н., Рўзиев О.А. Ҳудудий тизим иқтисодий географиянинг истиқболли илмий йўналишлари. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 21-жилд. – Тошкент, 2000. – Б. 130-132 .
- 35.Салиев А. Н.Н.Баранский и развитие социально-экономической географии в Средней Азии. // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1990. №16 - С. 28-32.
- 36.Салиев А.С. К истории региональных экономико-географических исследований в Узбекистане // Социально-экономическая география. Вестник. АРГО. 2014. № 3. С. 68–73.
- 37.Салиев А.С., Файзуллаев М.А. Социально-экономическое развитие Республики Узбекистан за годы Независимости // Социально-экономическая география. Вестник. АРГО. 2013. № 2. С. 131–143.
38. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем, будущем: пособие для учителей. М., Просвещение, 1980. 269 с.
- 39.Саушкин Ю.Г. Географический труд об Узбекской ССР // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1960. №4 - С. 123-124.
- 40.Смирнов Н.В. Николай Григорьевич Цапенко (к 60-летию со дня рождения) // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1961. №5 - С.162-163.
- 41.Солиев А., Абдалова З., Маматқулов Н. Ўзбекистонда иқтисодий ва социал географиянинг ривожланиши. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 18-2-жилд. –Тошкент, 1997. – Б. 33-38.
- 42.Солиев А., Махамадалиев Р. Иқтисодий географик тадқиқотлардаги баъзи бир камчиликлар. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 19-жилд. –Тошкент, 1998. – Б. 17-21.
- Солиев А., Махамадалиев Р. География фанининг уфқлари ва географлар географияси. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 23-жилд. –Тошкент, 2003. – Б. 8-10.

43. Солиев А.С. Иқтисодий ва ижтимоий география фани шаклланишининг уч асосий манбай, уч таркибий қисми ва унинг предметига уч хил ёндашув. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 40-жилд. –Тошкент, 2012 – Б. 73-77.
44. Солиев А.С., Махамадалиев Р.Й., Назаров М.И., Қодиров А.А. Ўзбекистон аҳолиси ва социал-иқтисодий картография. // Ўзбекистон миллӣ атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. -Б 20-23.
45. Таджимов Т. Некоторые вопросы историко-географического развития хозяйства Кара-Калпакии // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1960. №4 - С. 51-62.
46. Таджимов Т. Советская Кара-Калпакия (краткая экономико-географическая характеристика) // Известия Географического общества Узбекистана. –Ташкент, 1957. №3 - С. 95-111.
47. Тошов Х.Р., Мавлянов А.М., Кадыров А.А., Кадырова М.М. В.П.Максаковский и развитие географической науки В Узбекистане. // Социально-экономическая география: теория, методология и практика преподавания (к 90-летию со дня рождения В.П.Максаковского). Материалы международной научно-практической конференции. – Москва, 2014. - С.40-42.
48. Тожиева З.Н. Демографические процессы в Республике Узбекистан и их территориальные особенности: Автореферат докторской диссертации доктора географических наук. Ташкент, 2017. 67 с.
49. Тожиева З.Н., Мажидова Н. Аҳоли географияси фанининг ривожланишида баъзи масалалар. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 22-жилд. – Тошкент, 2002. – Б. 73-74.
50. Тошов Х.Р., Қодиров А.А. Бухородаги барҳаёт хотиралар. // Абдусами Солиев: инсон, олим, устоз. – Тошкент, 2019. -Б.314-315.
51. Тошов Х.Р., Қодиров А.А., Нематов А.Н. Юқори сифатли кадрлар тайёрлаш долзарб вазифа. // “Водий ва воҳалар: табиати, аҳолиси, хўжалиги” Республика илмий-услубий конференцияси материаллари. – Андижон, 2012. -Б. 282-283.
52. Тошов Х.Р., Қодиров А.А., Нематов А.Н. В.В.Докучаев ва география фанининг ривожланиши. “Тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқ муҳофазаси, ердан самарали фойдаланиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш” Республика илмий-амалий анжумани материаллари – Бухоро, 2010. -Б. 116-122.
53. Тошов Х.Р., Мавлонов А.М., Нематов А.Н., Қодиров А.А. Иқтисодий-ижтимоий географик таснифлаш ва унинг муаммолари. // Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2013. - Б. 89-91.
54. Тошов Х.Р., Нематов А.Н., Мавлонов А.М., Қодиров А.А. География фанига садоқат. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 2-жилд. Тошкент, 2013. – Б

120-122.

- 55.Турдымамбетов И.Р. Социально-экономические особенности улучшения нозогеографической ситуации Республики Каракалпакстан: Автореферат диссертации доктора географических наук. Ташкент, 2016. 83 с.
- 56.Турсунов Х.Т. Социально-географические аспекты исследования экологической ситуации крупного города (на примере города Ташкента): Автореферат диссертации кандидата географических наук. Ташкент, 1994. 24 с.
- 57.Файзуллаев М.А. Экономико-географические факторы развития сельского хозяйства в пустынной зоне Южного Узбекистана: Автореферат диссертации доктора философии по географическим наукам. Ташкент, 2017. 48 с.
- 58.Федорко В.Н. Экономико-географические основы совершенствования территориальной структуры природопользования в Узбекистане: Автореферат диссертации доктора философии по географическим наукам. Ташкент, 2018. 52 с.
- 59.Федорко В.Н., Дружинин А.Г., Стрелецкий В.Н. Социально-экономическая география в Узбекистане: история формирования, современные векторы и международный контекст развития. Известия РАН. Серия географическая, 2020, том 84, № 4, с. 617–625
- 60.Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б. Становление и развитие экономической и социальной географии в Национальном университете Узбекистана // Известия Географического общества Узбекистана. 2018. Т. 53. С. 73–82.
- 61.Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б., Ражабов Ф.Т. Абдусами Салиев: человек, учёный, наставник: биобиблиографическое издание Ташкент: Mumtoz so'z, 2017. 332 с.
- 62.Федорко В.Н., Эгамбердиев А., Курбанов Ш.Б., Ражабов Ф.Т. Географическое общество Узбекистана. Ташкент: Мумтоз сўз, 2019. 92 с.
- 63.Харвей Д. Научное объяснение в географии. Москва, 1974
64. Каюмов А.А., Нурматов М., Рузиев Ш., Шарипов Д. Истиқболда география фани бўйича етук, тўлақонли мутахассислар тайёрлаш ва бу борадаги долзарб вазифалар. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 23-жилд. –Тошкент, 2003. – Б. 204-205.
- 65.Қодиров А.А. Аҳмад Доңишнинг географияга оид қарашлари. // “Аҳмад Доңиш - XIX асрнинг буюк мутафаккири ва тараққийпарвари”. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. I-китоб – Бухоро, 2007. - Б. 140-141.
- 66.Қодиров А.А. В.М.Четиркиннинг Ўзбекистонда иқтисодий география тараққиётига қўшган ҳиссаси. // «География фанининг назарий амалий муаммолари». Республика илмий-назарий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро. 2006. - Б. 152-155.
- 67.Қодиров А.А. Г.Н.Черданцевнинг Ўзбекистонда иқтисодий география тараққиётига қўшган ҳиссаси. // Ўзбекистон География жамияти VII съезды материаллари. – Тошкент, 2006. - Б. 177-178.
- 68.Қодиров А.А. Мавлонов А.М. Ўзбекистонда шаҳарларнинг иқтисодий

- географик ўрганилиши. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 29-жилд. – Тошкент, 2007. - Б. 103-105. (11.00.00; №6).
- 69.Қодиров А.А. Ўзбекистон чўл худудларининг иқтисодий географик ўрганилиши. // “Чўл зонаси ландшафтлари ресурсларидан самарали фойдаланишнинг географик асослари”. Республика илмий- назарий, амалий конференцияси материаллари – Бухоро, 2010. -Б. 116-122.
70. Қодиров А.А. Ўзбекистонда иқтисодий географиянинг шаклланиши. // Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент - 2007. - Б. 50-51.
- 71.Қодиров А.А., Мавлонов А.М., Абдувалиев Ҳ.А., Эгамбердиев А.Э., Ўзбекистонда социал-иқтисодий картографиянинг ривожланиши. // Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. -Б 191-195.
- 72.Қодиров А.А., Мирзаева И.Э. Ҳофизи Таниш Бухорийнинг географик қарашлари. // Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2007. - Б. 27-29.
- 73.Қодиров А.А., Раҳмонова С.Ж. География таълимининг ўқувчи шахсини ривожлантиришдаги аҳамияти. // «География фанининг назарий амалий муаммолари». Республика илмий-назарий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2006. - Б. 200-201.
- 74.Қодиров А.А., Раҳмонова С.Ж. Мактаб география дарсларида экологик таълим масалаларининг қўйилиши. // «Ўзбекистон Республикаси биологик хилма-хиллигининг экологик муаммолари». Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 2006. - Б. 404-406.
- 75.Қодиров А.А., Ҳалимова Г.С., Неъматов А.Н., Мирзаева И.Э. “Амалий география” фанининг ўрта махсус касб-хунар таълим тизимида ўқитилишининг айrim муаммолари ва ечими хусусида”. // География фани ва таълимининг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари – Бухоро, 2015. -Б. 448-450.
- 76.Қодиров А.А. Ўзбекистонда иқтисодий - географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш” // Замонавий географик тадқиқотларда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожланиши, табиатдан оқилона фойдаланиш ва туризм масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари – Нукус, 2021. -Б. 182-185
- 77.Фуломов П.Н., Абдуназаров Ў., Шожалилов Ш., Миракмалов М. Ўзбекистонда география таълими методикасининг ривожланиши ва истиқболлари. // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 18-2-жилд. –Тошкент, 1997. – Б.167-172.
- 78.Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т. «Ўзбекистон», 1981. 262 б.

- 79.Ҳикматов Ф.Ҳ., Федорко В.Н., Қурбонов Ш.Б. Ўзбекистон География жамияти ахборотида чоп этилган мақолаларнинг хронологик, системали ва алифбо кўрсаткичи (1-55-жилд, 1955-2019 йй.) // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. – Тошкент, 2019. – 248 б.
- 80.Экономическая и социальная география в СССР. М.: Просвещение, 1987. 542 с.
- 81.Янчук С.Л. Факторы формирования полюсов и линий роста в экономике Узбекистана: Автореферат диссертации кандидата географических наук. Ташкент, 2002. 22 с.
82. www.pedagog.uz
83. www.Ziyonet.uz
84. www.edu.uz
85. www.google.de
86. www.yahoo.de

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
1- Мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий география фани назариясининг баъзи бир масалалари	
1.1. Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география фани тадқиқот обьекти ва предмети эволюцияси.....	8
1.2. Фаннинг таркибий тузилиши ва унинг ривожланишидаги асосий йўналишлар.....	17
1.3. Ўзбекистонда иқтисодий – ижтимоий географиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш.....	25
2- Мавзу: Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тарихий ривожланиши ва хозирги ҳолати	
2.1. Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий географиянинг шаклланиши.....	31
2.2. Республикада иқтисодий ва ижтимоий география соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг хусусиятлари.....	41
2.3. Иқтисодий географик тадқиқотларнинг ҳудудий таркиби.....	47
3- Мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий география фани ривожланишининг асосий муаммолари ва истиқболлари	
3.1. Ўзбекистон таълим тизимида иқтисодий ва ижтимоий географияни ўқитишдаги асосий муаммолар.....	52
3.2. Иқтисодий ва ижтимоий география фани ва тадқиқотларининг ривожланишидаги муаммолар.....	64
3.3. Илмий мактаблар ва марказлар ривожланишидаги устивор йўналишлар.....	75
Глоссарий.....	91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	105